

**МАМАРАЖАБ ТОЖИЕВ,
БЎРИ ЗИЁМУҲАММАДОВ,
МАВЖУДА ЎРАЛОВА**

**“ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ ВА
ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ” ФАНИНИНГ
ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИ
ЛОЙИҲАЛАШ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ

Тожиев М., Зиёмухаммадов Б., Ўралова М.

**“ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ ВА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ”
ФАНИНИНГ ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ЛОЙИҲАЛАШ
(Педагогик технология миллий моделининг амалиётга татбиғи)**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаши томонидан барча магистратура мутахассисликларининг талабалари учун ўқув қўлланма сифатида тавсия этилган. Қайта ишланган ва тўлдирилган иккинчи нашри

Тошкент

«MUMTOZ SO'Z»

2012

УДК: 37 (575.1)
ББК 74.26, П29

Тожиев М., Зиёмухаммадов Б. Ўралова М. “Педагогик технология ва педагогик маҳорат” фанининг ўқув машғулотларини лойиҳалаш (Педагогик технология миллий моделининг амалиётга татбиғи). **Қ.И:** Ўқув қўлланма/ Т.: « MUMTOZ SO’Z», 2011. - 196 б.

ББК 74.26

Ушбу ўқув қўлланма олий таълим муассасаларининг магистратурасида таҳсил олаётган талабалари билан, узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар, педагоглар жамоаси ва илмий тадқиқотчилар учун зарур манба бўлиб, педагогик технологияни таълим жараёнига жорий этиш масаласида барча фанлар ўқув машғулотларининг лойиҳаларини яратишда андоза ҳамда таълим-тарбия амалиётига татбиқ этиш бўйича услубий ёрдам вазифасини ўтайди.

Иқтисод фанлари доктори, профессор **Б.Ҳ.Раҳимов**нинг
умумий таҳрири остида

Тақризчилар:

А.А.Абдуқодиров – педагогика фанлари доктори,
профессор,

Н.А.Ашуров – педагогика фанлари номзоди, доцент,

А.М.Мавлонов – физика-математика фанлари
номзоди, доцент

ISBN 978-9943-398-24-5

©Тожиев М., ва бошқалар, 2011

© «_____», 2011

*Ўзбекистон Республикаси давлат
мустақиллигининг 20 йиллигига
бағишланади*

*«Энг янги замонавий ўқув воситалари
билан таъминланган таълим муассаса-
ларида эскидан қолган ўқитиш услул-
ларининг давом этишига мутлақо йўл
қўйиб бўлмайди».*

**И.Каримов,
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

*2005 ва ундан кейинги йилларда “Таълим
муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахбо-
рот базалари янада мустақамланади,
ўқув-тарбия жараёни янги ўқув-услугий
мажмуалар, илгор педагогик технология-
лар билан тўлиқ таъминланади”.*

**Ўзбекистон Республикасининг
Кадрлар таёрлаш миллий дастури**

КИРИШ

Мамлакатимизда таълим-тарбия жараёнини илмий асосда ташкил қилиб, уни жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида замонавий педагогик технологияни ўқув жараёнига татбиқ этиш давом этмоқда. Шу кунда таълим тизимида таълим жараёнини замонавий педагогик технология билан таъминлаш, унга оид ўқув адабиётларни тайёрлаш ва амалиётга татбиқ этиш – асосий вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Айни пайтда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустақамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1533-сонли қарорининг чиқиши таълим жараёнига миллий педагогик технологияни янада кенгроқ татбиқ этиш жараёнини жадаллаштиришни тақозо этади. Қарорнинг “Юқори малакали

кадрлар тайёрлаш йўналишлари ва мутахассисликларини муқобиллаштириш, давлат таълим стандартларини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар мажмуи”сининг 7-бандида “Замонавий педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларни татбиқ этиш ҳисобига таълим жараёни сифатини яхшилаш”[9] лозимлиги таъкидланган. Қўйилган вазифаларни амалга ошириш учун, олий таълим тизимида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар жамоаси худудимизга мос бўлган замонавий педагогик технология тамойилларини тўлиқ тушунган ҳолда, ўзлари ўқитаётган фанларнинг ўқув машғулотларини босқичма-босқич лойиҳасини тузиб чиқишлари талаб этилади.

Бу вазифанинг асосий ечимларидан бири педагогик технологиянинг ўзбек миллий моделини таълим-тарбия жараёнига кенг татбиқ қилишдир. Педагогик технология тамойиллари асосида ўқув машғулотлари лойиҳаларини тузиш назарий жиҳатдан асосланган бўлиб, бугунги кунда, уни таълим-тарбия жараёнига татбиқ этиш кечиктириб бўлмайдиган масаладир.

Таълим-тарбия соҳасида меҳнат қилаётган ҳар бир мутахассис бугунги кунда педагогикада юзага келаётган янги тушунчаларни англаши, шунингдек дарсларни лойиҳалаш асосида ўқитиш усулини эгалашлари керак. Муаллифлар қўл урган ушбу ўқув ва илмий-услубий қўлланма профессор-ўқитувчилар вақтдан унумли фойдаланиб, чуқур ва пухта билимлар беришлари учун кенг имкониятлар яратади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Вазирлик тизимида 2007-2011 йилларга мўлжалланган фундаментал тадқиқотлар дастурлари” доирасидаги ОТ-Ф8-208 – “Таълим муассасалари ўқув-тарбия жараёнига замонавий педагогик технологиялар ва илғор тажрибаларни жорий этишнинг илмий-назарий асослари” мавзусидаги фундаментал лойиҳа асосида тайёрланган ушбу ўқув қўлланма шу мақсадга хизмат қилади.

Педагогик технологияни таълим амалиётига кенгроқ жорий этиш мақсадида ва амалга оширилган ишларнинг тадрижий давоми сифатида Вазирликнинг Ривожлантириш маркази илмий ходимларининг етакчилигида республикамизнинг кўзга кўринган педагог олимлари ва Фарғона, Қарши давлат университетлари профессор-ўқитувчилари билан ҳамкорликда “Педагогик технология ва педагогик маҳорат” фанининг ўқув машғулотларининг “Педагогик технология” қисми лойиҳаланди ва унинг натижаси сифатида ўқув

жараёнида ижтимоий фанлар бўйича илк маротаба лойиҳаланган ўқув ва илмий-услубий қўлланма тайёрланди.

Ушбу ўқув қўлланма магистратурада ўқиётган талабалар билан биргаликда, республикамизда фаолият юритаётган педагогик жамоатчилик учун ҳам педагогик технологиянинг ўзбек миллий маделини амалиётга татбиқ қилиш ва шу асосда ўзларининг ўқув фанлари ўқув машғулотларини лойиҳалашда ҳамда уни таълим-тарбия жараёнига татбиқ этишда андоза вазифасини бажаради.

Ўқув қўлланма тайёрлашда ва баъзи бобларини шакллантиришда п.ф.д., проф. **Э.А.Сейтхалилов** ва п.ф.д., проф. **Ў.Қ.Толипов**ларнинг маслаҳатлари эътиборга олинган.

Ўқув қўлланма тайёрлашда Ўзбекистонда таълим-тарбия жараёнини янада ривожлантириш соҳасида узок меҳнат қилган ва ишимизга илмий, услубий ва амалий маслаҳат берган физика-математика фанлари номзоди, доцент **А.М.Мавлонов**, физика-математика фанлари номзоди, доцент **Х.Х.Назаров**, филология фанлари номзоди, доцент **Маҳкам Махмудов**ларга муаллифлар миннатдорчилигини билдиради.

МИЛЛИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ АСОСИДА “ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯ ВА ПЕДАГОГИК МАҲОРАТ” ФАНИ ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ ЛОЙИҲАЛАРИ

1. Ушбу лойиҳани тузиш жараёнида бажарилган амаллар:

1. “Педагогик технология ва педагогик маҳорат” фанини бир бутунлик деб қараб, “макро модул” деб қабул қилинди, унда бериладиган материалларнинг ҳажми ва мазмунидан келиб чиқиб, – “катта”, “ўрта” ва “кичик” модулларга ажратилди, сўнг, уларнинг мақсад ва мақсадчалари ҳамда уларга ажратилган вақт белгиланди.

2. Ҳар бир кичик модул ёрдамида бериладиган билимлар тизими ичидан таянч тушунчалар ажратилди.

3. Таянч тушунчалар асосида назорат саволлари тузилиб, талабалар билим ва кўникмаларини баҳолаш тур ва мезонлари белгиланди.

4. Ўқув машғулотларининг ҳар бир кичик модулида қўлланиладиган дарс тури ва типи аниқланиб олинади.

5. Ҳар бир кичик модулда қўлланиладиган педагогик услублар аниқланиб, жойлари топиб қўйилди.

6. Ўқув муассасида мавжуд ахборот технологиялардан ҳамда ҳар бир кичик модулдаги ўқув машғулотининг характеридан келиб чиқиб, ўқув машғулотида фойдаланиладиган ахборот технологияларнинг қўлланиш жойлари белгиланди.

7. Ўқув машғулотлари жараянида, ҳар бир кичик модулда фойдаланиладиган дидактик материалларнинг тури ва жойи аниқланди.

8. Ўрта модул мазмуни ва ўқитиш жараёнининг боришини ифода этувчи ўқув машғулотлари сценарийси ёзилди.

1.1. Ўқув мақсадларини белгилаш усуллари

Лойиҳа тузишни ўқув фанининг вазифасидан келиб чиққан ҳолда, макро ва микро модулларнинг ўқув мақсадларини аниқлашдан бошлаш лозим. Чунки, мана шу жойда ўқув жараёнини лойиҳалаш амали бевосита намоён бўлади. Айнан шу босқичда лойиҳалавчи модуллар устида ишлаб, ўқув мақсадларини аниқлайди.

Педагогик амалиётда мустаҳкам ўрин олган ўқув мақсадларини аниқлашнинг қуйидаги анъанавий усуллари мавжуд:

а). Мақсадларни ўрганиладиган ўқув материалнинг мазмуни орқали аниқлаш. Масалан: «Электромагнит индукция ходисасини ўрганиш», «Виетта теоремасини ўрганиш», ёки бирор боб мазмунини, теоремалар, ходисалар, Қонунлар ва ҳокозоларни анъанавий усулда ўрганиш, бу каби мақсадларни белгилаш фақат битта дарс ёки бир неча дарсларда ўтиладиган материални ўргатишга ишора қилиш холос, унда ўқув жараёнини ташкил этиш учун аниқ бир йўналиш йўқ. Шунингдек, бундай шаклда ифодаланган мақсадларга эришилганлик ёки эришилмаганликни ҳам аниқлаб бўлмайди. Бошқача айтганда, бундай усулда белгиланган ўқув мақсадлари ўқув жараёнини ташкил этишнинг инструментал (амалга оширувчи) қисми ҳам бўла олмайди. Шунинг учун ҳам педагогик технология тарафдорлари бундай ўқув мақсадларни ўта ноаниқ деб ҳисоблаб, танқид қилган.

б). Анъанавий ўқув мақсадларини ўқитувчи фаолияти орқали аниқлаш. Масалан: ўқувчиларни «ички ёнув двигателнинг ишлаш тамойили билан таништириш», «Ом қонунини намойиш қилиш», «географик картадаги шартли белгиларни ўқишга ўргатиш» ва ҳ.к. Ўқув мақсадларини бундай усулда аниқлаш, ўқитувчининг шахсий фаолиятига қаратилган бўлиб, ишдаги тартиб ва тушунтириш ҳақида таъсурот қолдиради холос. Ўқитувчи ўқув мақсадларини олинадиган натижага таққослаш имкониятига эга бўлмаган ҳолда ҳаракат қилади, чунки ўқув мақсадлари бу усулда аниқланганда олинадиган натижанинг ўзи аниқ ифодаланмаганлиги кўриниб турибди.

в). Ўқув мақсадларини ўқувчининг интеллектуал, ҳиссий соҳага оид ички ривожланиш жараёнлари орқали анъанавий аниқлаш. Масалан: «кузатидаётган ходисаларни таҳлил қилиш малакаларини шакллантириш», «ифодали ўқиш малакасини шакллантириш», «физикадан масалалар ечишда ўқувчиларнинг билиш қобилиятларини ривожлантириш» ва ҳ.к. Бундай ўқув мақсадлари ўқув юрти фан ёки фанлар цикли даражасидага умумий мақсадларни ифодалайдилар холос, лекин улар хатто дарс ёки дарслар туркуми мақсадларини ҳам англатмайди.

Педагогик технология тарафдорлари бундай мақсадларни инкор этадилар. Ҳақиқатан ҳам, уларга эришганликка ёки бир дарс давомида бу мақсадларга, хатто яқинлашиб борилганлигига ҳам ишониб бўлмайди. Бу усуллар орқали мақсадга эришиш йўналишлари ҳақида ҳам фикр юритиб бўлмайди, чунки улар ниҳоятда умумий шаклда ифодаланган. Аммо бизнинг фикримизча

бу усуллар бутунлай самарасиз эмас, фақат мақсадларга жиддий аниқлик киритиш керак. Бу ўринда ҳам мақсадларни аниқлаштиришнинг педагогик технология доирасида яратилган услублари ёрдам беради.

г). Анъанавий ўқув мақсадларини талабалар ҳатти-ҳаракати ва фаолияти орқали белгилаш. Масалан: «квадрат илдизли тенгламани ечиш», «айлана узунлигини ҳисоблаш», «ўсимликнинг тўқимали тузилишини ўрганиш», «газ тақсимлаш механизмини қисмларга ажратиш ёки йиғиш» ва ҳ.к.

Бир қарашда ўқув мақсадларини бундай ифодалашда дарсни режалаш ва ўтказишга аниқлик киритилганга ўхшайди. Бироқ, бу усулда ҳам энг муҳим кўрсаткич - ўқитишдан кутиладиган натижа эътибордан тушиб қолганга. Лекин бу натижа - талабанинг ўз шахси ривожланиши томон ички силжиш бўлиб, у талабанинг баъзи бир фаолиятида ўз аксини топади.

Педагогик технология тарафдорлари таклиф этган ўқув мақсадларини аниқлаш усули ўзининг юқори даражада инструменталлиги (ўта амалийлиги) билан ажралиб туради. Ўқув мақсадлари ўқувчининг ишончли ўлчаш ва ташқаридан билиб олиш мумкин бўлган ҳатти-ҳаракатида ифодаланиб, улар ўқитиш натижалари орқали шакллантирилади. Шу билан бирга, ўқувчиларнинг бу ҳатти-ҳаракатларини ўқитувчи ёки эксперт аниқ кузатиб баҳолаши мумкин бўлади.

Бироқ, бу самарали ғоя дастлаб кўп қаршиликларга учради. Қандай усул билан ўқитиш натижасини ўқувчи-талабанинг ҳатти-ҳаракатларига ўтказиш мумкин? Бу ўтказишда қатъий бир хил маънони қандай сақлаб қолиш мумкин? Бу каби муаммолар асосан қуйидаги икки хил усул билан ҳал этилган:

а). Ўқув мақсадларининг шундай мажмусини тузиш керакки, унинг ичида ўқув мақсадларининг тоифалари ва даражалари кетма-кетлиги аниқ белгиланган бўлсин. Ўқув мақсадларининг бундай мажмуи педагогик **таксономия** деб аталади.

б). Ўқув мақсадларини ифодалаш учун шундай аниқ ва тушунарли тилни топиш керакки, ўқитувчи бу тил орқали мақсадларни аниқ ифодалайдиган бўлсин.

Демак, ўқув мақсадларини белгилашга юқорида қайд қилинган аниқликларни киритиш, педагогик технологиянинг одатдаги ўқитиш усулларида тубдан фарқ қилувчи дастлабки, энг муҳим жиҳатларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўқув мақсадларининг ўта аниқ белгиланиши унга эришганликни яққол назорат қилишга имкон беради. Бу эса, ўз навбатида талаба шахсини ривожланиб бораётганлик даражасини ҳамда ўқитувчи фаолиятидаги камчиликларни ўз вақтида аниқлаб, уларни бартараф қилиш имконини беради.

Ўқув фани мақсадларини педагогик таксономия асосида аниқлаш икки босқичда бажарилади. Биринчи босқичда фан ўқитилишининг умумий мақсади аниқланади. Иккинчи босқичда эса кундалик ва жорий ўқув фаолиятининг мақсадлари аниқланади яъни, фанни қисмларга ажратиб аниқланган ўқув мақсадларини ва талабанинг бу бўлимларни ўзлаштиришдаги интеллектуал фаолиятининг асосий турлари аниқланилади [55].

Ўқув мақсадларини назорат шакллари ва уларнинг тест топшириқларига айлантириш

1-жадвал

Харакатни ифодоловчи фезъллар	Аниқ ҳаракат турлари (кўринишлари)	Тест топшириқлар намунаси
Татбиқ доирасини чегараланг	Объект ёки ҳодисалар- нинг алоҳида қисмларини кўрсатинг, белгиланг, гуруҳларга ажратинг	«Қуйидагилардан қайси бири далил (Д), қайсилари эса фикр (Ф) эканлигини аниқланг».
Таърифланг	Аниқ қиймат ёки муҳим тавсифларни ифодалай- диган оғзаки ёки ёзма таърифни баён қилинг.	«Қуйидаги иборалар- нинг ҳар бирига таъриф беринг».
Ёзма равишда ифодаланг	Асосий белгилар, хусусиятлар ва ўзаро мақсадларни характер- ловчи оғзаки, ёзма таърифни баён қилинг.	«Ҳаво намлигини ўлчаш йўллари баён қилинг».
Конструкциялаш	Акс эттириш, ясаш, йиғиш, тайёрлаш.	«Берилган катталиқ- ларни акс эттирувчи диаграмма тузинг».

1.2. “Педагогик технология ва педагогик маҳорат” фанининг катта модуллари, улардан кўзланган мақсадлар ва таркибидаги ўрта модуллар сони

2-жадвал

Т/р	Катта модуллар номи	Модуллардан кўзланган мақсадлар	Ўрта модуллар сони
1.	<p>Педагогик технология-нинг назарий асослари: Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва педагогик технология-нинг ривожланиш тарихи ҳамда унинг замонавий таснифи (8 соат).</p>	<p>Талабаларга замон талабига жавоб бера оладиган мутахассисни тайёрлашда таълимга янги ёндашиш зарурлигини, педагогик фаолиятни технологиялаштириш - ижтимоий зарурият эканлиги ва Ўзбекистонда педагогик технологияни таълим амалиётига жорий этишнинг долзарблигини, уни таълим жараёнига қўллашда квантлар назариясидан келиб чиқувчи синергетиканинг мажмулар назарияси ва унинг ҳосиласи сифатида объектив борлиққа мажму ёндашув тамойилининг ўрни ва аҳамиятини очиқ бериш.</p>	<p>3 та маъруза, 1 та лаборатория</p>
2.	<p>Талабалар фаолиятини фаоллаштириш ва интенсивлашга асосланган таълим технологияси (4 соат).</p>	<p>Талабаларда таҳсил олувчи фаолиятини фаоллаштириш ва жадаллаштириш(интенсификация) лашга асосланган таълим технологиялари ҳақида ДТСда кўрсатилган ҳажмдаги билимларни шакллантириш ва бўлажак педагог фаолиятида муаммоли таълим, лойиҳавий таълим, ўйинли таълим усуллари қўллаш учун зарурий кўникма ва малакаларни, таълимга инсонпарвар ёндашувни, кедаякда ҳар бир ўқувчи-талабада шахсни кўра олиш ва уни ҳурмат қилиш, таҳсил олувчилар қобилиятига</p>	<p>1 та маъруза, 1 та лаборатория</p>

		ишонч ҳиссини шакллантириш, шунингдек, талабаларда мустақил фикрлаш кўникмаларини, таълимий вазифа ва муаммоли вазиятларни яратиш, уларни ечиш ва мақсадли фаолият кўникмаларини пайдо қилдириш.	
3.	Таълим жараёнини замонавий педагогик технология асосида ташкил қилишда қўлланиладиган педагогик усуллар (6 соат).	Талабаларнинг педагогика билан психология ўртасидаги боғлиқликни англашларига эришиш, аналитик тафаккурни ривожлантирувчи усуллар билан таништириш, талабаларда усулларни таълим мақсадидан келиб чиқиб танлаш ва қўллаш кўникма, малакаларини шакллантириш, шунингдек, аналитик тафаккурни ривожлантирувчи услублар асосида ўқув машғулотларини ташкиллаш орқали уларда лидерлик (етакчилик) мустақил фикрлаш ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш.	1 та маъруза, 2 та лаборатория
4.	Ўқув материални дидактик такомиллаштириш ва реконструкциялаш асосидаги таълим усуллари (4 соат).	Талабаларда жамият ва фаннинг ҳозирги ривожланиш босқичида ахборотнинг тутган ўрни, таълим мазмунини шакллантиришга замонавий ёндашув, таълим жараёнида таълим мазмуни ва унга киритилган маълумотни таҳсил олувчида ҳосил қилишда ўқув воситаларнинг роли, модулли таълим усули билан таништириш, уларда таълим мазмунини реконструкция қилиш кўникмаларини ривожлантириш ҳамда мустақил билим олиш ва катта ҳажмдаги маълумотларни ўрганиш ва реконструкция қилиш учун зарур бўлган сифатларни шакллантириш.	1 та маъруза, 1 та лаборатория

5.	Ўқув машғулотларини лойиҳалаш (6 соат).	Талабаларда таълимга технологик ёндашувни шакллантириш, таълим жараёнига қўйиладиган талаблар, ўқув жараёнини ташкиллаш ва амалга ошириш босқичлари, уларда ўқув-тарбия жараёнини лойиҳалаш кўникмалари ва малакаларини шакллантириш.	1 та маъруза, 2 та лаборатория
6	Ахборот-коммуникация технологиялари (4 соат).	Талабаларда таълим жараёнида замонавий ахборот технологиялардан фойдаланишга оид билимларни шакллантириш, таълим жараёнида ушбу технологияларни қўллаш ҳамда таълим мазмунини рақамли информацияга айлантиришнинг педагогик-психологик жиҳатлари билан таништириш, ахборот техноологияларни таълим жараёнида қўллаш учун зарурий кўникма ва малакаларни шакллантириш, шунингдек, уларда дастурлаштирилган таълимнинг мақсад ва моҳияти, ушбу таълим технологиясининг ютуқли томонлари ҳамда камчиликлари ҳақида тушунча ҳосил қилиш, турли манбалардан, жумладан Интернет орқали кириб келаётган янги ахборотларга танқидий ёндашувни шакллантириш ва компьютерга нисбатан тўғри муносабатни, яъни, уни қулай восита сифатида қабул қилишни ва қўллашни ўргатиш, томонидан компьютернинг инсон руҳияти ва саломатлигига етказиши мумкин бўлган зарарларини англашига эришиш.	1 та маъруза, 1 та лаборатория

Ўрта модуллар ва ўқув соатларининг умумий сони

3-жадвал

Т/р	Ўрта модуллар	Сони ва соати
1.	Ўрта модулларнинг умумий сони	16
2.	Маъруза ўқув соатлари	16
4.	Лаборатория машғулоти соатлари	16
5.	Мустақил таълим соатлари	14
6.	Жами ўқув соатлари	46

I. БИРИНЧИ КАТТА МОДУЛ – Педагогик технологияни назарий асослари: Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва педагогик технологияни ривожланиш тарихи ҳамда унинг замонавий таснифи
(3 та маъруза ва 1 та лаборатория модуллари)

1. БИРИНЧИ КАТТА МОДУЛНИНГ БИРИНЧИ ЎРТА МОДУЛ МАВЗУСИ: (Маъруза) Таълимни модернизация қилиш масаласининг долзарблиги ва педагогик технология ғоясининг вужудга келиши ҳамда квантлар назарияси ва синергетика, мажмулар назарияси ва мажму ёндошув тамойили

1.1. Биринчи катта модул таркибидаги биринчи ўрта модулнинг умумий мақсади

1.1.1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида ишлаб чиқилган кадрлар тайёрлаш Миллий моделининг бош мақсади баркамол инсон ва етук малакали мутахассис етиштириш ва шахсга янгича қарашнинг туб моҳиятини, жамият ва иқтисодиётнинг бугунги ривожланиш босқичида таълим олдига янгича талабларни қўйилиши ва бунинг натижасида ўқитишнинг янгича концепцияси, янгича ёндашувни вужудга келишини ва педагогик технологиянинг пойдо бўлиш омилларини ва бу омилларни тарихан ва мантиқан боғлиқлигини, шунингдек, Ўзбекистоннинг замонавий миллий педагогик технология моделини яратиш заруриятини, бунинг учун эса талабаларда илм-фаннинг ҳозирги ривожланиш босқичидаги синергетика ғояларидан келиб чиқувчи мажму ёндашув тамойилини белгилаб бераётганлиги ва бунинг барча фанлар ривожланишига, шу жумладан педагогика фанига ҳам, кўрсатаётган таъсирини талабалар онгига етказиш.

1.2. Биринчи ўрта модулнинг кичик модулларини номлари ва мақсадлари

1.1.2-жадвал

Т/р	Кичик модуллар номи	Кичик модулларнинг мақсадлари
1.	Жамият тараққиёти ва эркин фикрловчи	“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да белгиланган Ўзбекистон таълим тизимидаги ислохотлар стратегиясини ва

	<p>шахсни шакллантириш ва педагогик фаолиятни технологиялаштириш – ижтимоий зарурият бўлганлиги туфайли “таълим технологияси”ни вижудга келиши ва унинг ривожланиш босқичлари</p>	<p>“Кадрлар тайёрлаш миллий модели”нинг туб моҳиятини ва шахсга янгича қарашни, таълим тизимидаги ислохотларда педагогик технологиянинг ўрнини, педагогик технологиянинг вужудга келиши омилларини, педагогик фаолиятни технологиялаш моҳиятини, ҳозирда таълим соҳасининг олдига қўйилаётган вазифани таълимга педагогик технологияни татбиқ этиш ғоясини билиш ва уни вужудга келиш босқичларини талабаларга ўргатиш.</p>
2.	<p>Жаҳондаги дидактик тизимлар ва педагогик технологиянинг вужудга келиши ҳамда таълим тизимида педагогик технологияни самарали жорий этиш йўлидаги муаммолар</p>	<p>Талабаларга Ўзбекистоннинг ижтимоий – педагогик шароитига мослашган ўзбек миллий педагогик технология моделини яратилиши ва уни таълим-тарбия амалиётида қўллаш зарурлигини уқтириш, педагогик технология бешта сабабий шартларнинг барча талабларига жавоб берадиган таълимий тадбир эканлигини ва педагогик технологияни бошқа таълим усулларида ажратиб турадиган ўзига хос хусусиятларини тушунтириш ва таълим тизимида педагогик технологияни самарали жорий этиш йўлидаги муаммоларни уларга очиб бериш.</p>
3.	<p>Квантлар назариясидан келиб чиқувчи синергетик дунёқарашнинг ҳосиласи бўлган мажмулар назарияси ва таълим-тарбия соҳасида мажмуий ёндашув</p>	<p>Талабаларга квант назарияси ва синергетика ғояларига оид билимларни моҳиятини тушунтириш, мажму тушунчасини таърифлаб бериш, унга хос белгиларни айтиб, турларини, тамойилларини санаб бериш, “мажму” ёндошув тамойилини таълим жараёнига боғлай олишни ва дарсни мажму сифатида таърифлай олишни ҳамда мажмуий ёндашувнинг аҳамиятини тўғри тушунтириш.</p>

	тамойилидан фойдаланиш	
--	---------------------------	--

1.3. Кичик модуллардаги таянч тушунчалар ва улар асосида тузилган назорат саволлари

1.1.3-жадвал

Т/р	Таянч тушунчалар	Назорат саволлари
1.	Таълим модернизацияси, баркамол шахс, кадрлар сифати, демократлаштириш, педагогик техника («таълим техникаси»)	<p>1. Ўзбекистон Республикасида таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсади нима?</p> <p>2. Шахсга йўналтирилган педагогик технологиянинг асосий ғоясини таҳлил қилиб кўринг.</p> <p>3. Замонавий малакали мутахассис сифатларини санаб беринг.</p> <p>4. Шахсда замонавий малакали мутахассис эга бўлиши керак бўлган сифатларни шакллантириш учун қандай ишларни амалга ошириш зарур?</p> <p>5. Таълим жараёнида шахс қандай ролларни ижро этади?</p> <p>6. Ўзбекистонда амалга оширилаётган таълимий ислоҳотларда педагогик технологиянинг тутган ўрнини баҳолаб беринг.</p> <p>7. Таълим технология ғоясини вужудга келиш босқичларини санаб беринг, уларни шарҳлаб беринг.</p>
2.	Дидактик тизим, технологик жараён, педагогик жараён, объект, субъект	<p>1. Жаҳондаги дидактик тизимларни таҳлил қилиб беринг?</p> <p>2. Технологик жараён деб қандай жараёнга айтилади?</p> <p>3. Ишлаб чиқаришда технологик жараён нима мақсадда қўлланилади?</p> <p>4. Ишлаб чиқаришдаги технологик жараённинг қайси жиҳатларини таълим жараёнига қўллаш мумкин, деб ўйлайсиз?</p> <p>5. “Таҳсил олувчи таълим жараёни субъектига айланиши керак” деган фикрни</p>

		қандай тушунасиш?
		6. Таҳсил олувчини таълим жараёни субъектига айлантириш учун нима қилиш керак?
		7. Таҳсил олувчини таълим жараёни субъектига айлантириш нима беради?
3	Квант назарияси, синергетика, функционал алақадорлик, системалар назарияси, тизим, мажмуа, мажму, замонавий дарс, “поғонадорлик” (иерархиялилиқ)	<p>1. “Квант назарияси” ва “Синергетика”нинг моҳиятини айтиб беринг.</p> <p>2. Системалар назариясини тушунтириб беринг?</p> <p>3. “Тизим”, “Мажмуа” ва “Мажму” тушунчалари фарқини айтиб беринг.</p> <p>4. Мажму турлари, тамойилларини санаб беринг, уларни шарҳланг.</p> <p>5. Мажму тушунчасини таълим жараёнига нисбатан қўлланг.</p> <p>6. Ҳар бир ишда мажмулар назариясидан келиб чиқиш қандай натижа беради?</p> <p>7. Таълим жарёнида дарснинг ўрнини изоҳланг.</p>

Изоҳ. Кичик модуллардаги назорат саволларидан талабалар мустақил таълимида ҳам фойдаланадилар.

1.4. Кичик модулларнинг назорат саволлари асосида тузилган тест

1.1.4-жадвал

Т/р	Саволлар	Мумкин бўлган жавоблар	
1.	Мустақил Ўзбекистонда таълим соҳасида ислохотларни бошлаб юборилганлигининг асосий сабаби нима?	1	Ривожланган мамлакатлардан андоза олингани.
		2	Техник тараққиёт натижасида ўқув воситаларининг такомиллаштирилгани.
		3	Кадрлар сифатига қўйиладиган талабларнинг ўзгарганлиги.
		4	Давлат таълим стандартлари қабул қилингани.
2.	Кадрлар сифатига қўйиладиган талабларнинг	1.	Таълим шакли
		2	Таълим тизими
		3	Таълим мазмуни

	Ўзгарганлиги, энг аввало, таълимнинг қайси таркибий қисмини ўзгаришининг келтириб чиқарди?	4	Таълим мақсади
3.	Нима сабабдан “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” да таълимга педагогик технологияни жорий қилишга муҳим аҳамият қаратилган?	1	Педагогик технологияни жорий қилиш – замон талабига айланганлиги
		2	Таълимда компьютер технологияларни қўллаш зарурияти туғилгани
		3	Ўзгарган таълим мақсади таълим жараёнига бўлган ёндашувни тубдан ўзгартиришни талаб қилади.
		4	Дунё мамлакатларига интеграциялашув учун Ўзбекистон таълим тизими ривожланган мамлакатлар таълим тизими каби ташкилланиши зарур эканлиги.
4.	Нима сабабдан хозирда мутахассисдан мустақил таълим олиш, ўз малакасини мустақил ошириб бориш кўникмаси шаклланган бўлиши талаб қилинмоқда?	1	Барча соҳаларда рақобатнинг кучайганлиги
		2	Ахборотларнинг тезкор суръатда кўпайиб бориши, янгилиниши
		3	Глобаллашув жараёни мутахассисга турли мамлакатларга қаршли корхоналарда ишлаш имкониятини бераётганлиги
		4	Мутахассисларнинг таълимга бўлган мотивациясини тобора кучайиб бораётганлиги
5.	Анъанавий таълимга асосланган педагогик жараёнда шахсда қайси сифатларни шакллантириш айниқса қийин?	1	Мустақил тафаккур, ижодкорлик
		2	Мустаҳкам билим, кўникма
		3	Мустаҳкам хотира, масъулият
		4	Касбий билимлар, интизом
6.	Таҳсил олувчининг таълим жарёни	1	Ўқувчининг ўқитувчига айланишини
		2	Ўқувчининг мустақил таълим

	субъектига айланиши нимани англатади?		олишини.
		3	Ўқувчи таълим жараёнининг тенг ҳуқуқли, фаол қатнашчисига айланишини.
		4	Ўқувчилар ўз-ўзини назорат қилишини
7.	“Технологик жараён” таърифи қайси жавобда тўғри берилган?	1	Энг замонавий техник жиҳозлар қўлланиладиган мураккаб жараён
		2	Замон талабаларига жавоб бера оладиган, замонавий техникада самарали ишлай оладиган мутахассислар қатнашадиган жараён
		3	Мухандис-технологлар томонидан лойиҳалаштирилган, техник жиҳозлар воситасида амалга ошириладиган жараён
		4	Муайян маҳсулотни ишлаб чиқариш мақсадида хомаёшни танлашдан маҳсулотни истеъмолчига етказиб беришгача бўлган даврни ўз ичига олган жараён
8.	“Мажму”ни “мажмуа”дан фарқловчи асосий жиҳат.	1	Таркибий қисмларининг ўзаро функционал алоқадорликда эканлиги
		2	Таркибий қисмлари тизимли жойлашгани
		3	Таркибий қисмлари ўртасида функционал алоқаларнинг йўқлиги
		4	Таркибий қисмлари ўртасида кўп тармоқли боғланишларнинг мавжудлиги
9.	Таълим – тарбия тизимига мажму сифатида ёндошиб унинг белгиларини аниқланг	1	Тартибли, тезликка эга, икки қарама-қарши, тизимли, марказлашмаган
		2	Тизимли, очик типдаги, ривожланиб борувчи, тикланувчи, тартибли, кўп поғонали, марказлашган, имманент, мураккаб
		3	Вариатив, очик типдаги, ривожланиб борувчи, тизимли, турғун, мураккаб, тикланувчи, кўп поғонали,

			марказлашган, имманент,
		4	Тизимлашган, ёпиқ типдаги, тугалланган, мураккаб, минимал, имманент, қадрли, тўлиқ, кўп поғонали
10.	Синергетика-нинг асосий тамойиллари қайси жавобда тўғри кўрсатилган?	1	Бир бутунлик, поғонадорлик, мажму қисмларининг ўз поғонасидаги қисмлар билан баробар, бошқа поғонадаги қисмлар билан ҳам алоқада бўла олиши
		2	Муҳимлик, поғонадорлик, бир бутунлик, мажму қисмларининг ўз поғонасидаги қисмлар билан баробар, бошқа поғонадаги қисмлар билан ҳам алоқада бўла олиши
		3	Нисбийлик, бир бутунлик, мажму қисмларининг ўз поғонасидаги қисмлар билан баробар, бошқа поғонадаги қисмлар билан ҳам алоқада бўла олиши
		4	Кафолатланганлик, мажму қисмларининг ўз поғонасидаги қисмлар билан баробар, бошқа поғонадаги қисмлар билан ҳам алоқада бўла олиши поғонадорлик

1.5. Кичик модулларнинг ўқув машғулоти тури ва типинг унда қўлланиладиган педагогик услублар

1.1.5-жадвал

Ўқув машғулотининг шакли	Кириш, диалогли, кўргазмали, муаммоли маъруза
Ўқув машғулотининг тури ва тип	Аралаш дарс; янги билимларни эгаллаш; билимни кўникмага айлантириш
Қўлланиладиган услублар	Тушунтириш; айтиб бериш; иллюстрация; ФСМУ; муаммоли мунозара; кўргазмали, муаммоли маъруза, тест.

Таълим воситалари	PowerPoint дастурида ишланган тақдимот, ФЭТВ (фикрларни ёзиш ва тақдим этиш учун воситалар).
Таълим шакллари	Якка ҳолда, жамоавий, оммавий.
Ўқитиш шароитлари	Мультимедиа воситалари билан жиҳозланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	ФСМУ усули бўйича ёзма ишлар, кузатиш, мунозаралар давомида бериладиган жавоблар, тест.

1.6. Кичик модулларнинг педагогик жараёнида фойдаланиладиган ахборот-коммуникацион технологиялари ва дидактик материаллар

1.1.6-жадвал

Ўқитишнинг техник воситалари	Дидактик материаллар
Биринчи, иккинчи ва учинчи кичик модуллар давомида мавзуга мос слайдлар намойиш қилинади. Шунингдек, назорат саволлари ва шу саволлар асосида тузилган тест слайдлар орқали намойиш қилинади.	Педагогик технологияга оид дарсликлар, услубий қўлланмалар ва кўрсатмали қуроллар

Иш босқичлари ва вақти	Ўқув жараёни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1-босқич. Ўқув машғулотига кириш (10 дақиқа)	1.1. Фаннинг талабаларнинг бўлажак касби учун бўлган аҳамияти, бошқа фанлар орасида тутган ўрнини ёритиб беради. Ўқув курсининг ташкилланиш жиҳатларини талабаларга етказди. 1.2. Мавзунинг номи, мақсад ва кутилаётган натижаларни етказди. Машғулот муаммоли таълим технологияси асосида ташкилланишини, унинг босқичларини маълум қилади,	Тинглайдилар, аниқлаштирувчи саволлар беришлари мумкин.

	талаббалар билимларини баҳолаш тартибини тушунтириб беради.	
2–босқич. Асосий (65 дақиқа)	<p>1.1. Муаммоли савол бериш орқали муаммоли вазиятни шакллантиради <u>“Нима учун Ўзбекистонда амалга оширилаётган таълим ислоҳотларида ўқув-тарбия соҳасига педагогик технологияни жорий этишга катта аҳамият берилмоқда?”</u>;</p> <p>Асосий муаммони ечиш учун кичик муаммоларни шакллантириш фаолиятини бошқаради:</p> <ul style="list-style-type: none"> - <i>Мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим ислоҳотларида педагогик технология қандай ўрин эгаллайди?</i> - <i>“Технология” тушунчасини педагогикага қўлаш нимага асосланган?</i> - <i>Таълим самарадорлигини оширишда педагогик технологиянинг аҳамияти илмий асосланганми?</i> 	<p>2.2.Муаммоли саволни тинглайдилар, унга жавоб топишга ҳаракат қилиб, турли фикрлар билдирадилар.</p> <p>Кичик муаммоларни шакллантиришда қатнашадилар.</p>
	<p>1.2.Биринчи ва иккинчи муаммоли саволлар ечимини излашга қаратилган фаолиятни ташкиллайди:</p> <p>Биринчи кичик модуль бўйича слайдлар намойиш қилиб, ахборот беради.</p> <p>(1-катта модульнинг биринчи ўрта модуль слайдлари);</p> <p>Маърузанинг иккинчи кичик модуль бўйича билимларни умумлаштириш ва мустаҳкамлаш ва назоратни амалга ошириш мақсадида тест ўтказди (1-9</p>	<p>2.3.Ахборотни тинглайдилар, муҳим маълумотларни ёзиб борадилар.</p> <p>Тест ечадилар, тест калити ёрдамида ўз-ўзларини назорат қиладилар, хатолар устида</p>

	<p>тест) ва тест калитини тақдим қилиб, талабаларга ўз билимларини текши-риши учун шароит яратади.</p> <p>Йўл қўйилган хатоларни аниқлаштиради ва уларни тўғрилаш бўйича фаолиятни ташкиллайди: тестни тўғри ечган талабаларга сўз беради, зарур ҳолатда ўзи қайтадан маълумотни тушунтиради.</p> <p>- <i>Мамлакатимизда амалга оширила-ётган таълим ислоҳотларида педагогик технологиялар қандай ўрин эгаллайди?</i></p> <p>- <i>“Технология” тушунчасини педагогикага қўллаш нимага асосланган?</i>- муаммоли саволлар ечимини топишга қаратилган мунозарани ташкиллайди ва жавобларни умумлаштиради.</p>	<p>ишлаш жараёнида қатнаша-дилар.</p> <p>Муаммоли савол ечимини топишга қаратилган мунозарада қатнашадилар.</p>
	<p>1.3. Иккинчи кичик модуль бўйича слайдлар намойиш қилиб, ахборот беради.</p> <p>(1-катта модульнинг иккинчи ўрта модули слайдлари);</p> <p>Маърузанинг иккинчи кичик модули бўйича билимларни умумлаштириш ва мустаҳкамлаш мақсадида суҳбат ўтказади:</p> <p>- Маърузанинг биринчи кичик модули бўйича билимларни умумлаштириш ва мустаҳкамлаш ва назоратни амалга ошириш мақсадида тест ўтказади (10-12 тест) ва тест калитини тақдим қилиб, талабаларга ўз билимларини текшириши учун</p>	<p>2.3. Ахборотни тинглайдилар, муҳим маълумотларни ёзиб борадилар.</p> <p>- Тест ечадилар, тест калити ёрдамида ўз-ўзларини назорат қиладилар, хатолар устида ишлаш жараёнида қатнашадилар.</p>

	<p>шароит яратади; Йўл қўйилган хатоларни аниқлаштиради ва уларни тўғрилаш бўйича фаолиятни ташкиллайди: тестни тўғри ечган талабаларга сўз беради, зарур ҳолатда ўзи қайтадан маълумотни тушунтиради. - <i>Таълим самарадорлигини оширишда педагогик технологиянинг аҳамияти илмий асосланганми?</i> - муаммоли саволлар ечимини топишга қаратилган мунозарани ташкиллайди ва жавобларни умумлаштиради.</p>	<p>Муаммоли савол ечимини топишга қаратилган мунозарада катнашадилар.</p>
<p>3 - босқич. Якуний (10 дақиқа)</p>	<p>3.1. Рефлексия фаолиятини ташкиллайди – талабаларни машғулот натижасида ўрганилган мавзу бўйича ўзларида шаклланган билим, тасаввур, муносабатларни таҳлил қилишга ундайди; шу юзасидан 5-6 талабани фикрини сўрайди.</p>	<p>3.1.Рефлексияни амалга оширадилар.</p>

1.6.1-илова

Ф	Ҳар қандай мамлакатнинг ривожланишида <u>таълим</u> энг муҳим омилдир.
С	
М	
У	

“ФСМУ” усули.

Ф – “фикр” сўзини англатиб, маълум бир фикрни ифодалайди. Берилган фикр муаммо хусусиятига эга бўлади ва талаба кўрилаётган масалага ўз муносабатидан келиб чиқиб, уни қўллаб-қувватлайди ёки инкор қилади – бунинг учун фикрни ўзгартиришсиз колдиради ёки инкор гап шаклига айлантиради.

С – “сабаб” сўзини англатиб, талабадан ўз нуқтаи назарини сабаб келтириш орқали очишга ундайди.

М – “мисол” сўзини англантиб, фикрини исботлаш учун мисол келтиришни назарда тутати.

У – “умумлаштириш” қаторини тўлдириш учун талаба олдин юқоридаги фикрларини қайтадан ўқиб чиқади ва улар асосида берилган масала бўйича якуний ҳулоса чиқаради ва ёзиб қўяди.

1.7. Ўрта модулнинг мазмунини ифода этувчи матн сценарийси

Биринчи кичик модул

Мамлакатимизда етук мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёж кундан-кунга ортиб бормоқдаки, бу муаммони ижобий ҳал қилмасдан туриб, мамлакат иқтисодиётини юксалтириб бўлмайди. Республикаимизда баркамол шахс ва етук мутахассисларни шакллантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида ишлаб чиқилган кадрлар тайёрлаш Миллий моделининг бош мақсади комил инсон ва етук малакали мутахассис етиштириш, шу асосида жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрни ва нуфузига эга бўлишдан иборатдир. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида шахсга янгича қараш ғояси илгари сурилган.

Кадрлар тайёрлаш миллий модели: шахс, давлат, жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқариш.

Шахсга янгича қараш қуйидагилардан иборат:

- таълим жараёнида шахс объект эмас, субъект ҳисобланилади;
- ҳар бир таҳсил олувчи қобилият эгаси, камчилик эса истеъдод эгаси ҳисобланилади;
- этник қадриятлар (сахийлик, муҳаббат, меҳнатсеварлик, виждон ва бошқалар) шахснинг устувор хислатлари ҳисобланади.

Муносабатларда демократлаштириш қуйидагиларни ўз ичига олади:

- таҳсил олувчи ва таълим берувчи ҳуқуқларини ҳурматлаш;
- хатога йўл қўйиш ҳуқуқи;
- ўз нуқтаи назарига эга бўлиш ҳуқуқи;
- таҳсил олувчи ва таълим берувчи муносабати зайли: таъқиқламаслик; бошқариш эмас, биргаликда бошқариш; мажбурлаш эмас, ишонтириш; буюриш эмас, ташкил этиш; чегаралаш эмас, эркин танлаб олишга имкон бериш.

Шахс таълим жараёнининг объекти эмас балки, энди унинг субъектига, асосий ҳаракатлантирувчи кучига айланди. Ўқитувчи,

таълим муассасасининг зўравони эмас, “педагогик ҳамкорликни” таъминловчи. “Таҳсил олувчини ҳаётга тайёрлаш” тамойили “Таҳсил олувчи таълимнинг барча босқичида тўлақонли, фаол ҳаёт билан яшайди” тамойили билан алмашади, таълим жараёнидаги барча қатнашувчиларнинг вазифаси таҳсил олувчилар фаолиятини самарали, ижодий бўлишини таъминлашдан иборат бўлади.

Жамиятимиз жадаллик билан тараққий этиб, иқтисодий ва сиёсий мавқеи кундан-кунга ортиб бормоқда. Аммо ижтимоий соҳада ва, айниқса, таълим-тарбияда (баъзи илғор ўқув муассасалари бундан истисно) депсиниш ва умумий тараққиётдан орқада қолиш сезилмоқда. Бундай нохуш вазиятдан чиқиб кетиш йўлларида бири таълим-тарбия жараёнини қабул қилинган давлат стандарлари асосида технологиялаштиришдир.

Маърифатли ва ривожланган мамлакатларда муваффақият билан қўлланиб келаётган педагогик технологияни ўрганиб, халқимизнинг миллий педагогика анъаналаридан ҳамда таълим соҳасининг шу кундаги ҳолатидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистоннинг замонавий миллий педагогик технология моделини яратиш зарурияти пайдо бўлди.

Технология соҳаси ижтимоий зарурат маҳсулидир. Унинг такомиллашиб бориши қисқа вақт оралиғида, кам куч ва вақт сарфлаган ҳолда юксак сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш, хом-ашёни қайта ишлаш соҳаларида маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнини ташкил этишга нисбатан технологик ёндошув анъанаси юзага келган.

Технологик ёндашув ишлаб чиқариш жараёнининг умумий тавсифини ёритишга хизмат қилади. Муайян маҳсулотни ишлаб чиқариш мақсадида хом-ашёни танлаш (дастлабки босқич)дан маҳсулотни истеъмолчига етказиб беришгача бўлган (сўнги босқич) даврни ўз ичига олган жараён технологик жараён сифатида эътироф этилади; муайян соҳаларда ислохатларни ташкил этиш, уларнинг муваффақиятини таъминлаш, эришилган ютуқларни бойитиб бориш каби мақсадларга эришишнинг самарали омили сифатида намоён бўлади.

Инсоният цивилизациясининг қуйи босқичларида шахсни тарбиялаш, унга таълим беришга йўналтирилган фаолият содда, жуда оддий талаблар асосида ташкил этилган бўлса, бугунги кунга келиб таълим жараёнини ташкил этишга нисбатан ўта қатъий ҳамда мураккаб талаблар қўйилмоқда. Чунончи, мураккаб техника билан ишлай оладиган, ишлаб чиқариш жараёнининг моҳиятини тўлақонли

англаш имкониятига эга, фавқулодда рўй берувчи вазиятларда ҳам юзага келган муаммоларни ижобий ҳал эта олувчи малакали мутахассисни тайёрлашга бўлган ижтимоий эҳтиёж таълим жараёнини технологик ёндашув асосида ташкил этишни тақозо этмоқда.

Шу боис ижтимоий тараққиёт билан узвий алоқадорликда ривожланиб бораётган педагогика фанининг вазифалари доираси кенгайиб бормоқда. Айни вақтда **Республика ижтимоий ҳаётига шиддатли тезликда ахборотлар оқими кириб келмоқда ва кўп соҳаларни қамраб олмоқда. Ахборотларни тезкор суръатда қабул қилиб олиш, уларни таҳлил этиш, қайта ишлаш, назарий жиҳатдан умумлаштириш, хулосалаш ҳамда таҳсил олувчига етказиб беришни жадаллаштиришни ҳам йўлга қўйиш таълим тизими олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.** Таълим-тарбия жараёнига педагогик технологияни татбиқ этиш юқорида айтилган долзарб муаммоларни ижобий ҳал этишга хизмат қилди.

Таълим тизимини технологиялаштириш ғояси ўтган асрнинг бошларида Ғарбий Европа ҳамда АҚШда таълим тизимини ислоҳ қилиш, таълим самарадорлигини ошириш, шахс ижтимоийлашувини таъминлаш ва бу борада муайян муваффақиятга эришиш борасидаги ижтимоий эҳтиёжни қондиришга уриниш натижасида вужудга келган.

30-йилларда нашр этилган махсус адабиётларда «педагогик техника» бу ўқув машғулотларини аниқ ва самарали ташкиллашга имкон берувчи усул, воситалар йиғиндиси.

50-йилларда педагогик технологияларнинг асосий кўрсаткичи деб таълим жараёнида ўқитишнинг техник воситаларини қўллаш деб тушунилган.

60-йиллар бошида «педагогик технология» атамасининг таърифи таълим жараёнини дастурлаш асосида ташкилланиши, деган ғояга асосланди.

70-йилларда „педагогик технология“ атамаси қўлланилиб, у аввалдан лойихалаштирилган ва аниқ белгиланган мақсадларга эришишни кафолатловчи ўқув жараёнини ифодалаган.

Мустақиллик шароитида Ўзбекистон Республикаси таълим муассасалари фаолияти жараёнига янги педагогик технологияни олиб киришга қаратилган ҳаракат бир қатор етакчи ташкилотлар томонидан олиб борилмоқда. Сўнгги беш йиллар давомида юқорида

номлари келтирилган ташкилотларнинг кўмаги ва рағбати асосида Республиканинг бир қатор етакчи олий таълим муассасалари қошида инновацион (педагогик технология) марказлар(и) ташкил этилди[44].

Илмий жамоа ҳамда илмий журналлар фаолиятининг асосий мазмуни таълим технологияси муаммолари бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотлар мазмуни ва натижаларини умумлаштириб, таҳлил этиб бориш, шунингдек, ушбу тадқиқотлар натижаларининг таҳлили асосида муайян тавсияларни ишлаб чиқиш, энг самарали тадқиқотларни оммалаштиришдан иборатдир.

Лекин, таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнига замонавий педагогик технологияни жорий этиш бўйича илмий асосланган андоза ва кўрсатмалар етарли эмас. Хусусан: аксарият манбаларда педагогик технология моҳиятини ёритишга хизмат қилувчи, фақат унинг назарий асосларинигина очиб берилишига ҳаракат қилинган; ўрганилган аксарият манбаларда «педагогик технология»нинг таърифи ҳам ёритиб берилган бўлса-да, бу соҳада ҳануз ягона бир таъриф яратилган эмас; мавжуд адабиётларнинг деярли барчасида асосий урғу таълим технологиялари, уларнинг моҳияти ва афзалликлари каби масалаларнинг тадқиқига бағишланган бўлиб, у ҳам бўлса “мажму” ёндошув асосида қилинмаган ҳамда тарбия технологияси ва унинг моҳиятини очиб бериш борасида муайян ютуқларга эришилмаган; амалга оширилган тадқиқотларда узлуксиз таълим тизимининг маълум босқичида таълим муассасалари ўқув фаолиятини технологиялаштириш муаммолари етарли даражада тадқиқ этилмаган.

Иккинчи кичик модул

Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да, кўп маротаба илғор педагогик технологияни ўрганиб, уларни ўқув муассасаларимизга олиб кириш зарурлиги уқтирилган.

Республикамизнинг педагогик олим ва амалиётчи педагогларига илмий асосланган ҳамда Ўзбекистоннинг ижтимоий – педагогик шароитига мослашган ўзбек миллий таълим технологиясини яратиш ва уни таълим-тарбия амалиётида қўллаш вазифаси қўйилган.

Таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнига мажмулар назариясига тўла суянувчи замонавий педагогик технологияни жорий этиш бўйича илмий асосланган андоза ва кўрсатмалар етарли эмас эди. Хусусан: аксарият манбаларда педагогик технология моҳиятини ёритишга хизмат қилувчи, фақат унинг назарий асосларинигина очиб берилишига ҳаракат қилинган; ўрганилган аксарият манбаларда

«педагогик технология»нинг таърифи ёритиб берилган бўлса-да, мавжуд адабиётларнинг деярли барчасида асосий урғу таълим технологиялари, уларнинг моҳияти ва афзалликлари каби масалаларнинг тадқиқига бағишланган бўлиб, у ҳам бўлса мажму ёндошув тамойили асосида қилинмаган, инчунун тарбия технологиялари ва уларнинг моҳиятини очиб бериш борасида муайян ютуқларга эришилмаган; амалга оширилган тадқиқотларда узлуксиз таълим тизимининг маълум босқичида таълим муассасалари ўқув фаолиятини технологиялаштириш муаммолари етарли даражада тадқиқ этилмаган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, айти вақтда узлуксиз таълим тизимининг муайян босқичида таълим муассасалари, шу жумладан, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими жараёнига замонавий педагогик технологияни жорий қилиш муаммоси долзарб педагогик муаммо сифатида тадқиқ этишга муҳтож бўлиб келаётган эди.

2009 йилга келиб, Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази томонидан бу масала назарий жиҳатидан ҳал қилинди. Бироқ шуни ҳам қайд этиш керакки, замонавий педагогик технологиянинг таълим муассасалари ўқув жараёнига татбиқ этилишини кенг тус олдириш лозим. Айти вақтда бу соҳада муайян муаммолар ҳам мавжуд. Ушбу тадқиқотни амалга ошириш жараёнида қуйидаги муаммолар мавжуд эканлиги аниқланди:

1. Замонавий педагогик технология, шунингдек, таълим технологияси назариясининг моҳияти, унинг назарий ва амалий асослари борасида маълумотлар беришга хизмат қилувчи манбалар, махсус адабиётлар ва методик ишланмалар ҳамда педагогик технологияни (ПТ) таълим жараёнига татбиқ қилиш бўйича андозаларнинг етарли эмаслиги.

2. Узлуксиз таълим муассасалари, шу жумладан, ОТМлар педагогларининг таълим жараёнига замонавий педагогик технологияни татбиқ этиш борасида етарли тажриба орттирилмаганлиги.

3. Узлуксиз таълим муассасалари, шу жумладан, ОТМларда замонавий педагогик технологиядан фойдаланиш учун моддий-техник база билан етарли даражада таъминлаш муаммосини ижобий ҳал қилинмаганлиги.

4. Оммавий ахборот воситалари (ОАВ) хизмати орқали замонавий педагогик технология назариясининг моҳияти ҳамда педагогик технологияни таълим жараёнига татбиқ этиш борасида

қўлга киритилаётган ютуқлар, янги тажрибалар ҳақида маълумот берувчи таҳлилий чиқишларнинг уюштирилишига етарли даражада эътибор қаратилмаганлиги.

6. Таълим соҳасида фаолият юритувчи халқаро донор ташкилотларининг имкониятларидан фойдаланган ҳолда замонавий педагогик технология назарияси ва унинг илмий-амалий асосларини тарғиб этишга йуналтирилган кенг қўламли ҳаракатни ташкил этилмаганлиги.

7. Узлуксиз таълим тизимининг ҳар бир босқичига педагогик технологияни татбиқ этишнинг назарий ва амалий асосларини очиқ беришга қаратилган илмий тадқиқот ишларининг суст олиб борилаётганлиги, махсус тавсияномаларнинг камлиги.

Юқорида айтилган муаммоларнинг ижобий ечимга эга бўлишини таъминлаш узлуксиз таълим муассасалари, шу жумладан, ОТМлар таълими жараёнига замонавий педагогик технологияни жорий қилиш муваффақиятини кафолатлайди.

Замонавий педагогик технологияни таълим жараёнига татбиқ қилиш бўйича қуйидаги тадбирларни амалга ошириш керак бўлади:

– Педагогик технологияни жорий этиш ва уларни қўллаш бўйича халқаро тажрибаларни алмашиш тизимини такомиллаштириш:

– Республика таълим тизимида ўқитиладиган барча фанлар ўқув машғулотлари ва дарсларининг лойиҳасини ишлаб чиқиш:

– Таълим жараёнига педагогик технологияни жорий этиш бўйича махсус қўлланма ва андозаларни етарли даражада яратиш, мустақил ишларни баҳолашда педагогик технологияни алоҳида баҳолашнинг усуллари ишлаб чиқиш:

– Замонавий педагогик технологияни таълим жараёнига юқори даражада татбиқ қилишга асос бўладиган техник воситалар, аудитория жиҳозлар, асбоб-ускуналар билан таълим муассасаларини таъминлаш, слайд-презентацияларини ўтказиш мумкин бўлган каттароқ (50-60 нафар талабага мўлжалланган) хоналарни мультимедиа мажмуилари билан жиҳозлаш:

– Янгидан-янги вазиятли муаммоларни талабаларга тавсия этиш ва уларни ҳал қилишнинг қулай усуллари йўлаб топиш, тарқатма материалларни янги маълумотлар асосида тўлдириб ва янгилаб бориш, лаборатория дарсларида ахборот технологияларини қўллаш бўйича дастурлар тузиш ва уларни талабалар томонидан фойдаланилишига эришиш:

– Зарур ўқув-услугий мажмуларни тайёрлаш учун кафедраларни етарли оргтехникалар билан таъминлаш ва профессор-ўқитувчиларни компьютер саводхонлиги ҳамда алоҳида замонавий педагогик технология бўйича малака ошириш ёки қайта тайёрлашни янада такомиллаштириш.

– Таълим технологияси ғояларининг таълим жараёнига тўлақонли татбиқ этилиши учун минтақавий ички имкониятларни пухта ўрганиш:

– Фанларни ўқитилиши жараёнига илғор технологияларни жорий этиш чораларини белгилаш, зарур шарт-шароитларни яратиш:

– Барча турдаги таълим муассасаларининг педагог ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг таълим жараёнида янги педагогик технологиядан фойдаланиш малакаларини ошириш:

– Таълим субъектларининг техникавий саводхонлигига эришиш:

– Тезкор ахборот хизматини йўлга қўйиш;

– Педагогик жараённинг демократлашув ва инсонпарварлашувига эришиш:

– Таҳсил олувчининг индивидуаллашувига алоҳида аҳамият бериш:

– Тадқиқотлар натижаларини таҳлил этиш, умумлаштириш, тавсияларни ишлаб чиқувчи Марказни ташкил этиш.

Мазкур муаммоларнинг ижобий ҳал этилиши таълим-тарбия жараёнларида муайян самарадорликка эришиш билан бир қаторда баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялашга имкон беради.

Жаҳондаги дидактик тизимлар. Педагогик технологиянинг вужудга келиши. Аслида, инсоният пайдо бўлиши билан, таълим-тарбия ҳам шакллана бошлаган. Чунки, катта ёшдагилар ҳаётий тажрибалари орқали орттирган билим ва кўникмаларини, ўсиб келаётган авлодга ўргатганлар. Натижада тарбия беришнинг ҳам билимлари тўплана бошлаган. Яъни, кимларга ўргатиш? нималарга ўргатиш? ва қандай ўргатиш? деган саволларга жавоб топа бошлаганлар. Бундай тарбия бериш сир-асрорларини Қадимги Хитойда Конфуций; Ўрта Осиёда Авесто, Қуръон, Форобий, Замахшарий, Ибн Сино ва Беруний; Хиндистонда Будда ва Ведаларда ҳамда Миср ва Юнонистон файласуфларининг асарларида учратса бўлади. Аммо, таълим ва тарбияга оид билимларни илмий асосланган маълум бир тизимга солиб, уларни бир неча бор синовдан ўтказиб, равон бир педагогик назария кўринишида, биринчи бор инсониятга тақдим этган олим, бу Буюк

чех файласуфи ва педагоги Ян Амос Коменский (1592-1670) бўлган. У ўзининг “Буюк дидактика” асарида болаларни неча ёшдан ўқита бошлаш лозим? Гуруҳ-гуруҳ қилиб ўқитганда гуруҳдаги болалар сони қанча бўлиши керак? Ўсиб келаётган авлодга нималарни ўргатиш керак? Билим беришда қандай тамойиллардан (принциплар) келиб чиқилиши шарт? Билим беришда қандай усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ? Ўқитувчиларнинг моддий таъминоти қандай бўлиши керак? ва бошқа бир қатор саволларга илмий асосланган ва тажрибадан ўтган жавобларни берган. Ян Амос Коменский фикрича, синфдаги болалар сони 12 дан ошмаслиги керак, ошиб кетса дарс ижро бўлмайди. Ёки ўқитувчиларнинг ойлик иш ҳақи, шаҳарнинг биринчи шахси ойлигидан кўп ёки унинг иш ҳақиси билан баробар бўлиши шарт. Акс ҳолда ўқитувчининг обрўй бўлмайди, деб таъкидлаган. Бошқа масалаларга ҳам шундай, амалда исботланган ва илмий асосланган жавобларни берган эди аллома.

Эрамининг XVII аср ўрталаридан бошлаб, педагогика назарияси ҳамда уни ўрганувчи фан “Дидактика” шакллана бошлаган экан, ўтган давр мобайнида кўпгина педагог олимлар томонидан талайгина дидактик тизимлар таклиф этилиб, амалиётга сингдирилган. Аммо, уларнинг ҳаммаси ҳам тарих синовидан ўтиб, ер юзига кенг тарқалмади. Жаҳондаги кўпгина мамлакатлар педагогик амалиётига сингдирилиб, шу кунгача нуфузини сақлаб турганлари – учта. Бу ҳам бўлса, чехиялик файласуф ва педагог Я.А. Коменскийнинг дидактикаси, олмон педагоги ва психологи И.Ф. Гербарт ва америкалик файласуф, психолог ва педагоги Ж.Дьюнинг дидактик тизимларидир. Бу тизимларнинг ижобий томонларини бирлаштиручи ҳамда анча такомиллашган ҳозирги замонда **янги дидактик тизим мавжуд**.

Булар орасида кўпгина умумийлик бўлгани билан фарқлари ҳам анча. Чунинчи, Я.А.Коменскийнинг дидактик тизими ўта гуманистик бўлиб, у билим бериш ва билим олиш жараёнини бошқариш ўқитувчилар томонидан амалга оширилади дейилгани билан, билим олишликни тўла талабалар ихтиёрида бўлиши керак деб ҳисоблар эди. Яъни, талабалар билим олгилари келсагина уларга билим бериш лозим. Аммо билимга қизиқтириш ўқитувчига боғлиқ дейилган. Шу боис дарс бериш усул ва услублари ўта юмшоқ, яъни болаларга таъзйиқ ўтказмасдан, уларнинг хоҳиш-истакларига қараб дарс олиб борилишини тақазо этган.

Муҳаммад Форобий “Худусул-улум” (“Илмларнинг келиб чиқиши”), «Ихсо ал-улум» («Илмларнинг хосиятлари», «Илмлар таснифи» ҳам дейилади), «Афлотун қонунлар моҳияти ҳақида» асарларида моддий, техникавий билимларни (тилшунослик, математика, илми хиял-механика, манозир-оптика илмларини) билишдан аввал инсон руҳини, маънавиятини камол топтириш, зарурлигини айтади. Форобий инсон – Коинотдаги тизимларнинг бир қисми, табиат қонунларига мувофиқ яшаши, ҳаддидан ошмаслиги, нафсини жиловлаш кераклигини, гўзал фазилатларни эгаллаши кераклигини уқтиради.

Қандай ва қанча билим берилиши керак? деган саволга Я.А.Коменский, билим тури ва ҳажми қанчалик кўп бўлса шунчалик яхши, деган ақидадан келиб чиққан. Шунинг учун ўқитувчи билимни бериб, ўқувчи уни эслаб қолишининг ўзи кифоя дейилган Коменский дидактикасида. Социалистик инқилоб ғалаба қозонган шўролар ҳокимиятида айнан Я.А.Коменскийнинг дидактик тизими қабул қилинган эди. Бошқа деярли барча хорижий мамлакатларда, шу жумладан Европа мамлакатлари ва Америкада, нисбатан қаттиққўлликка ва зўрлашга асосланган И.Ф.Гербарт дидактик тизими кенг қўлланилди.

Гербартнинг фикри бўйича, мактабнинг асосий вазифаси ўқувчиларни ақлий ривожлантириш, яъний уларга билим беришдан иборат бўлмоғи лозим. Гербарт ахлоқий тарбиянинг барча масалаларини оила ҳал қилиши керак деб ҳисоблайди. Шу боис, таълим беришнинг асосий мақсади тайёр билимларни бериш, ўқувчилар эса бу билимларни ёдлаб олишлари билан белгиланган. Гербарт ҳам, “қанча кўп билим берилса, шунчалик яхши”, деган ақидадани тўғри деб билган. Дарс жараёнида фаоллик фақат ўқитувчига руҳсат берилган, ўқувчилар эса ўқитувчи айтганларини мулоҳазасиз қабул қилиб, эслаб келишлари талаб қилинган. Гербарт ўқувчиларга жисмоний жазони ҳам қўллашликни мумкин деб билган. Коменский эса, бу ҳолга жуда ҳам қарши бўлган. Бу масалада Форобий, “баъзи ўқувчиларга юмшоқ усул орқали билим берилса, баъзиларига қаттиқ усул қўл келади” деб туриб, кетидан, “аммо юмшоқ усул қаттиқ усулдан афзал” деган эди аллома.

Азиз китобхон, энди тафаккурингизни яхшилаб ишлатиб, бир эслаб кўринг-чи, сизнинг ҳаётингизда шунга ўхшаш усуллардан фойдаланувчи ўқитувчилар бўлганми? Албатта бўлган, чунки бу икки дидактик тизим қарийб икки аср давомида ер юзида

хукумронлик қилган. Гарчи расмий шўролар ҳокимияти Я.А.Коменскийнинг гуманистик дарс беришини даъво қилсалар ҳамки, кўпчилик ўқитувчилар Гербарт дидактик тизимини билмаган ҳолда, унинг қоидаларига тойиб кетаверганлар. Чунки, Гербарт ўз дидактик тизимини реал ҳаётдан олган бўлиб, психологиянинг қонун-қоидаларига суянган. Ундан ташқари бу усул нисбатан онсон бўлиб, ўқитувчидан фақат қаттиқ кўлликни талаб этиб, ундан катта интеллектуал куч сарфлашни талаб қилмаган.

XX аср бошларида америкалик файласуф, психолог ва педагог Жон Дьюи, Гербарт дидактик тизимига қарама-қарши бўлган ўзининг дидактик тизимини таклиф қилди ва уни Чикаго мактабларидан бирида синаб кўрди. Дьюи дарсда ўқитувчи эмас, ўқувчи фаол бўлмоғи лозим деб чиқди. Дарсда бериладиган билимлар талабалар эҳтиёжига мос ва уларнинг хоҳишидан келиб чиққан бўлиши керак дейди Дьюи. Китобдаги билимларни қурук ёд олиш ҳеч нарсага олиб бормади, аксинча ўқувчиларни ўқишдан совутиб, тафаккурини занглатади деб ҳисоблайди Дьюи. Таълим-тарбияга Дьюининг қўшган асосий ҳиссаси бу “ақл юритишнинг тўлиқ жараёни”дир. Ақл юритиш тўлиқ жараёнининг етакчи ҳалқаси муаммонинг пайдо бўлиши дейди Дьюи. Муаммо пайдо бўлганидан кейин, ўқувчи қийин ҳолатга тушиб, унинг ечимини излайди ва фаол фикр юритиб, бир қатор мулоҳазалардан кейин бу муаммонинг ечимини топади ва синаб кўради, нотўғри бўлган тақдирда, яна ақл юритади ва бу жараён бир неча маротаба қайтарилганидан кейин, охир оқибатда унинг тўғри ечимини топади. Натижада фикр юритишнинг тўлиқ жараёни амалга ошади. Кейинчалик бундай дидактик тизимни муаммоли дарс ўтиш, деб номланиб кетилди.

Бу уч дидактик тизимларни анчагина ижобий томонлари билан биргаликда салбий томонлари ҳам мавжуд. Шунинг учун, америкалик бир қатор педагог олимлар томонидан, аввалги дидактик тизимларнинг ижобий томонларини бирлаштирувчи дидактик тизим яратилди ва унга **янги дидактик тизим** деб ном қўйилди. Янги дидактик тизимда илгари сурилган ғоялар жуда яхши, аммо уларни амалга ошириш ўта қийин экани амалиётда маълум бўлди. Дунёда бўлган барча дидактик тизимларнинг энг яхши томонларини бирлаштириб, янги дидактик тизим асосида дарс ўтишни оддий педагоглар у ёқда турсин, тажрибали педагог олимлар ҳам уддасидан чиқиши қийин бўлди. Шу мунособат

билан, ҳамма педагоглар фойдалана оладиган, ўзининг қатъий тузилишига ва амалий яқунга йўналтирилган ҳамда дунёдаги барча дидактик тизимларнинг яхши томонларини бирлаштира олиш ҳусусиятига эга бўлган **ўқитишнинг педагогик технологияси** ишлаб чиқилди ва ривожланган мамлакатлар педагогик амалиётига сингдирилди.

Учинчи кичик модул

XX аср ўрталарида квант назарияси яратилиб, бутун олам нур (квант) тўлқинининг майдони сифатида идрок этилган бир пайтда, оламни яхлит бир жонли мавжудот деб тан олинмоқда. Ундаги барча унсурлар олам деб аталмиш тирик вужуднинг аъзолари экани исботланган.

Бу назарияни Демокрит, Арасту, Фаробийдан сўнг Макс Планк билан Альберт Эйнштейнлар “Қора ўра” сирини ўрганиш жараёнида яратдилар. Бу шу кунгача шаклланган дунёқарашнинг бутунлай ўзгариб кетишига олиб келди. Шу йўл орқали “Квант назарияси” ва унинг таркибий қисми сифатида “Квант механикаси” яратилди.

Квантли фикр юритиш, Оламни, шу маҳалгача мавжуд бўлган илмлар кашф қилган билимлардан яхшироқ тушунишга ёрдам беради.

Бутун Олам ва ундаги нарсалар тартиб ичидаги тартиб орқали бошқарилиш ғоясидан келиб чиқиб, илм-фанда “синергетика” оқими пайдо бўлди.

Синергетика, даставвал, физика-математиканинг назарияси сифатида Бу оқимга германиялик олим Г.Хакен “синергетика” деб ном берди.

Фақат XX асрнинг 50-йилларига келиб, ўрганилаётган объектга ўзаро узвий боғлиқ бўлган бўлақлардан ташкил топган бир бутунлик сифатида қарайдиган бўлишди.

Даставвал, системалар назарияси ўз мақсадини жамики нарса ва ҳодисалар, уларни ташкил қилувчи қисмларда бирдай ишлайдиган умумий тамойилларни аниқлашга қаратди. Техник системаларни моделлаштиришни кибернетика ўз зиммасига олган бўлса, ахборот берувчи системаларни ўрганиш жараёнида инфорацион назария вужудга келди ва охирида ҳаммасини интеграциялаштирувчи **умум системалар назарияси пайдо бўлди.**

Системалар назариясидан дунёни англаш усули сифатида фойдаланувчи фанлар кундан-кунга ортиб бормоқда. Шу кунга келиб, муайян фаннинг тараққий этганлиги ва ҳар бир олимнинг етуклик

даражаси, уларнинг системалар назариясидан нақадар унумли фойдалана олишлиги билан белгиланмоқда.

Мажмуалар назарияси ва мажмуали ёндашув деган сўз бирикмаларидаги “мажмуа” тушунчаси биз назарда тутган воқеликни мутлақо ифода этмайди. Чунки, “мажмуа” (*эътибор беринг, “мажму” сўзидан “а” ҳарфи билан фарқланади*) атамаси русчадаги “комплекс” деган тушунчани билдиради.

Мажму деганда, ўзаро функционал алоқадорликда бўлиб, бир бутунликни ташкил қилувчи қисмлар бирикмаси тушунилади.

Ҳар қандай мажму икки ва ундан ортиқ қисмлардан ташкил топган бўлиб, айнаи вақтда, ўзи ҳам ўзидан юқори поғонадаги мажмуга қисм бўлиб киради. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, мажмуларнинг хусусиятларидан бири **поғона (иерархия)дорлигидир.**

Мажмулар назарияси (теория систем) бўйича, мажмуни ташкил қилувчи қисмларидан бирининг хусусияти ўзгарса, бошқа қисмларининг ҳамда бутун мажмунинг хусусияти ҳам қонуний равишда ўзгаришга учраса, уни функционал алоқадорлик дейилади.

Мажму ҳолатининг кетма-кет намоён бўлиши жараён дейилади.

Бир мажмуни ташкил қилувчи қисмларнинг ҳар бири ўз поғонасидаги мажму қисмлари билан баробар бошқа поғонадаги мажму қисмлари билан алоқадорликда бўлса, у бир вақтнинг ўзида, ўзининг мажмуси билан бир қаторда, бошқа мажмуни ташкил қилишда иштирок этган бўлади.

Мажмулар ўз асослари, яъни функционал алоқадорликлар проекциясининг шаклига қараб, қуйидаги гуруҳларга ажралади: тартибли ва тартибсиз; тезликка эга ва суст; икки қарама-қарши ва кўп томонлама; нуқтавий ва тизимли; тикланувчи ва тикланмайдиган; оддий ва мураккаб; марказлашган ва марказлашмаган; бир ва кўп поғонали.

Яна мажмулар ҳолатига қараб гуруҳларга ажратилади: бирламчи мажму муайян хусусиятга азалдан эга бўлганда, иккиламчи; у мажму бўлиб шакллангандан кейин муайян хусусиятга эга бўлганда; тугалланган ва тугалланмаган; иммонент ва иммонентсиз мажмулар; минимал мажмулар; турғун ва турғун бўлмаган; кучли ва кучсиз; гомоген ва гетероген; қайтарилиб турувчи ва қайтарилмайдиган; қадрли ва қадрсиз; чала ва тўлиқ; вариатив ва вариативсиз.

Таълим – тарбия жараёни ҳам ўта мураккаб бўлганлиги туфайли, мажмулар назариясидан фойдаланмай туриб, уни замонавий

тарзда амалга ошириб бўлмайди; иккинчидан, ҳар қандай фаолиятни тўғри амалга ошириш гарови бўлиб хизмат қилади; учинчидан, муайян нарса ва ҳодисани бошқаларга тушунтиришни осонлаштиради ҳамда бериладиган билимни тез тушунтириб, тез ўзлаштириб, эсда узоқ сақлаб туришга хизмат қилади.

Синергетика ва ундан келиб чиқувчи мажмулар назариясининг асосий тамойиллари:

- ўрганилаётган нарса ва ҳодисаларга ўзаро функционал боғлиқда бўлган қисмлардан ташкил топган **бир бутунлик** сифатида ёндашиш;

- **“поғонадорлик” ёки иерархиялилики;**


- мажмуни ташкил қилувчи қисмларининг ҳар бири ўз поғонасидаги мажму қисмлари билан баробар бошқа поғонадаги мажму қисмлари билан ҳам алоқада бўла олади.

Таълим-тарбияда синергетиканинг мажму ёндашув тамойилидан ва қўйилган мақсаддан келиб чиқиб, жуда кўп мажмуларни аниқлаш мумкин экан. Чинончи, бутун узлуксиз расмий таълим-тарбия тизимини мажму сифатида кўриш мумкуинлигини юқорида кўрдик. Шу билан бир қаторда узлуксиз таълим-тарбия жараёнининг ҳар бир босқичини алоҳида мажму сифатида кўрса ҳам бўлади. Ўқитувчининг бутун фаолиятини, уни алоҳида дарсларга тайёргарлик кўриш жараёнини, дарс ўтишини ва ҳоказоларни алоҳида-алоҳида мажмулар сифатида ўрганса ҳам бўлади.

Дарс – таълимнинг асосий ташкилий шакли, у муайян миқдордаги доимий ўқувчилар таркиби билан қатъий тартибда уюштириладиган ва аниқ мақсадга йўналтирилган дидактик тадбир. Дарсга мажму нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, унда олдимизга қўйган мақсаддан келиб чиққан ҳолда, бир дарснинг ўзида бир неча турдаги мажмуларни ажратса бўлади. Биринчиси - дарснинг дарс деб аталаши учун унда иштирок этадиган унсурларни ўзаро функционал боғлиқликда кўриб, кўп томонли, статик мажмуни аниқлаймиз.

Дарс расмий таълим-тарбия соҳасининг бирламчи асоси, узлуксиз таълим-тарбия жараёнининг ташкил қилувчи ғишти, ўқитувчи ва педагогларнинг фаолият кўрсатиш жойи экан, у қандай қисмлардан ташкил топган? Жавоб: Дарснинг амалга ошиши учун, аввало, **ўқувчи ёки талабалар** бўлиши шарт. Тўғрими? Тўғри, бу дарснинг таркибий қисмларидан бири. Иккинчиси, дарсни олиб бориш учун **ўқитувчи ёки педагог** бўлиши шартми? Албатта, бу дарснинг навбатдаги таркибий қисми ҳисобланади. Шу билан бирга, дарсни амалга ошириш учун синф хонаси ёки аудитория унинг ичидаги

жиҳозлар – доска, стол ва ҳоказо, шу жумладан ахборот узатиш мосламалари, яъни **техник воситалар** зарурми? Зарур, бу дарсни учинчи қисми. Ўқитувчи ва педагогларнинг дарс ўтишлари учун режа, дастур, дарслик ва бошқа бир қатор **меъёрий ҳужжатлар** керак бўлиши ҳам баҳс қилинмайдиган ҳақиқат. Хар қандай таълимий жараён дарс бўлиб ҳисобланиши, у суҳбат ёки одийгина мулоқот бўлиб қолмаслиги учун ўқитувчилар педагогик **усул ва услублар** билан қуролланган бўлишлари шарт. Бу дарс деган бир бутунликнинг ажралмас бешинчи бўлаги ҳисобланади (1 расмга қаранг).



1-расм

**2. БИРИНЧИ КАТТА МОДУЛНИНГ ИККИНЧИ ЎРТА МОДУЛ
 МАВЗУСИ:** (Маъруза) Таълимга технологик ёндашув моҳияти,
 ўқитиш жараёнига технологик ёндашиш хусусиятлари ва
 “Технология” сўзининг маъноси ҳамда педагогик технология
 замонавий таърифи, педагогик технология моҳияти

**2.1. Биринчи катта модул таркибидаги иккинчи ўрта
 модулнинг умумий мақсади**

1.2.1-жадвал

Талабалар томонидан моддий ишлаб чиқаришдаги технология ҳамда ижтимоий ишлаб чиқариш технологияси ўртасидаги фарқ ва умумийликни ва моддий ишлаб чиқариш технологиясининг таълим жараёнига нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган қонуниятларини, таълимга мажмуи ёндаша олишига, педагогик жараённинг таркибий қисмлари ва улар ўртасидаги боғлиқликларни аниқ кўра олиши ва ўзаро боғлиқ ходисаларни мажму сифатида кўра олишни ўргатиш орқали уларнинг синтез қилиш қобилияти ривожлантириш ва битта феноменни бошқа феномен билан ўзаро қиёслаш, битта феноменга ҳос бўлган хусусиятни бошқа феноменга нисбатан қўллашга ўргатиш орқали талабаларда умумлаштириш қобилияти ҳамда моддий ҳамда ижтимоий ишлаб чиқаришдаги лойиҳалаш билан таништириш орқали талабаларда лойиҳавий тафаккурини ривожлантириш, шунингдек, меҳнат жараёнини тўғри, самарали лойиҳалаштириш ғоялари билан таништириш орқали талабаларда тартиблилик, ўз фаолияти, вақтини тўғри ташкиллаштириш сифатларини ва педагогик технологиянинг мавжуд таърифлари таҳлил қилиниши асосида мажму тамойилига асосланган замонавий таърифини ўргатиш.

**2.2. Иккинчи ўрта модулнинг кичик модуллар
 номлари ва мақсадлари**

1.2.2-жадвал

Т/р	Кичик модуллар номи	Кичик модулларнинг мақсадлари
1.	Ўзбекистонда таълимни ривожлантиришга ёндашувнинг ўзига хослиги ва “Технология”	Талабалар “технология”, “педагогик технология”, “методика”, “технологик жараён” тушунчалар, педагогик технология ва усул ўртасидаги фарқ ва технология” сўзининг маъноси ва технологик жараён хусусиятларини

	сўзининг маъноси	таълимга жорий қилиш йўллари билиш.
2.	Педагогик технологиянинг назарий ғоялари, замонавий таърифи ва унинг моҳияти	Таълим технологияси назарий асослари ва ПТнинг марказий муаммоси ҳамда ўқув жараёни босқичларини ва “педагогик технология” тушунчасига ҳар хил олимлар томонидан берилган таърифлар моҳиятини тушуниш.

2.3. Иккинчи ўрта модулнинг таянч тушунчалар ва улар асосида тузилган назорат саволлари

1.2.3 -жадвал

Т/р	Таянч тушунчалар	Назорат саволлари
1.	"Технология", "технологик жараён", "педагогик" технология"	<ol style="list-style-type: none"> 1. "Технология" сўзининг луғавий маъноси ва моҳиятини тушунтириб беринг? 2. Ўзбекистон миллий педагогик технологиясини яратишдан кўзланган мақсад нима? 3. Ўзбекистоннинг миллий педагогик технологияси нима асосида яратилади? 4. Ҳозирда “технология” тушунчасига берилаётган турли мазмунларни ҳамда “замонавий технологик жараён” тушунчаларини таҳлил қилиб, уларни педагогик жараёнга нисбатан қўллаб кўринг. 5. Технологик жараён хусусиятларини таълимга жорий қилиш йўллари айтиб беринг?

2.	“Педагогик технология”, “педагогик жараён”, “лойиха”, ўқув жараёни босқичлари	<p>1. “Нима учун Ўзбекистонда амалга оширилаётган таълим ислохотларида ўқув-тарбия соҳасига педагогик технологияни жорий этишга катта аҳамият берилмоқда?</p> <p>2. “Педагогик технология” тушунчасига В.П.Беспалько, В.М.Монахов, М.В.Кларин, И.Я.Лернер, Н.Сайдахмедов, А.Очилов, Б.Л.Фарберман, Ў.Қ.Толипов, Т.Сакамото ва Юнеско ҳамда Б.Зёймухаммадов ва М.Тожиев томонидан берилган таърифларни ўрганиб, ҳар бир таърифдаги асосий ғояни ифодалови сўзларни ажратинг, таърифларни ўзаро солиштиринг ва гуруҳлаштириб кўринг, гуруҳлашга нимани асос қилиб олганингизни кўрсатинг?</p> <p>3. Педагогик технологиянинг кимлар томонидан берилган таърифларда мажму ёндошув яққол кўринган?</p> <p>4. Таълимга технологик ёндашувга мос ҳолда ўқув жараён қайси босқичларда амалга оширилади?</p> <p>5. Таълим технологияси назариясининг умумий асосларини нималар ташкил қилади?</p>
----	---	---

2.4. Иккинчи ўрта модулниң назорат саволлари асосида тузилган тест

1.2.4-жадвал

Т/р	Саволлар	Мумкин бўлган жавоблар	
1.	“Миллий педагогик технология модели” нимани англатади?	1	Маълум бир давлатда яратилган технология.
		2	Маълум бир мамлакат олимлари томонидан кашф этилиб, жорий қилинган педагогик технология.
		3	Маълум бир халқнинг эҳтиёж ва хусусиятларидан келиб чиқиб тузилган педагогик технология.

		4	Маълум бир худуднинг педагогик шароитидан, халқнинг менталитети ҳамда педагогларнинг интеллектуал салоҳиятидан келиб чиқиб яратилган педагогик технология.
2.	“Технология” сўзининг луғавий маъноси нима?	1	Техник воситаларини қўллаш тартиби
		2	Хунар (санъат) ҳақидаги фан
		3	Техник ускуналарни қўллаш ҳақидаги фан
		4	Техник тараққиёт ҳақидаги фан
3.	Технологик жараён таърифига кирувчи сўзлар қайси жавобда келтирилган?	1	Маълум операцияларни муайян кетма-кетликда бажариш
		2	Фаолиятни мутахассис томонидан бажарилиши
		3	Сифатли замонавий жиҳозларнинг қўлланилиши
		4	Фаолиятни мақсадга йўналтирилганлиги
4.	“Методика” тушунчаси таърифи қайси жавобда тўғри берилган?	1	Ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича йўриқнома
		2	Таълим усуллари
		3	Таълим жараёни қатнашчилари фаолияти
		4	Таълим жараёни лойиҳаси
5.	В.П.Беспальконинг “педагогик технология” тушунчасига берган таърифида тушириб қодирилган сўзларни аниқланг: “ПТ – бу ... боғлиқ бўлмаган ҳолда педагогик мувафқиятни кафолатлай оладиган ўқувчи шахсини шакллантириш	1	таълим мақсадига
		2	ўқитувчи маҳоратига
		3	ўқувчи қобилиятига
		4	қўлланилаётган дидактик воситаларга

	жараёни лойиҳасидир”		
7.	Ў.Қ.Толиповнинг “педагогик технология” тушунчасига берган таърифида тушириб қодирилган сўзларни аниқланг: “ПТ – вақт тақсимотига мувофиқ даструланиб, илмий жиҳатдан асосланган ҳамда кутилган натижага эришишни таъминловчи педагогик жараённинг ... аниқ белгиланган тизим”.	1	барча босқич ва қисмларининг вазифалари
		2	қатнашчилари ва уларнинг фаолияти
		3	мақсади, мазмуни
		4	дидактик воситалари, тамойиллари
8.	Таълимга технологик ёндашувнинг моҳиятли белгиси қайси жавобда берилган?	1	Ўқув жараёнини педагогнинг маҳоратида халос этиш ва қайд этиш педагогик жараёни самарали бошқариш
		2	Талабаларга қатъий талабларни қўйилиши
		3	Турли таълимий усулларни бир вақтда қўлланилиши, самарали таълим шаклларини тўғри танлаш
		4	Мустақил таълимни қўлланилиши, замонавий ахборот технологияларнинг қўлланилиши

2.5. Иккинчи ўрта модулнинг дарс тури ва типи унда қўлланиладиган педагогик услублар

1.2.5-жадвал

Ўқув машғулотининг шакли	Диалогли, кўргазмали, муаммоли, маъруза.
Ўқув машғулотининг тури ва типи	Аралаш дарс; янги билимларни эгаллаш.

Кўлланиладиган усул ва услублар	Муаммоли баён қилиш, тушунтириш-иллюстратив, “Ассоциация” таълимий ўйини; муаммоли мунозара; кўргазмали, муаммоли маъруза, сухбат, тушунтириш тест.
Таълим воситалари	PowerPoint дастурида ишланган тақдимот, ФЁТВ
Таълим шакллари	Оммавий, яқка тартибда
Ўқитиш шароитлари	Мультимедиа воситалари билан жиҳозланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	“Ассоциация” таълимий ўйини давомида берилган ассоциациялар, кузатиш, мунозаралар давомида бериладиган жавоблар, тест.

2.6. Кичик модулларни педагогик жараёнида фойдаланиладиган ахборот-коммуникацион технологиялари ва дидактик материаллар

1.2.6-жадвал

Т/р	Ўқитишнинг техник воситалари	Дидактик материаллар
1.	Биринчи, иккинчи ва учинчи кичик модуллар давомида мавзуга мос слайдлар намойиш қилинади. Шунингдек, назорат саволлари ва шу саволлар асосида тузилган тест слайдлар орқали намойиш қилинади.	Бошланғич синф математика ўқитиш методикаси фанига оид дарсликлар, услубий қўлланмалар ва кўрсатмали қуроллар
Иш босқичлари ва вақти	Ўқув жараёни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1 – босқич. Ўқув машғулотига кириш (10 дақ.)	1.1.Мавзунинг номи, мақсад ва кутилаётган натижаларни етказди. Машғулот муаммоли таълим технологияси асосида ташкилланишини, унинг босқичларини маълум қилади. 1.2.Талабаларни фаоллаштириш ва мавзуга йўналтириш учун “ассоциация” таълимий ўйинини ташкиллайди (2.6.1-илова)	1.1. Тинглайдилар, аниқлаштирувчи саволлар беришлари мумкин. 1.2.”Ассоциация” таълимий ўйинида иштирок этадилар.

<p>2 – босқич</p> <p>Асосий (65 дақ.)</p>	<p>2.1. Ўзбекистонда таълимни ривожлантиришга ёндашувнинг ўзига хос жиҳатларини тушунтиради, “технология” сўзининг маъносини очиқ беради (1-катта модулнинг иккинчи ўрта модули слайдлар)</p> <p>- Маърузанинг биринчи кичик модули бўйича билимларни умумлаштириш ва мустахкамлаш ва назоратни амалга ошириш мақсадида тест ўтказди (1-4 тест) ва тест калитини тақдим қилиб, талабаларга ўз билимларини текшириши учун шароит яратади; Йўл кўйилган хатоларни аниқлаштиради ва уларни тўғрилаш бўйича фаолиятни ташкиллайди: тетсни тўғри ечган талабаларга сўз беради, зарур ҳолатда ўзи қайтадан маълумотни тушунтиради.</p>	<p>- 2.1. Ахборотни тинглайдилар, муҳим маълумотларни ёзиб борадилар.</p> <p>- Тест ечадилар, тест калити ёрдамида ўз-ўзларини назорат қиладилар, хатолар устида ишлаш жараёнида қатнашадилар.</p>
	<p>2.2. Иккинчи кичик модул мазмунига талабалар диққатини қуйидаги саволга қар атади: “Маърузанинг бу қисмида “педагогик технология” тушунчасига берилган бир неча таърифлар билан танишамиз. Шуларнинг ичидан Сизнинг нуқтаи назарингиздан “энг тўғри” сини аниқлашга ҳаракат қилинг.</p> <p>- “Педагогик технология замонавий таърифи, педагогик технология моҳияти” кичик модули мазмунини тушунтиради.</p> <p>(1-катта модулнинг иккинчи ўрта модул слайдлари)</p> <p>- Маърузанинг биринчи кичик модули бўйича билимларни умумлаштириш ва мустахкамлаш ва назоратни амалга ошириш мақсадида тест ўтказди (5-8 тест) ва тест калитини тақдим қилиб, талабаларга ўз билимларини</p>	<p>2.2. Ахборотни тинглайдилар, муҳим маълумотларни ёзиб борадилар, берилган савол юзасидан фикрлайдилар.</p> <p>- Тест ечадилар, тест калити ёрдамида ўз-ўзларини назорат қиладилар, хатолар устида ишлаш жараёнида қатнашадилар.</p>

	текшириши учун шароит яратади; Йўл кўйилган хатоларни аниқлаштиради ва уларни тўғрилаш бўйича фаолиятни ташкиллайди: тетсни тўғри ечган талабаларга сўз беради, зарур ҳолатда ўзи қайтадан маълумотни тушунтиради.	
3 - босқич. Якуний (10 дақ.)	3.1. Рефлексия фаолиятини ташкиллайди – талабаларни машғулот натижасида ўрганилган мавзу бўйича ўзларида шаклланган билим, тасаввур, муносабатларни таҳлил қилишга ундайди; шу юзасидан 5-6 талабанинг фикрини сўрайди.	3.1.Рефлексияни амалга оширадилар.

2.6.1-илова

“Ассоциация” таълимий ўйини:

Ўйин тавсифи: ўқитувчи тушунча, атамани айтади, талабалар ушбу тушунчаларга бир неча ассоциация келтирадилар (ўйин юқори тезликда кечади - ассоциациялар зудлик билан берилиши талаб қилинади). Мазкур машғулотда ўқитувчи томонидан бериладиган сўзлар: *соҳа, ўқитувчи, таълим, ислоҳот, технология, педагогик технология, мажму.*

2.7. Ўрта модулнинг мазмунини ифода этувчи матн сценарийси

Биринчи кичик модул

Ўзбекистон Республикасида таълим-тарбия жараёни билан боғлиқ ўзгаришлар ўзида таълим тизимини тубдан ўзгартириш, унинг мазмунига миллий руҳ сингдириш, самарали анъанавий услубларни сақлаб қолган ҳолда илғор услубларни яратиш ва уларни амалиётда қўллаш каби масалаларни акс эттиради.

Замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнига қўллаш бўйича Республикамизнинг кўзга кўринган олимлари томонидан ривожланган мамлакатларда муваффақият билан қўлланиб келаётган педагогик технологияларни илмий асосда қиёсий таҳлил қилиб, халқимизнинг миллий педагогика анъаналаридан ҳамда таълим соҳасининг шу кундаги ҳолатидан келиб чиққан ҳолда **Ўзбекистоннинг миллий педагогик технологиясини яратишга**

ҳаракат қилинмоқда ва бу соҳада кўзга кўринарли ишлар амалга оширилди.

Таълим тизимида фаолият олиб бораётган профессор-ўқитувчиларимизнинг бугунги кундаги асосий вазифаси бу технологияни чуқур ўрганиб, ўзининг кундалик педагогик амалиётида қўллашдир.

Педагогик технологияни бошқа таълим усулларида ажратиб турадиган ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардир.

Биринчидан, аввал ҳам бир неча бор таъкидлаганимиздек, педагогик технология синергетик дунёқарашдан келиб чиқувчи объектив нарса ва ҳодисаларга мажму ёндошув тамойилига асосланади. Аввалги педагогик усуллар, тузилиши жиҳатидан эркин бўлиб, дарс таркибини белгилаш фақат ўқитувчи ихтиёрида бўлган.

Иккинчидан, педагогик технологияда олдиндан белгиланган асосий мақсадга эришиш кафолатланган. Бошқа барча педагогик усулларда таълим-тарбия фаолиятининг кафолатланган натижаси мавжуд бўлмай, стихияли натижалар билан кифояланиб келинган.

Учинчидан, педагогик технологияда, асосий мақсадга эришиш босқичма – босқич амалга оширилиб, ҳар бир босқичда олдинга қўйилган мақсадлар, бажарилиши лозим бўлган вазифалар ва талаб қилинадиган воситалар ҳамда усул ва услубларнинг аниқ модуллари ҳосил қилинади. Бошқа педагогик усулларда таълим – тарбия жараёнининг якунида умумий мақсад қўйилиб, унга эришиш йўллари ўқитувчининг ихтиёрига ҳавола қилинган.

Тўртинчидан, педагогик технология универсал хусусиятга эга бўлиб, уни ҳар бир мутахасис, аъло бўлмаса ҳамки, яхши амалга ошира олади. Дарснинг интенсивлигига ва самарадорлигига, педагогнинг маҳорати ва шахсий сифатлари деярли таъсир этмайди. Чунки дарснинг лойиҳаси аввалдан, маҳоратли методист-ўқитувчилар томонидан тузилади. Аввалги дарс бериш усуллари амалиётда қўллаш учун, маълум даражада ўқитувчининг педагогик маҳорати, шахсий сифатлари етакчилик қилган.

Бешинчидан, педагогик технология ёрдамида дарс ўтганда, таълим жараёнини доимий ва тўлиқ назорат қилиш имкони мавжуд. Авваллари ўқитувчилар бундай имкониятга эга эмас эдилар.

Олтинчидан, педагогик технология ёрдамида таълим жараёнини амалга оширганда, натижаси, талабаларда кўникма ҳосил қилиш билан яқунланади. Бошқа педагогик усуллар ёрдамида дарс берганда, талабалар берилган билимни зўрға эслаб қола олардилар холос.

Еттинчидан, педагогик технология, Давлат таълим стандартларига эришишни кафолатлайди ва сарфлаш талаб қилинган вақт, куч ҳамда воситаларни меъёрга келтиради.

Педагогик технология деганда нимани тушунамиз?

"Технология" тушунчаси юнонча "Технос" (techne) ва "логос" (Logos) сўзларидан ташкил топган бўлиб, "Ҳунар фани"ни ўрганиш деган маънони англатади. Бу тушунча техник тараққиёт мазмунини ифодалашга хизмат қилувчи тушунча сифатида илк марта 1872 йилда қўлланилган.

Технология – санъат, маҳорат, кўникма, услублар йиғиндиси, муайян ҳолатни ўзгартиришга хизмат қилувчи жараён; инсон фаолияти ва тафаккури билан боғлиқ бўлган маданий тушунча; техник жиҳатдан аҳамиятли сифат ва қобилиятнинг интеллектуал қайта ишланиши; қандайдир жараёни амалга ошириш услублари ҳақидаги билимлар йиғиндиси; амалиётга жорий қилиниши талаб этилаётган маълум бир тизим лойиҳаси.

«Замонавий технологик жараён» деганда зарур восита ва шароитлардан фойдаланилган ҳолда маълум операцияларни муайян кетма-кетликда бажаришга йўналтирилган фаолият тушунилади. Аниқроқ қилиб айтганда, меҳнат қуроли ва предметлари воситасида босқичма-босқич таъсир этиш орқали тайёр маҳсулот яратишга йўналтирилган фаолият тушунилади.

Ана шу таърифни тадқиқот мавзусига кўчирадиган бўлсак, педагогик технология – ўқитувчи(педагог)нинг таълим-тарбия воситалари ёрдамида таҳсил олувчиларга муайян шароитларда тизимли таъсир кўрсатиши ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда жамият учун зарур бўлган ва олдиндан белгиланган ижтимоий сифатларни интенсив тарзда шакллантирувчи ижтимоий ҳодисадир, деган ғоя ифода этилади. Юқорида келтирилган таърифдан кўриниб турибдики, педагогик технология тушунчасини изоҳлашда технология жараёни асос қилиб олинди.

Иккинчи кичик модул

Педагогик технологияни ўқув жараёнига олиб кириш зарурлигини МДХга кирувчи мамлакатлар ичида биринчилар қаторида ҳар томонлама илмий асослаб берган россиялик олим В.П. Беспальконинг фикрича, **“ИТ – бу ўқитувчи маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда педагогик муваффақиятни кафолатлай оладиган ўқувчи шахсини шакллантириш жараёни лойиҳасидир”**[17].

Россия олимларидан В.М. Монахов: **“ПТ – аввалдан режалаштирилган натижаларга олиб боровчи ва бажарилиши шарт бўлган тартибли амаллар тизимидир”**[32], - деган қисқача таърифни бера туриб, унинг асосий хусусиятларига эътиборни қаратади.

“ПТ – ўқув жараёнини технологиялаштириб, унинг қайта тикланувчанлигини ҳамда педагогик жараён турғунлигини ошириб, бу жараён ижрочисининг субъектив хусусиятларидан уни озод қилади”[32], - дейди.

М.В.Кларин фикрича, **ПТ – ўқув жараёнига технологик ёндошган ҳолда, олдиндан белгилаб олинган мақсад кўрсаткичларидан келиб чиқиб, ўқув жараёнини лойиҳалашдир**[27].

В.П. Беспальконинг ўзбекистонлик шогирдларидан Нурали Сайдахмедов ва Абдурахмон Очиловларнинг фикрича, **ПТ – бу ўқитувчи (тарбиячи)нинг ўқитиш (тарбия) воситалари ёрдамида ўқувчи (талаба)ларга муайян шароитда таъсир кўрсатиши ва бу фаолият маҳсули сифатида улардан олдиндан белгиланган шахс сифатларини интенсив шакллантириш жараёнидир**[46].

Ў.Толиповнинг фикрича, **Педагогик технология – вақт тақсимотига мувофиқ дастурланиб, илмий жиҳатдан асосланган ҳамда кутилган натижага эришишни таъминловчи педагогик жараённинг барча босқич ва қисмларининг вазифалари аниқ белгиланган тизим** [44].

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан шакллантирилган **“Ўқитиш методлари ва педагогик технологияларни такомиллаштириш”** ижодий гуруҳнинг таърифи бўйича, **Педагогик технология – таълим оловчи шахсга йўналтирилган, демократик ҳамда такрорланувчан ўқиш натижаларини кафолатлайдиган таълим жараёнини лойиҳалаш, амалга ошириш ва баҳолашнинг тизимий методидир”**.

Бу таърифларни узоқ хорижда берилган таърифлар билан солиштириб кўриш учун япон педагог олими Т.Сакомото берган таърифни келтирамиз. **“ПТ, - дейди Сакомото, - бу мажмули фикр юритиш усулини педагогикага сингдириш, бошқача қилиб айтганда, педагогик жараённи муайян бир мажмуга келтиришдир”**[56].

Бирлашган миллатлар ташкилотининг нуфузли идораларидан ЮНЕСКОнинг таърифи бўйича, **“ПТ – бу билим бериш ва уни**

эгаллашда техника ва инсон ресурсларини ўзаро узвий боғлиқ ҳолда кўриб, бутун таълим жараёнини лойиҳалашда ва амалда қўллашда мажму ёндашув тамойилидан фойдаланишдир”[55]. АҚШ ва Германия олимларининг педагогик технологияга берган таърифи ЮНЕСКО берган таърифга яқин келади.

Келтирилган таърифларни илмий – фалсафий нуқтаи назардан таҳлил қиладиган бўлсак, узоқ хорижда берилган таърифлар билан МДХ мамлакатлари олимларининг берган таърифлари бир – бирига яқин келсалар-да, фарқи ҳам анчалигини кўрамиз. Жумладан, Сакомото, ЮНЕСКО ва бошқа узоқ хорижий мамлакатларда берилган таърифларда мажму ёндашув тамойилига алоҳида урғу берилган. МДХ олимларининг ПТга берган таърифларида мажму ёндашув эслатиб ўтилмайди ҳам. Бунга изоҳнинг хожати бўлмаса керак. Ҳақиқатда эса, объектив борлиққа мажму ёндашув тамойилини яхши билган кишига, Сакомото айтганидек, “ПТ – ўқув жараёнини муайян бир мажмуга келтиришдир”, деган тушунча кифоя қилади. Бу тушунча орқали педагогик технологиянинг бошқа ҳамма хусусиятларини, яъни мақсадга йўналтирилганлигини, бир неча ўзаро узвий боғлиқ бўлган қисмлардан ташкил топганлигини ва бошқаларни англаб олса бўлади. Чунки бу хусусиятларнинг ҳаммаси, мажмулар назариясига биноан, мажму деб ном олган нарса ва ҳодисаларнинг ажралмас сифатларидир.

Педагогик технологиянинг юқорида қайд этилган хусусиятларидан ва мажмулар назариясининг қонуниятларидан келиб чиқиб, унга қуйидаги кенгайтирилган таърифни берамиз.

Профессор Б.Зиёмухаммадовнинг фикрича, **ПТ – бу жамият эҳтиёжидан келиб чиқувчи, олдиндан белгиланган киши ижтимоий сифатларини самарали шакллантирадиган ва аниқ мақсадга йўналтирилган ўқув жараёнини мажму сифатида кўриб, уни ташкил қилувчи қисмлари бўлган ўқитувчи (педагог)нинг ўқитиш воситалари ёрдамида ўқувчи (талаба)ларга маълум бир шароитда муайян кетма-кетликда ва маълум бир педагогик усуллардан фойдаланиб, кўрсатган таъсирини назоратда тутувчи ва таълим натижасини баҳолаб берувчи технологиялашган таълимий тадбирдир[15].**

Бизнинг фикримизча, **Педагогик технология – бу муайян лойиҳа асосида ташкил этиладиган, аниқ мақсадга йўналтирилган ўқув жараёнини мажму сифатида қараб, ушбу**

мақсаднинг натижаларини кафолатловчи таълим жараёнига технологик ёндошадиган таълимий тадбирдир[41].

Педагогик технология тушунчасини ойдинлаштиришга қаратилган таърифларнинг хилма-хиллиги, бир томондан, ривожланган мамлакатларда бу мавзунинг у ёки бу даражада ўрганилаётганини кўрсатса, иккинчи томондан, педагогик технологияни педагогик амалиётга жорий этишга бўлган уринишларнинг маълум натижасини ифодалайди.

Педагогик технологиянинг асосий тушунчаси, сўзсиз, ўқув жараёнига мажму сифатида ёндошишдир. Бунда таълим-тарбияда иштирок этувчи барча нарса ва ҳодисалар ўзаро функционал боғлиқликда бўлиб, бир бутунликни, яъни мажмуни ташкил қилади. Педагогик жараён мажмуининг муайян бир вақт мобайнида босқичма-босқич амалга оширилиши педагогик технология дейилади.

Педагогик технологиянинг анъанавий усул (метод) лардан асосий фарқи, унинг тўла-тўқис мажмулар назарияси қонуниятларидан келиб чиққанлигидадир.

Педагогик технологиянинг аввалги усуллардан афзаллиги, у таълим жараёнини бир бутунликда кўриб, таълим мақсади, унинг мазмуни, билим бериш усуллари ва воситалари ҳамда таълим олувчи ва таълим берувчиларни мажмуга келтириб, таълим натижаларини аввалдан белгилаб, таълим жараёнини назорат қилиш ва баҳолаш каби қисмларини ўзаро узвий боғлаб мажмуга келтириб туриб, жараён лойиҳасини тузишидадир.

Унинг анъанавий усуллардан кейинги фарқи, у талабаларнинг ўзларига берилган билимни ёдлаб айтиб беришига эмас, балки таълим-тарбия жараёнининг якунида конкрет бир ҳаракатларни бажаришга йўналтирилганлигидадир.

Педагогик технологиянинг бошқа таълим усулларида навбатдаги фарқи, унинг ёрдамида ўқув жараёни ташкил этилганда, дарс натижаси билим берувчининг педагогик маҳоратига боғлиқ эмаслигидадир.

3. БИРИНЧИ КАТТА МОДУЛНИНГ УЧИНЧИ ЎРТА МОДУЛ МАВЗУСИ: (Маъруза) Педагогик технология тамойиллари ва уларнинг изоҳлари, педагогик мақсадларни белгилаш йўллари, педагогик мақсадлар таксономияси ва педагогик технология турлари

3.1. Биринчи катта модул таркибидаги учинчи ўрта модулнинг мақсади

1.3.1-жадвал

Талабаларда таълим-тарбия жараёнини мажму ёндашув асосида самарали ташкиллаш учун ўқитувчи амал қилиши шарт бўлган тамойиллар, таълим мақсадлари ва уларни шакллантириш йўллари, мақсадга эришганлик даражасини аниқлаш усуллари, таълим жараёнига тузатишлар киритиш, таълим жараёни натижаларини баҳолаш ҳақидаги билимлар ва педагогик жараённи педагогик технология тамойиллари асосида лойиҳалаштириш учун зарур бўлган бошланғич кўникмаларни ва педагогик технологиянинг ҳар хил турлари мавжудлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш, уларни педагогик технологиянинг Ўзбек миллий моделидаги педагогик технология билан таништириш, талабаларда педагогик технология гуруҳлари ва уларга кирувчи технологиялар турлари, уларнинг аҳамиятли хусусиялари ҳақида билимлар шакллантириш, шунингдек, таълим жараёнини лойиҳалаштиришга ўргатиш орқали талабаларда лойиҳавий, мантиқий, ижодий тафаккур ва ходисаларга илмий ёндашиш хусусиятини ривожлантириш ҳамда педагогик технология таснифини ўрганиш орқали талабаларда қиёслаш, гуруҳлаш, умумлаштириш қобилиятларини ривожлантириш ва лойиҳалаштирилган педагогик жараённи объектив, илмий баҳолашга ўргатиш орқали талабаларда ўз-ўзини, ўз фаолиятини баҳолаш сифатларини тарбиялаш.

3.2. Кичик модулларнинг номлари ва мақсадлари

1.3.2 -жадвал

Т/р	Кичик модуллар номи	Кичик модулларнинг мақсадлари
1.	Педагогик технология тамойиллари.	Талабаларга ПТ тамойилларини, таълим жараёнини ишлаб чиқариш жараёни билан ўзаро таққослай олиш, таълим самарадорлигини кафотлаш учун уларнинг зарурлигини, муайян бир педагогик

		жараёни ПТ тамойиллари нуқтаи назаридан таҳлил қила олиши ва таълим жараёнининг натижавийлигига технологик ёндашувнинг аҳамиятини ҳамда буни асослай олишгини тушунтириш.
2.	Педагогик мақсадларни белгилаш технологияси ва педагогик мақсадлар таксономияси	Таълим (тарбия) мақсади тушунчасига тўғри таъриф бера олиш, педагогик жараён самарадорлиги учун унинг мақсадини аниқ шакллантириш, таълим (тарбия) мақсадларини аниқлаш, ушбу мақсадларни анъанавий ва технологик ёндашувга асосланган таълимда шакллантириш йўллари тавсифлай олиш ва уларни ўзаро таққослай олиш ва аниқ, текширилувчан мақсадларни туза олиш, бошқалар томонидан тузилган мақсадалрни тўғри баҳолай олиш ва Блумнинг мақсадлар таксономиясини даражаларини тушуниш ҳамда ушбу таксономия тузилишини, мақсадларни Блум таксономияси бўйича тартиблай олиш ва таълимга технологик ёндашув учун Блум таксономиясининг аҳамиятини тўғри баҳолай олишни, таълим (тарбия) мақсадларини технологик ёндашув тамойилларига мос ҳолда шакллантиришнинг ўқитувчи ва ўқувчи учун бўлган аҳамиятини ўргатиш.
3	Педагогик технология турлари ва таълим усуллари ва унинг тоифалари	Талабаларга педагогик технологияни сифатловчи, фарқловчи жиҳатлар, Б.Зиёмуҳмадов ва М.Тожиевларнинг педагогик технологиянинг Ўзбек миллий моделига асосланган ҳолда педагогик технология турлари, ўқитувчи томонидан номи кўрсатилган педагогик технология хусусиятларини ва уларни педагогик технологиянинг қайси турига мансублигини билдириш.

3.3. Таянч тушунчалар ва улар асосида тузилган назорат саволлари

1.3.3 -жадвал

Т/р	Таянч тушунчалар	Назорат саволлари
1	Тамойил, технологик ёндашув, табақалашган модул, дарс тури	<ol style="list-style-type: none"> 1. ПТ умумий дидактик тамойилларига риоя қилишни инкор этадими? 2. ПТнинг айнан ўзига ҳос бўлган тамойилларини санаб беринг, изоҳланг. 3. Дидактиканинг тамойиллари(принцип) ва қонун-қоидалари айтиб беринг? 4. Мақсадларнинг натижалари феъллар шаклида берилиши деганда нимани тушунасиз? 5. Педагогик технология тамойиллари асосида ўқув машғулоти лойиҳалашда қандай вазифалар амалга оширилади.
2	Таълим мақсади Таксономия, Блум таксономияси, инструментал-лик, эталон	<ol style="list-style-type: none"> 1. “Таълим мақсади” тушунчасига таъриф беринг. 2. Таълим мақсадларини аниқлиги таълим жараёни самарадорлигига қандай таъсир қилади? 3. Педагогик жараённинг умумий мақсади ҳамда хусусий мақсади ўртасидаги фарқни кўрсатинг. 4. Таълим мақсади қандай сифатларга эга бўлиши зарур? 5. Таълим мақсадларини тартиблаш заруратини асослаб беринг. 6. Блум таксономияси тузилмасини айтиб беринг. 7. Ўқитувчи томонидан мисол учун берилган мақсадлар каталогларини таҳлил қилинг, уларда йўл қўйилган хатоларни аниқланг.

3	Технология турлари, тасниф, таълим-тарбия усулларининг тоифалари	<p>1. Нима сабабдан педагогик технологиянинг ҳар хил турлари мавжуд?</p> <p>2. Педагогик технологияни таснифлашда нималар асос қилиб олинади?</p> <p>3. Б.Зиёмуҳмадов ва М.Тожиевларнинг педагогик технологиянинг Ўзбек миллий модели моҳиятини шарҳлаб беринг.</p> <p>4. Ихтиёрий танланган ўқув фанининг бирор-бир модулига мақсадлар каталогини тузинг.</p> <p>5. Таълим-тарбия усулларининг тоифаларини санаб беринг?</p>
---	--	---

3.4. Назорат саволлари асосида тузилган тест

1.3.4 -жадвал

Т/р	Саволлар	Мумкин бўлган жавоблар	
1.	Ўқув фанини табақалашган модулларга ажратиш тамойилини қўллаганда нима эътиборга олинади?	1	Билимларнинг тури ва ички боғланишлар
		2	Мавзудаги таълим мазмунининг ҳажми
		3	Таълим мазмунининг мураккаблик даражаси
		4	Машғулотда қўлланиладиган усул ва воситалар
2.	Берилган билимни талабалар англашлари, хотирасида сақлашлари ва амалиётда қўллашларини бир вақтнинг ўзида олиб боришликни таъминлаш тамойили қандай амалга оширилади?	1	турли вазифалар бажариш давомида маълумотларни бир неча бор такрорланиши орқали
		2	Таълим мазмунини соддалаштириш орқали
		3	Таълим жараёнида замонавий ахборот технологияларини қўлаш орқали
		4	Машғулотларни қизиқарли ташкиллаш орқали
3.	Мақсадларнинг натижалари феъллар	1	Таълим жараёнининг қизиқарли бўлишини

	шаклида бўлишлиги тамойили нимани таъминлайди?	2	Таълим жараёнида таҳсил олувчиларнинг фаол бўлишини
		3	Таълим жараёнининг текширилувчанлигини
		4	Таълим жараёнини осонлаштиради
4.	Таянч тушунчаларни белгилаш тамойили нимани таъминлайди?	1	Таянч тушунчалар бутун таълим мазмунини ташкиллаш, билимларни тизим сифатида тасаввур қилишга ёрдам беради.
		2	Таълим мазмунини соддалаштиради
		3	Таълим жараёнини тўғри ташкиллашга ёрдам беради
		4	Назорат саволларини тузиш учун ишлаб чиқилади
5.	Пировард натижага (таълим мақсадига) қўйилажак асосий талаблар.	1	Соддалик, қисқалик
		2	Мураккаблик, тўлалик
		3	Аниқлик ва текширилувчанлик
		4	Мураккаблик, аниқлик
6.	Технологик ёндашувда таълим мақсадлари нима орқали белгиланади?	1	Мавзу номи орқали.
		2	Педагогнинг харакати орқали.
		3	Ўлчанадиган натижалар орқали
		4	Ўқувчининг шахсий ривожланишидаги ўзгаришлар орқали.
7.	Пировард натижалар қандай сўзлар билан ифодаланади?	1	Таълим жараёнини тасвирловчи В) ўқитувчининг харакатларини ифодаловчи сўзлар
		2	Назорат усулини ифодаловчи сўзлар
		3	Ўқувчининг тугалланган хатти-харакатини ифодаловчи сўзлар
		4	Баҳолаш турини ифодаловчи сўзлар
8.	Таълим мақсадларини ифодалашда қайси сўз туркумидан фойдаланиш зарур?	1	От
		2	Сифат
		3	Феъл
		4	Равиш
9.	Нима мақсадда ўзлаштириш даражаси Б. Блум	1	Баҳолаш жараёнини осонлаштириш учун
		2	Баҳолаш жараёнини

	таксономиясига асосланиб аниқланади ?		мураккаблаштириш учун
		3	Қисқа муддатда баҳолаш учун
		4	Хар бир ўқувчини ўзлаштириш даражасини тўғри аниқлаш учун
10.	Б.Блумнинг Ўқув мақсадлари таксономияси бўйича ТАҲЛИЛ қилиш босқичи нечанчи босқич деб ҳисобланади?	1	1
		2	3
		3	4
		4	6

3.5. Дарс тури ва типи ҳамда унда қўлланиладиган қўлланиладиган педагогик услублар

1.3.5 -жадвал

Ўқув машғулотининг шакли	Диалогли, кўрғазмали маъруза
Ўқув машғулотининг тури ва типи	Аралаш дарс; янги билимларни эгаллаш
Қўлланиладиган усул ва услублар	Муаммоли баён қилиш, тушунтириш-иллюстратив, суҳбат; ишбилармон ўйини, кўрғазмали маъруза, тест.
Таълим воситалари	PowerPoint дастурида ишланган такдимот, Ишбилармон ўйини бўйича услубий кўрсатма (тарқатма материал), ФЁТВ
Таълим шакллари	Якка ҳолда, оммавий, жамоавий.
Ўқитиш шароитлари	Мультимедиа воситалари билан жиҳозланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Суҳбат давомида олинган жавоблар, ишбилармон ўйини натижаси, кузатиш, мунозаралар давомида бериладиган жавоблар, тест.

**3.6. Кичик модулларни педагогик жараёнида
фойдаланиладиган ахборот-коммуникацион
технологиялари ва дидактик материаллар**

1.3.6 -жадвал

Ўқитишнинг техник воситалари		Дидактик материаллар	
<p>Учинчи кичик модул охирида ва тўртинчи модул бошланишида услубга мос слайдлар намоёниш қилинади. Шунингдек, назорат саволлари ва шу саволлар асосида тузилган тест слайдлар орқали намоёниш қилинади.</p>		<p>Фанига оид дарсликлар, услубий қўлланмалар ва кўрсатмалар қуроллар.</p>	
Иш босқичлари ва вақти	Ўқув жараёни		
	Таълим берувчи		Таълим олувчилар
<p>1 - босқич. Ўқув Машғуло- тига кириш (10 дақ.)</p>	<p>1.1. Мавзунинг номи, мақсад ва кутилаётган натижаларни етказди.</p> <p>1.2. Талабаларни фаоллаштириш ва мавзуга йўналтириш учун суҳбат ўтказди (3.6.1-илова)</p>	<p>1.1. Тинглайдилар, аниқлаштирувчи саволлар беришлари мумкин.</p> <p>1.2. Суҳбатда қатнашадилар.</p>	
<p>2 – босқич Асосий (65 дақ.)</p>	<p>2.1. Педагогик технология тамойиллари ва уларнинг изоҳлари мавзусини очиб беради (1-катта модулнинг учинчи ўрта модули, слайдлар)</p> <p>- Маърузанинг биринчи кичик модули бўйича билимларни умумлаштириш ва мустақамлаш ва назоратни амалга ошириш мақсадида тест ўтказди (1-4 тест) ва тест калитини тақдим қилиб, талабаларга ўз</p>	<p>2.1. Ахборотни тинглайдилар, муҳим маълумотларни ёзиб борадилар.</p> <p>- Тест ечадилар, тест калити ёрдамида ўз-ўзларини назорат қиладилар, хатолар устида ишлаш жараёнида қатнашадилар.</p>	

	<p>билимларини текшириши учун шароит яратади; Йўл қўйилган хатоларни аниқлаштиради ва уларни тўғрилаш бўйича фаолиятни ташкиллайди: тетсни тўғри ечган талабаларга сўз беради, зарур ҳолатда ўзи қайтадан маълумотни тушунтиради.</p>	
	<p>2.2. Талабаларда иккинчи кичик модул бўйича билимларни шакллантиради: -Мавзуга олиб кириш учун ишбилармон ўйинини ўтказди (3.6.2-илова). -“Педагогик мақсадларни белгилаш технологияси. Педагогик мақсадлар таксономияси” кичик модули мазмунини тушунтиради. (1-катта модулнинг учинчи ўрта модули слайдлари) - Маърузанинг иккинчи кичик модули бўйича билимларни умумлаштириш ва мустақамлаш ва назоратни амалга ошириш мақсадида тест ўтказди (5-10 тест) ва тест калитини такдим қилиб, талабаларга ўз билимларини текшириши учун шароит яратади; Йўл қўйилган хатоларни аниқлаштиради ва уларни тўғрилаш бўйича фаолиятни ташкиллайди:</p>	<p>2.2.Ишбилармон ўйинда қатнашадилар; Ахборотни тинглайдилар, муҳим маълумотларни ёзиб борадилар, берилган савол юзасидан фикрлайдилар. - Тест ечадилар, тест калити ёрдамида ўз-ўзларини назорат қиладилар, хатолар устида ишлаш жараёнида қатнашадилар.</p>

	<p>тетсни тўғри ечган талабаларга сўз беради, зарур ҳолатда ўзи қайтадан маълумотни тушунтиради.</p>	
	<p>2.3. Талабаларда учинчи кичик модул бўйича билимларни шакллантиради:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Педагогик технология турлари кичик модули мазмунини тушунтиради. <p>(1-катта модулнинг учинчи ўрта модул слайдлари)</p> <ul style="list-style-type: none"> - Маърузанинг учинчи кичик модули бўйича билимларни умумлаштириш ва мустаҳкамлаш ва назоратни амалга ошириш мақсадида тест ўтказди (11-13 тест) ва тест калитини тақдим қилиб, талабаларга ўз билимларини текшириши учун шароит яратади; Йўл қўйилган хатоларни аниқлаштиради ва уларни тўғрилаш бўйича фаолиятни ташкиллайди: тестни тўғри ечган талабаларга сўз беради, зарур ҳолатда ўзи қайтадан маълумотни тушунтиради. 	<p>2.3. Ахборотни тинглайдилар, муҳим маълумотларни ёзиб борадилар, берилган савол юзасидан фикрлайдилар.</p> <p>Тест ечадилар, тест калити ёрдамида ўз-ўзларини назорат қиладилар, хатолар устида ишлаш жараёнида қатнашадилар.</p>
<p>3 - босқич. Якуний (10 дақ.)</p>	<p>3.1. Рефлексия фаолиятини ташкиллайди – талабаларни машғулот натижасида ўрганилган мавзу бўйича ўзларида шаклланган билим, тасаввур, муносабатларни таҳлил</p>	<p>3.1. Саволларга жавоб бериб, рефлексияни амалга оширадилар.</p>

	<p>қилишга ундайди– саволлар: - Педагогик жараёни лойиҳалаштириш- да педагогик технология тамойилларига риоя этиш шартми? -Таълим мақсадига нисбатан қандай талаблар мавжуд? -Нима сабабдан ўқитувчи- лар турли таълим технологияларидан фойдаланадилар?</p>	
--	--	--

3.6.1-илова

Суҳбат саволлари.

- Тамойил нима?
- Дидактик тамойилларни санаб беринг.
- Дидактик тамойиллар нима учун керак?

3.6.2-илова

Ишбилармон ўйини:

- Талабаларни жуфтликларга бўлади (ёнма-ён ўтирган талабалар жуфтлик ташкиллайдилар);
- Жуфтликдаги бир талаба “ишлаб чиқарувчи”, иккинчиси – “буюртмачи” ролини ижро этишини маълум қилади ва уларга қуйидаги топшириқни беради:
 - ишлаб чиқарувчи “унинг корхонаси”да тайёрланадиган маҳсулотларни номлайдилар;
 - буюртмачилар “корхона” хусусиятидан келиб чиқиб, ёзма “буюртма” берадилар.
 - “ишлаб чиқарувчи”лар буюртма билан танишиб чиқадилар ва уларни аниқлик жиҳатидан таҳлил қилиб, буюртмадаги камчиликларни аниқлайдилар;
 - Ўқитувчи 4-5 “ишлаб чиқарувчи”дан таҳлил натижасини эълон қилишни сўрайди;
 - Талабаларга ишлаб чиқариш жараёни ҳамда таълим жараёнларини мақсад нуқтаи назаридан таққослашни таклиф қилади ва мунозарани бошқаради.

3.7. Ўрта модулнинг мазмунини ифода этувчи матн сценарийси

Биринчи кичик модул

ПТ ўзининг илмий асосланган равон тамойиллари ва бажарилиши шарт бўлган муайян вазифаларига суянади. Улар қуйидагилардир.

Биринчи тамойил, таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашда ва бу лойиҳаларни амалиётда қўллашда, албатта, синергетиканинг “мажму ёндошув” тамойилига ва унинг қонун-қоидаларига доимо амал қилинади.

Иккинчи тамойил, таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашда ва шу лойиҳа бўйича таълим-тарбияни амлага оширишда, дидактиканинг барча тамойиллари(принцип) ва қонун-қоидаларидан келиб чиқилади.

Учинчи тамойил, таълим-тарбия жараёнини лойиҳаси тузилганда, бу жараёнда иштирок этадиган барча элементларни – “мақсад ва мақсадчалар”, уларга ажратилган “вақт”, “билимлар тизими ва улар ичидаги таянч тушунчалар”, “дарс тури ва типи”, “педагогик услублар”, “ахборот технологиялар” ва “дидактик материаллар”нинг ўзаро узвий боғлиқликда кўриб, ҳар бирини қўллаш жойлари ва йўллари аниқланиб, ўқув машғулотининг лойиҳасига белгилаб қўйилади.

Тўртинчи тамойил, таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашда ва уни амалда қўллашда, талабалар эгаллаши шарт бўлган билимларни мустақил равишда топишга урғу берилади.

Бешинчи тамойил, лойиҳа асосида ўқув машғулотларини амалга ошириш жараёнида, берилаётган билимларни талабалар англашлари, ҳотирасида сақлашлари ва амалиётда қўллай олишларини бир вақтнинг ўзида олиб боришликка эришилади.

Олтинчи тамойил, мақсадларнинг натижалари феъллар шаклида бўлиб, бунинг учун муайян ўқув машғулотида ишлатиладиган феълларнинг тизими ишлаб чиқилади.

Еттинчи тамойил, ўқув машғулотларининг якунида, шу машғулотда қабул қилинган баҳолаш тур ва мезонларидан келиб чиққан ҳолда, барча талабаларнинг билимларни ўзлаштириш даражаси аниқланади.

**Педагогик технология тамойиллари асосида ўқув
машғулоти лойиҳалашда қуйидаги
вазифалар амалга оширилади**

1. Ўқув фанини бир бутунликда “макро модул” деб қабул қилиб, унда бериладиган материалларнинг ҳажми ва мазмунидан келиб чиқиб, – “катта”, “ўрта” ва “кичик” модулларга ажратилади, сўнг, уларнинг мақсад ва мақсадчалари ҳамда уларга ажратилган вақт белгиланади.

2. Ҳар бир кичик модул ёрдамида бериладиган билимлар тизими ичидан таянч тушунчалар ажратилади.

3. Таянч тушунчалар асосида назорат саволлари тузилиб, талабалар билим ва кўникмаларини баҳолаш тур ва мезонлари белгиланади.

4. Ўқув машғулотларининг ҳар бир кичик модулида қўлланиладиган дарс тури ва типи аниқланиб олинади.

5. Ҳар бир кичик модулда қўлланиладиган педагогик услублар аниқланиб, жойлари топиб қўйилади.

6. Таълим муассасида мавжуд ахборот технологиялардан ҳамда ҳар бир кичик модулдаги ўқув машғулотининг характеридан келиб чиқиб, ўқув машғулоти амалга оширишда фойдаланиладиган ахборот технологияларнинг қўлланиш жойлари белгиланади.

7. Ўқув машғулотлари жараёнида, ҳар бир кичик модулда фойдаланиладиган дидактик материалларнинг тури ва жойи аниқланади.

Иккинчи кичик модул.

Педагогик технологияни яратишда ўқитувчи томонидан таълим мақсадини тўғри англаш ниҳоятда муҳимдир. Таълим жараёнини ташкиллашда ўқув мақсадидан келиб чиқилади.

Педагогик технология тарафдорлари таклиф этган ўқув мақсадларини аниқлаш усули ўзининг юқори даражада инструменталлиги (ўта амалийлиги) билан ажралиб туради. Ўқув мақсадлари ўқувчининг ишончли ўлчаш ва ташқаридан билиб олиш мумкин бўлган ҳатти-ҳаракатида ифодаланиб, улар ўқитиш натижалари орқали шакллантирилади.

1. Ўқув мақсадларининг шундай системасини яратиш керакки, унинг ичида ўқув мақсадларининг тоифалари ва даражалари кетма-кетлиги аниқ белгиланган бўлсин. Ўқув мақсадларининг бундай системаси педагогик таксономия деб аталади.

2. Ўқув мақсадларини ифодалаш учун шундай аниқ ва тушунарли тилни топиш керакки, ўқитувчи бу тил орқали мақсадларни аниқ ифодалайдиган бўлсин.

Таксономия тушунчаси (грекча – тартиб билан **жойлаштариш**) биология фанидан олинган.

Мақсадларнинг аниқ ва тартибли ва иерархик туркумини яратиш, энг аввало амалиётчи педагоглар учун жуда муҳимдир. Бунинг сабаблари қуйидагича:

1. **Ўқув жараёнида эътиборни асосий мақсадга қаратиш.** Ўқитувчи таксономиядан фойдаланган ҳолда нафақат ўқув мақсадларни, балки асосий вазифаларни бундан кейинги фаолиятининг тартиби ва боришини ҳам белгилаши мумкин.

2. **Ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамкорликдаги фаолиятининг аниқлиги ва ошқоралиги.** Аниқ ўқув мақсадлари ўқитувчи учун ўқувчиларга уларнинг умумий фаолиятидаги асосий йўналишларни тушунтириш, муҳокама қила олиш ва ихтиёрий қизиқувчи шахслар (ота-оналар, текширувчи) учун ҳам аниқ ва тушунарли бўлишини таъминлаш имкониятини беради.

3. **Ўқитиш натижаларини баҳолаш андозаси (эталон)ни аниқлаш.** Фаолият натижалари орқали аниқ ифодаланган ўқув мақсадлари, уларни ишончли ва холисона баҳолаш имкониятини беради.

Б.Блум таксономияси ёрдамида ўқитувчи нафақат ўқув мақсадларини аниқлаштиришга, балки уларни ўзаро боғлиқ бўлган қатъий кетма-кетликда жойлаштиришга муваффақ бўлади.

1. Билиш:

- далилларни билиш, атамаларни билиш,
- далилларни танлаш усулини билиш;
- белгиларни билиш;
- ривожланиш тенденциясини билиш;
- туркумлашни билиш;
- баҳолаш мезонларини билиш;
- муайян бир ёки бир неча муаммони ҳал қилишда қўлланиладиган услубларни билиш;
- умумий тушунча, назарияларни билиш;
- ходисаларни тушунтириш ва уларни олдиндан кўра олиш, тамойилларини билиш

2. Тушуниш:

- мазмунни бир тил (тизим)дан бошқасига айланттириш;

- изоҳлаш;
- олинган натижаларни ёйиш ёки татбиқ этиш

3. Қўллаш:

- услублар, қоидалар ва умумий тушунчаларни вазият ва топшириқларни ҳал қилишда қўллаш.

4. Таҳлил қилиш:

- бир бутун нарса (ходиса)ни қисмларга ажратиш, бу қисмларнинг ёйилмасини ва улар ўртасидаги боғланишларни тузиш;
- қисмларни таҳлил қилиш;
- қисмлар ўртасидаги муносабатни таҳлил қилиш;
- яхлитликни ташкил қилиш тамойияларини билиш.

5. Синтез, яъни янги таркиб ҳосил қилиш мақсадида берилган қисмларни умумлаштириш:

- асар ёзиш;
- иш фаолияти режасини тўзиш;
- берилганларга асосланиб яхлит яратиш;
- иншо ёзиш.

6. Баҳолаш, яъни мақсадга мувофиқ ҳолда қўлланилган материал ёки услубларни баҳолаш (муносабат билдириш):

- ички мезонлар асосида баҳолаш;
- ташқи мезонлар асосида баҳолаш.

Учинчи кичик модул

Ер юзида ўқитувчилик касби пайдо бўлиши билан, таълим-тарбия бериш усуллари ҳам шакллана бошлаган. Тарихда таълим-тарбия усуллари жуда кўп бўлиб, бугунга келиб уларнинг ичидан сараланиб ҳаётийлари сақланган. Сақланиб қолганларининг энг умумий томонларини ҳисобга олган ҳолда, уларни уч тоифага ажратиш мумкин.

Биринчи тоифадаги усуллар “Анъанавий усуллар” аталиб, талаба-ёшларга билимларни “етказиб бериш” тамойилига асосландилар. Уларга: “айтиб бериш”, “кўрсатиб бериш”, “намойиш”, “маъруза тақдимоти”, “савол-жавоб”, “тўрт поғонали усул”лар ва бошқалар киради.

Иккинчи тоифадаги усуллар “Интерфаол усуллар” деб номланиб, билим олувчиларни билим эгаллашларида “фаоллаштириш” тамойилига суянадилар. Уларга: “муаммоли дарс”, “фикрий ҳужум”, “ақлий ҳужум”, “кичик гуруҳлар билан ишлаш”, “давра суҳбати”, “кластер усули”, “қора кути”, “бешинчиси ортиқча”, “ишбоб ўйин”, “ролли ўйин”, “бахс-мунозара”, “қарама-

қарши муносабат”, “заковатли зукко”, “зиг-заг”, “чархпалак”, “зинама-зина” ва бошқа кўпдан-кўп усуллар киради.

Учинчи тоифадаги усуллар “Илғор ёки замонавий усуллар” дейилиб, таълим – тарбия жараёнини **“жадаллаштириш ва самарадорлигини ошириш”** тамойилидан келиб чиқадилар. Уларга: “лойихалаш усули”, “йўналтирилган матн” “программалаштириш”, “модулли ўқитиш”, “технологик харита усули” ва ниҳоят барча усулларнинг афзаллик томонларини **“педагогик технология”** ўзида мужассамлаштиради.

Бу уч тоифадаги усуллар тарихан таркиб топиб, вақт ўтиши билан бири-биридан такомиллашиб, ўз даврининг талабига жавоб берганлар. Юқорида акс этилган усулларнинг, “педагогик технологиядан” ташқарисини амалда қўллаётганда, ижобий томонлари билан бир қаторда камчиликлари ва ноқулай томонлари ҳам мавжуд.

Шунинг учун ҳам, XX асрнинг ярмиларидан ошганда, дунёдаги педагог олимларининг олдида, инсоният кашф қилган барча педагогик усулларнинг ҳамма ижобий томонларини ўзида бирлаштираоладиган, шу билан бир қаторда, ўқув жараёнини жадаллаштириб, самарадорлигини замон талаби даражасига етказувчи ҳамда бу жараённи ўқитувчи ва педагогнинг маҳоратидан халос этувчи ва амалиётда фойдаланиши қулай бўлган педагогик усулни шакллантириш масаласи кўндаланг бўлиб қолган эди.

XX асрнинг иккинчи ярмининг ўрталарига келиб, бундай усул АҚШ олимлари томонидан кашф қилиниб, уни **“Таълим технологияси”** деб номладилар. Бу усулни барча ривожланган мамлакатларнинг педагог олимлари ўз ҳудудига мослаштириб, уни бири “Янги педагогик технология”, иккинчиси “Илғор педагогик технология”, яна бошқаси “Замонавий педагогик технология” деб номлай бошладилар.

Педагогик технология ғояси бизнинг ҳудудга, давлатимиз мустақилликка эришганидан кейин, ҳорижий мамлакатлардан турли номлар билан, кириб кела бошлади. Унинг назарий асослари тўла бўлмаса ҳам ифода этувчи, ўзбек тилидаги бир қатор асарлар ҳам пайдо бўлди. Педагогик технологиянинг ўзига яраша назарий асослари шаклланиб, баъзилар уни алоҳида фан сифатида ўқитилиши керак деган фикрни ҳам билдирмоқдалар. Бизнинг фикримизча “педагогик технология” педагогиканинг “методика” деган бўлимини ажралмас қисми бўлиб, таълим-тарбия жараёнини амалга оширишнинг технологиялашган усули(методи)дир.

4. БИРИНЧИ КАТТА МОДУЛНИНГ ТЎРТИНЧИ ЎРТА МОДУЛ МАВЗУСИ: (Лаборатория) Педагогик технология назарий асослари. Замонавий педагогик технология турлари

4.1. Лаборатория ўқув машғулоти мақсади

1.4.1-жадвал

Талабаларда биринчи катта модул бўйича шаклланган билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш ҳамда жамоада ишлаш кўникмаларини ривожлантириш ва педагогик жараёнга мажмуий ёндашувни шаклантириш.

4.2. Лаборатория ўқув моғулоти режаси ва тури ва типи ҳамда унда қўлланиладиган педагогик услублар

1.4.2-жадвал

Мавзу	Педагогик технология назарий асослари. Замонавий педагогик технология турлари.
Маъруза машғулотининг режаси	<i>Режа:</i> 1. Мажмулар турлари. 2. Педагогик мақсадлар.
Ўқув машғулотининг шакли	Ижодийлик хусусиятига эга лаборатория машғулоти.
Таълим усуллари	Концептуал жадвал, ижодий амалий иш.
Таълим воситалари	Мажмулар жадвали (доскада ёки экранда), Педагогик мақсадлар тузиш бўйича топшириқ варақаси (таркатма материал), мутахассислик фанидан ўқув дастур ва дарслик, ФЁТВ.
Таълим шакллари	Оммавий, жамоавий, жуфтликларда.
Ўқитиш шароитлари	Мультимедиа воситалари билан жиҳозланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Талабаларнинг концептуал жадвални тўлдириш давомидаги фаолияти, педагогик мақсадлар тузиш бўйича бажарилган ёзма иш.

**4.3. Лаборатория машғулоти педагогик жараёнида
фойдаланиладиган ахборот технологиялари ва дидактик
материаллар ҳамда фаолият мазмуни**

1.4.3-жадвал

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият жараёни	
	таълим берувчи	таълим олувчилар
1 - босқич. Ўқув машғулотига кириш (10 дақ.)	<p>1.1. Педагогик технология модулининг лаборатория машғулотларини ташкилий жиҳатлари билан талабаларни таништиради.</p> <p>1.2. Мавзунинг номи, мақсад ва кутилаётган натижаларни етказди.</p> <p>1.3. Талабаларни фаоллаштириш ва “мажму” тушунчасини мустаҳкамлаш мақсадида жадвал тўлдиришни ташкиллайди (4.3.1-илова)</p>	<p>1.1. Тинглайдилар, аниқлаштирувчи саволлар беришлари мумкин.</p> <p>1.2. Тинглайдилар, аниқлаштирувчи саволлар беришлари мумкин.</p> <p>1.3. Талабалар жамоавий шаклда ишлаб, ўқитувчи томонидан тақдим этилган жадвални тўлдирадилар.</p>
2 – босқич Асосий (65 дақ.)	<p>2.1. Педагогик мақсадларни шакллантиришга қаратилган таълимий фаолиятни ташкиллайди:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Талабаларни жуфтликларга бўлади ва топшириқ варқаларини тарқатади (4.3.2-илова); - Топшириқни бажарилишини кузатиб боради, талабаларга маслаҳат беради; - 5-6 та ишлар тақдимоти ва уларнинг муҳокамасини ташкиллайди; - барча жуфтликларга ўз ишларини яна бир бор танқидий 	<p>2.1. Ўқитувчи режалаштирган тартибда педагогик мақсадларни тузадилар.</p> <p>-муҳокамада қатнашадилар;</p>

	кўриб чиқиш ва хатоларни тузатиш учун вақт беради; - талабалар ишларини текшириш учун йиғиб олади.	Бажарган ишларини топширадилар.
3 - босқич. Якуний (10 дақ.)	3.1. Рефлексия фаолиятини ташкиллаштиради – талабаларнинг машғулот натижасида шакл-ланган билим, тасаввур, муносабатларни таҳлил қилишга ундайди; бажарилган вазифаларни мураккаблик даражаси нуқтаи назаридан муҳакама қилишларини ташкиллайди. 3.2. Мустақил таълим бўйича вазифа беради: тузилган педагогик мақсадлар асосида топшириқлар мажмуасини тузиш.	3.1. Саволларга жавоб бериб, рефлексияни амалга оширадилар. 3.2. Мустақил бажариш учун берилган вазифани ёзиб оладилар.

4.3.1-илова, жадвал

“МАЖМУЛАР “

	Тартибли	Тартибсиз	Тезликка эга	суст	2 қарама-қарши	Кўп томонлама	нуқтавий	тизимли	тикланувчи	тикланмайдиган	оддий	мураккаб	марказлашган	марказлашмаган	бир поғонали	кўп поғонали
Оила																
Кимёвий элементлар																
Узлуксиз таълим жараёни																

**II. ИККИНЧИ КАТТА МОДУЛНИНГ НОМИ – Талабалар
фаолиятини фаоллаштириш ва жадаллаштириш
(интенсивлаш)га асосланган таълим технологиялари
(1 та маъруза ва 1 та лаборатория модуллари)**

**1. ИККИНЧИ КАТТА МОДУЛНИНГ БИРИНЧИ ЎРТА МОДУЛ
МАВЗУСИ: (Маъруза) Талабалар фаоллиги, муаммоли таълим
усули, лойиҳалар усули ва ўйинли технологиялар**

**1.1. Иккинчи катта модул таркибидаги биринчи ўрта
модулнинг умумий мақсади**

2.1.1-жадвал

<p>Талабаларда таҳсил олувчи фаолиятини фаоллаштириш ва интенсификациялаш (жадаллаштириш)га асосланган таълим технологиялари ҳақида ДТСда кўрсатилган ҳажмдаги билимларни, бўлажак педагогик фаолиятида муаммоли таълим усули, лойиҳавий таълим усули, ўйинли таълим технологиясини қўллаш учун зарурий кўникма ва малакаларни шакллантириш, шунингдек, таҳсил олувчига инсонпарвар ёндашувни, кедаякда ҳар бир ўқувчи-талабада шахсни кўра олиш ва уни ҳурмат қилиш, таҳсил олувчилар қобилиятига ишонч ҳиссини ва мустақил фикрлаш кўникмаларини, таълимий вазифа ва вазиятларни яратиш кўникмаларини, муаммоли вазиятларни ечиш, мақсадли фаолият олиб бориш кўникмаларини ривожлантириш.</p>
--

**1.2. Биринчи ўрта модулнинг кичик модуллар
номлари ва мақсадлари**

2.1.2-жадвал

Т/р	Кичик модуллар номи	Кичик модулларнинг мақсади
1.	Таълим жараёнида таҳсил олувчининг фаоллиги.	Талабаларга таълим жараёнида таҳсил олувчи фаоллиги тушунчаси маъносини изоҳлай олишни, таҳсил олувчи фаоллиги даражаларини, таълим жараёнида унинг фаоллигини ифодаланишини ва таҳсил олувчи фаоллигини таълим жараёни самарадорлигига бўлган таъсирини ўргатиш.

2.	Муаммоли таълим усули	Талабаларга муаммоли таълим усулининг таърифларини, ушбу усули мақсадлари, асосий фарқловчи жиҳатларини, ушбу усулининг шаклланиш тарихини, муаммоли таълим усули назарий асосларини ишлаб чиққан олимларни ва уларнинг ёндашувларини ўзаро таққослай олишни, муаммоли таълим услубиётининг ўзига хосликларини, муаммоли маъруза усули мақсадлари ва қўлланилишига талабларни ҳамда муаммоли саволлар туза олиш кўникмасини талабада шакллантириш, шунингдек, муаммоли таълим усулини таълим самарадорлиги учун бўлган аҳамиятини тўғри баҳолай олишини тушунтириш.
3.	Лойиҳавий таълим усули ҳақида умумий тушунча, лойиҳавий таълим усули мақсади, моҳияти, тамойилари.	Талабаларга лойиҳавий таълим усули мавзусига оид асосий тушунчалар таърифларини, ушбу усули мақсадлари, асосий фарқловчи жиҳатларини, лойиҳавий таълим усулининг шаклланиш тарихини, ушбу усул асосчилари номларини ва лойиҳавий фаолият самаралорлигини таъминловчи қоидаларни ҳамда лойиҳавий таълим усулини таълим самарадорлиги учун бўлган аҳамиятини тушунтириш.
4.	Талабалар лойиҳавий фаолиятини бошқариш, ўқув лойиҳаларни баҳолаш.	Талабаларга лойиҳавий таълим усулини қўллаганда таълим ҳудудини ташкиллашга қўйиладиган талабларни, талабаларнинг лойиҳавий фаолиятини баҳолаш мезонларини, ушбу талаб ва мезонларни асослаб бера олишини ва лойиҳавий таълимда талабанинг фаолияти моҳиятини тушунтириш.
5.	Ўйинли таълим усули мақсади, моҳияти, ташкилий жиҳатлари ва Педагогик ўйин турлари.	Талабаларга ўйинли таълим усули мавзусига оид асосий тушунчалар таърифларини, ушбу технология мақсадлари, асосий фарқловчи жиҳатларини, ўйинли таълим усули самарадорлигини таъминловчи омилларни, дидактик ўйиннинг ташкилий жиҳатларини ва ўйинли таълим усулини таълим самарадорлиги учун бўлган аҳамиятини ўргатиш, шунингдек,

		педагогик ўйинлар турларини, уларни мақсад, моҳияти, тузилмаси нуқтаи назаридан таҳлил қила олишни ва ўзаро таққослай олишни ҳамда уларга ўз мутахассислик фанидан педагогик ўйин ишлаб чиқа олишга ўргатиш.
--	--	--

1.3. Кичик модуллар таянч тушунчалар ва улар асосида тузилган назорат саволлари

2.1.3-жадвал

Т/р	Таянч тушунчалар	Назорат саволлари
1	Интенсивлаш (жадаллаштириш), фаоллик	<ol style="list-style-type: none"> 1. Таълим жараёнида таҳсил олувчи фаоллиги нимада намоён бўлади? 2. Таълим жараёнида таҳсил олувчининг фаоллиги тамойили нимани англатади? 3. Олимлар таълимий фаолликнинг қайси даражаларини аниқлайдилар? 4. Таҳсил олувчи фаоллигини оширишга хизмат қилувчи услубларни санаб беринг. 5. “Ўқитишнинг фаол усуллари” кенг жорий қилинган йиллар.
2	Муаммоли таълим, муаммоли вазият, Дьюи ғояси, муаммоли савол	<ol style="list-style-type: none"> 1. Муаммоли таълимга олимлар томонидан берилган таърифларни изоҳланг. 2. Муаммоли таълим мақсадларини санаб беринг. 3. Муаммоли савол, муаммоли вазият тушунчаларига таъриф беринг. 4. Дьюи ғояси нимадан иборат? 5. Мустақил фаолиятини ташкиллашни назарда тутувчи таълим жараёнини айтиб беринг.
3	Лойиха, лойихавий таълим, лойиха турлари	<ol style="list-style-type: none"> 1. Лойихавий таълим муаллифлари ким? 2. Лойихавий таълим мақсадларини санаб беринг. 3. Муаммоли вазиятлар турларини санаб беринг, уларни шарҳланг. 4. Муаммоли савол ва муаммоли вазиятларга мисоллар тузинг. 5. Ўқув-ижодий лойиҳалар турлари, лойиҳа

		устида ишлаш жараёни босқичларини санаб беринг.
4	Фаолиятни бошқариш, фаолиятни баҳолаш, тьютор	<p>1. Қайси асосий жиҳат лойиҳали таълимни муаммоли таълимдан фарқлайди?</p> <p>2. Ўқув ижодий лойиҳа нима?</p> <p>3. Лойиҳа устида иш олиб бориладиган асосий ҳудуд.</p> <p>4. Талабалар лойиҳавий фаолиятини баҳолаш мезонларини айтиб беринг.</p> <p>5. Лойиҳавий таълимда тьютор (ўқитувчи, илмий раҳбар) ўрни.</p>
5.	Ўйинли таълим, дидактик ўйин, ўйинлар турлари, “Биргаликда ўрганамиз” (Кооп-кооп)	<p>1. Педагогик ўйин бошқа ўйин турларидан нимаси билан фарқланади?</p> <p>2. Ўйинли таълим технологисияга асосланган таълим жараёни қандай ташкилланади?</p> <p>3. Педагогик ўйинлар турларини санаб беринг.</p> <p>4. Педагогик ўйинлар турлари мақсади, моҳияти, ташкилий жиҳатларини ўзаро таққосланг.</p> <p>5. Педагогик ўйинлар турларига мисоллар келтиринг.</p> <p>6. Мутахассислик фанингизни ўқитишга оид ўйин ишлаб чиқинг.</p> <p>7. “Биргаликда ўрганамиз” ўйин услуби нима?</p>

1.4. Кичик модуллар назорат саволлари асосида тузилган тест

2.1.4-жадвал

Т/р	Саволлар	Мумкин бўлган жавоблар	
1	Таҳсил олувчи фаоллигини ошириш учун нима қилиш керак?	1	Кўпроқ вазифа бериш
		2	Махсус психолого-педагогик шароитлар яратилиши керак
		3	Қаттиқўл бўлиш
		4	Талабалар билан бирга вазифаларни бажариш
2	Муаммоли ўқитиш, ўйин усуллари нимани таъминлайди?	1	А) Ўқув жараёнининг тез кечишини.
		2	С) Ўқувчилар фаоллигини.
		3	Д) Ўқитувчи фаоллигини.
		4	Е) Ўқувчиларни хотирасини машқ килдиради.

3	Ижодий фаоллик ақлий фаолликнинг нечанчи даражасидир?	1	1
		2	2
		3	3
		4	4
4	Муаммоли маъруза таърифи	1	Муаммоли вазият
		2	Билиш жараёнини изланиш фаолиятига якинлаштирувчи таълим шакли.
		3	ўйинли усулларга асосланган таълим шакли
		4	Янги ўқув материални ўқитувчи баён қилиши
5	Қайси қаторда муаммоли таълим мақсадларидан бири берилган?	1	Ўқувчиларда изланишга қаратилган кўникма ва малакаларни шакллантириш
		2	Ўқувчилар хотирасини мустаҳкамлаш
		3	Ўқувчиларда онгли интизомни шакллантириш ва ривожлантириш
		4	Ўқувчиларда ижтимоий сифатларни ривожлантириш
6	Муаммоли таълимнинг асосий таркибий қисми	1	Муаммоли маъруза
		2	Мустақил иш
		3	Муаммоли вазият
		4	Реферат ёзиш
7	Педагогикада муаммоли вазият қандай таърифланади?	1	Мустақил изланишни талаб этувчи вазият
		2	Мураккаб вазият
		3	Ўқувчида шаклланадиган ақлий қийинчилик ҳолати
		4	Баҳсни келтириб чиқувчи вазият
8	“Лойиха” сўзининг қайси маъноси айнан “педагогик лойиха” тушучасига яқин?	1	Борлиқнинг маълум қисмини ўзгартириш мақсади (фикри)
		2	Бир гуруҳ инсонларни ҳамкорликда ишлашининг маълум шакли
		3	Бирор бир ҳужжатнинг дастлабки матни
		4	Бўлажак объектнинг образи (тасаввури)
9	Қайси асосий жиҳат лойихали	1	Муаммоли саволлар сони
		2	Лойихавий фаолият якунида аниқ

	таълимни муаммоли таълимдан фарқлайди?		(амалий) натижа олиними ва тақдим этилиши
		3	Муаммони ечимини излашда ўқитувчи бошқарувчи ролини ижро этиши
		4	Лойиха устида ишлаш кўп вақт талаб қилиши
10	Лойихавий таълимни бошқа таълим усуллардан фарқловчи мақсадни кўрсатинг.	1	Ўқувчиларда таълимга мотивациясини ошириш
		2	Ўқувчиларда мустақил тафаккурни ривожлантириш
		3	Лойихали тафаккурни шакллантириш
		4	Ҳамкорликда қарор қабул қилишни ўргатиш
11	Қайси қаторда лойихавий фаолият босқичлари тўғри кетма-кетликда берилган?	1	Муаммоларни шакллантириш; маҳсулотнинг якуний кўриниши лойихасини ишлаб чиқиш; технологик босқич; рефлексия
		2	Маҳсулотнинг якуний кўриниши лойихасини ишлаб чиқиш; муаммоларни шакллантириш; технологик босқич; рефлексия
		3	Технологик босқич; муаммоларни шакллантириш; маҳсулотнинг якуний кўриниши лойихасини ишлаб чиқиш; рефлексия
		4	Маҳсулотнинг якуний кўриниши лойихасини ишлаб чиқиш; муаммоларни шакллантириш; технологик босқич; рефлексия
12	Нима сабабдан лойихавий таълимни амалга оширишда шарт-шароитларга алоҳида эътибор қаратилади?	1	Дидактик шарт-шароитларнинг мавжудлиги талабаларни ўқишга бўлган мотивациясини оширади
		2	Лойихавий фаолият талабаларни мустақил равишда били олиши, турли таълим шаклларнинг қўлланилишини талаб қилади.
		3	Лойихавий таълимда талабалар индивидуал ишлайдилар
		4	Лойихавий фаолиятни амалга ошириш

			тадқиқот олиб боришни талаб қилади
13	Қайси қаторда “ўйин” тушунчасига тўғри таъриф берилган?	1	Болалар фаолияти тури
		2	Маълум қоидалар асосида амалга ошириладиган фаолият
		3	ижтимоий тажрибани қайта яратиш ва ўзлаштиришга қаратилган фаолият тури
		4	Беллашув жиҳатига эга фаолият
14	“Ўйинли таълим усули” тушунчаси нимани англатади?	1	Ўқувчиларни ўқишга қишиқтиришни мақсад қилиб қўйган технология
		2	Таълим жаранида беллашув вазиятини вужудга келтириш
		3	Педагогик жараёни турли педагогик ўйинлар шаклида ташкиллашнинг қатор усуллари қўллаш
		4	Таълим жараёнида ўйинга ҳос психологик шароитни яратиш
15	Педагогик ўйин тузилмасининг биринчи босқичи қайси қаторда кўрсатилган?	1	Режалаштириш
		2	Мақсад қўйиш
		3	Мақсадни амалга ошириш
		4	Натижалар таҳлили

1.5. Дарс тури ва типи ҳамда унда қўлланиладиган педагогик услублар

2.1.5-жадвал

Ўқув машғулотининг шакли	Мутақил таълим элементлари киритилган маъруза машғулоти.
Таълим усуллари	Шарҳ, “Биргаликда ўрганамиз” (“Кооп-кооп”) усули, тест.
Таълим воситалари	“Дидактик тамойиллар” рўйхати (слайд), назарий маълумотни “Биргаликда ўрганамиз” (Кооп-кооп) усулида ўрганиш бўйича йўриқнома; ўқув-услубий қўлланма; баҳолаш варақаси, ФЁТВ, тест (слайд).
Таълим шакллари	Оммавий, гуруҳий, яқка тартибда жамоавий, жуфтликларда.
Ўқитиш шароитлари	Мультимедиа воситалари билан жиҳозланган аудитория.

Мониторинг ва баҳолаш	Талабаларнинг дидактик тамойилларини шарҳлаш жараёнидаги фаолияти, тақдимотда қатнашуви, тест натижалари.
-----------------------	---

1.6. Кичик модуллари педагогик жараёнида фойдаланиладиган ахборот-коммуникацион технологиялар ва дидактик материаллар
2.1.6 -жадвал

Иш босқичлари ва вақти	Ўқув жараёни	
	таълим берувчи	таълим олувчилар
1 - босқич. Ўқув Машғулотига кириш (10 дақ.)	1.1. Мавзунинг номи, мақсад ва кутилаётган натижаларни етказди. 1.2. Талабаларни фаоллаштириш ва мавзуга йўналтириш учун дидактик тамойилларни шарҳлаш вазифасини беради. (1.6.1-илова)	1.1. Тинглайдилар, аниқлаштирувчи саволлар беришлари мумкин. 1.2. Дидактик тамойил-ларни шарҳлайдилар-талкин қиладилар, амалиётга боғлайдилар.
2 – босқич Асосий (65 дақ.)	2.1. Таълим жараёнида таҳсил олувчининг фаоллиги мавзусини очиб беради (1.6.2-илова - 2-катта модулнинг ўрта модули слайдлари) - Маърузанинг биринчи кичик модули бўйича билимларни умумлаштириш ва мустаҳкамлаш ва назоратни амалга ошириш мақсадида тест ўтказди (1-4 тест) ва тест калитини тақдим қилиб, талабаларга ўз билимларини текшириши учун шароит яратади; -Йўл қўйилган хатоларни аниқлаштиради ва уларни тўғрилаш бўйича фаолиятни	2.1.Ахборотни тинглайдилар, муҳим маълумотларни ёзиб борадилар. - Тест ечадилар, тест калити ёрдамида ўз-ўзларини назорат қиладилар, хатолар устида ишлаш жараёнида қатнашадилар.

	<p>ташқиллайди: тегсизни тўғри ечган талабаларга сўз беради, зарур ҳолатда ўзи қайтадан маълумотни тушунтиради.</p>	
	<p>2.2. “Биргаликда ўрганамиз” (“Кооп-кооп”) усулини қўллаган ҳолда талабаларда мавзу бўйича билимларни шакллантиради: -талабаларни 3 та кичик гуруҳга бўлади; -1-гуруҳга “Муаммоли таълим усули”; 2-гуруҳга – “Лойиҳавий таълим усули”; 3-гуруҳга – “Ўйинли таълим усули” мавзуларни мустақил ўрганиш ва тақдим этиш топшириғини беради. -Гуруҳлар тақдимотлариини ташқиллайди. -Гуруҳлар ишини муҳокамаси ва баҳоланишини бошқаради. -Маъруза мавзуси бўйича билимларни умумлаштириш ва мустаҳкамлаш ва назоратни амалга ошириш мақсадида тест ўтказди (11-13 тест) ва тест калитини тақдим қилиб, талабаларга ўз билимларини текшириши учун шароит яратади; Йўл қўйилган хатоларни аниқлаштиради ва уларни тўғрилаш бўйича фаолиятни ташқиллайди: тестни тўғри ечган талабаларга сўз беради, зарур ҳолатда ўзи қайтадан маълумотни тушунтиради.</p>	<p>2.2.Белгиланган тартибда (3-илова) назарий маълумотларни мустақил ўрганадилар ва кичик гуруҳларда тақдимот ўтказадилар.</p> <p>Тест ечадилар, тест калити ёрдамида ўз-ўзларини назорат қиладилар, хатолар устида ишлаш жараёнида қатнашадилар.</p>

<p>3 - босқич. Якуний (10 дақ.)</p>	<p>3.1. Рефлексия фаолиятини ташкиллайди – талабаларни машғулот натижасида ўрганилган мавзу бўйича ўзларида шаклланган билим, тасаввур, муносабатларни таҳлил қилишга ундайди – Саволлар: -Ўрганилган учта таълим технологияларини қайси жиҳатлар умумлаштиради? -Ўрганилган қайси технологияларнинг элементлари сизга олдиндан таниш эди ва қачси технология сиз учун янгилик бўлди? -Ўрганилган педагогик усулилардан қайсиларини бўлажак меҳнат фаолиятингизда кенг қўллаган бўллар эдингиз? Нимага?</p>	<p>3.1.Саволларга жавоб бериб, рефлексияни амалга оширадилар.</p>
---	--	---

1.6.1-илова

Дидактик тамойиллар.

1. Ўқитиш жараёнининг тарбиявийлик тамойили.
2. Ўқитишнинг илмийлик ва тушунарлилик тамойили.
3. Ўқитувчи раҳбарлигида таҳсил олувчиларнинг онглилик ва фаол ёндошувларини ташкил этиш тамойили.
4. Аниқлик ва мавҳумликнинг бирлиги (ўқитишнинг кўрсатмалилиги) тамойили.
5. Назарияни амалиёт ва ўқитишнинг узвийлиги билан боғлаш тамойили.
6. Билимларни пухта ўзлаштириш ва билишнинг ҳар томонлама ривожланиши тамойили.
7. Ўқитишнинг замонавийлик хусусияти ва таҳсил олувчиларнинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш тамойили.

Назарий маълумотни “Биргаликда ўрганамиз” (Кооп-кооп) усулида ўрганиш бўйича йўриқнома:

1. Берилган назарий маълумотни гуруҳда ўрганиб чиқинг ватаҳлил қилинг:

- номланиши;
- мақсади;
- қўлланилиш тартиби;
- иштирокчиларга қўйиладиган талаблар;
- ютуқли томонлари ва қўллашни мураккаблаштирувчи

жиҳатлари;

- қўлланилиши мумкин фанлар, мавзуларга мисоллар.

2. Юқорида санаб ўтилган пунктларга асосан тақдимот тайёрланг (тайёр слайдлардан фойдаланиш билан бир қаторда қоғоз ёки компьютерда тақдимот тайёрланг).

3. Тақдимот ўтказинг.

4. Бошқа гуруҳлар чиқишини кузатинг ва баҳоланг.

Баҳолаш варақаси:

Т/р	Гуруҳ тартиб рақами	Маълумотнинг тўлалиги (мах -5 балл)	Маълумотни аниқ ва тушунарли етказилиши (мах-5 балл)	Тақдимотга тайёрланган жиҳозларнинг мавжудлиги (мах-5 балл)	жами
	1-гуруҳ				
	2-гуруҳ				
	3-гурҳ				

1.7. Ўрта модулнинг мазмунини ифода этувчи матн сценарийси

Биринчи кичик модул

ОТМларда амалга ошириладиган ўқув жараёнининг асосий масадларидан бири деб, талабаларда мустақил, ижодий фикрлаш малакасини ривожлантириш кўрсатилмоқда.

Таълим жараёнида билим олувчининг фаоллиги тамойили педагогикада энг муҳим тамойилларидан бўлиб келган. Унинг

моҳияти ўрганилаётган предметни талабалар томонидан мақсадли ва **фаол қабул қилиниши, англаниши, қайта ишланиши ва қўлланилишидир**

Фаоллик тузилмаси қуйидаги таркибий қисмлар орқали ифодаланади:

- ◆ таълимий вазифаларни бажаришга бўлган тайёрлик;
- ◆ мустақил фаолият олиб боришга интилиш;
- ◆ бажарилаётган ҳаракатларни англаганлиги;
- ◆ фаоллик предметига йўналтирилган диққатнинг мустаҳкамлиги;
- ◆ ўз билим даражасини янада оширишга бўлган интилиш.

Таълимий фаоллик даражалари:

- “**объект фаолияти**”;
- “**субъект фаолияти**”.

Қуйидаги вазиятлар таълим машғулотида энг юқори фаоллаштирувчи эффект беради:

- ҳодиса ва жараёнларни *мустақил тушунтириб* бериш;
- *ўз нуқтаи назарини* исботлаш;
- *мунозара ва баҳсларда* иштирок этиш;
- ўз гуруҳдошларига ёки ўқитувчига *савол бериш*;
- бошқа талабалар жавобига *тақриз* бериш;
- бошқа талабалар жавобини *баҳолаш*;
- ўзлаштириши паст бўлган гуруҳдошларига материални *тушунтириш*, уларни ўқитиш;
- ўз кучини инобатга олган ҳолда ўзига мос *вазифа танлаш*;
- бир масаланинг *бир неча ечимларини* излаб топиш;
- ўз ҳаракатлари натижасини *текшириш*, уларни (ҳаракатларни) таҳлил қилиш;

ўзида олдиндан шакллантирилган билим кўникмаларни мажмуавий қўллаб, *таълимий вазифаларни* ечиш.

Таълимий фаоллик даражалари (М.В.Буланова-Топоркова, А.В.Духавнева ва бошқ. бўйича):

- **Қайта тиклаш фаоллиги** - билим олувчининг маълумотни тушуниши, эслаб қолиш ва қайта тиклашга, намунада кўрсатилган ҳаракатларни ўзлаштиришга бўлган интилиши.
- **Изоҳлаш фаоллиги** - билим олувчининг ўзлаштирилаётган ахборотни тушунишга, бошқа маълумот ва ҳодисалар билан боғлиқликларини аниқлаш, ўзгартирилган шароитларда олган билимларни ишлатишга интилиши.

– **Ижодий фаоллик** - билим олувчининг билимларни назарий англаш, муаммони ечимини мустақил излаш, билимга бўлган қизиқиши.

Фаоллаштириш мақсади ва воситалари ўйинли технология, муаммоли талим технологияси, интерфаол технологияларнинг **асосий ғоясини** ташкиллаб, уларнинг натижавийлигини таъминловчи омил сифатида қабул қилинади.

XX асрнинг 70-80 йилларида педагогик адабиётларда **“ўқитишнинг фаол усуллари”** тушунчаси кенг қўлланилган. Бу тушунча таълим олувчиларни фаол назарий ва амалий фаолиятга ундовчи **усул ва шаклларга** нисбатан қўлланилар эди. Булар қаторига муаммоли, изланиш усуллари, ишбилармонлик ўйинлари, тренинглар, гуруҳли мунозаралар ва бошқа усуллар киритилган.

Икинчи кичик модул

Муаммоли таълим усули америкалик файласуф, психолог ва педагог Жон Дьюи ғояларига асослангандир. Ж. Дьюи ва Ж. Брунер ўқитишнинг асосий мақсади **мантиқий фикрлашни ривожлантиришдир** деб билганлар.

XX аср бошларида америкалик файласуф, психолог ва педагог Жон Дьюи, Гербарт дидактик тизимига қарама-қарши бўлган ўзининг дидактик тизимини таклиф қилди ва уни Чикаго мактабларидан бирида синаб кўрди. Дьюи дарсда ўқитувчи эмас ўқувчи фаол бўлмоғи лозим деб чикди. Дарсда бериладиган билимлар талабалар эҳтиёжига мос ва уларнинг хоҳишидан келиб чикқан бўлиши керак дейди Дьюи. Китобдаги билимларни қуруқ ёд олиш ҳеч нарсага олиб бормади, аксинча ўқувчиларни ўқишдан совутиб, тафаккурини занглатади деб ҳисоблайди Дьюи. Таълим-тарбияга Дьюининг қўшган асосий ҳиссаси бу “ақл юритишнинг тўлиқ жараёни”дир. Ақл юритиш тўлиқ жараёнининг етакчи ҳалқаси муаммонинг пайдо бўлиши дейди Дьюи. Муаммо пайдо бўлганидан кейин, ўқувчи қийин ҳолатга тушиб, унинг ечимини излайди ва фаол фикр юритиб, бир қатор мулоҳазалардан кейин бу муаммонинг ечимини топади ва синаб кўради, нотўғри бўлган тақдирда, яна ақл юритади ва бу жараён бир неча маротаба қайтарилганидан кейин, охир оқибатда унинг тўғри ечимини топади. Натижада фикр юритишнинг тўлиқ жараёни амалга ошади. Кейинчалик бундай дидактик тизимни муаммоли дарс ўтиш, деб номланиб кетилди.

Кейинчалик ижод, ижодий тафаккур, муаммоли таълим бўйича олиб борилган психологик-педагогик изланишлар натижасида муаммолли таълимнинг умумий технологияси ишлаб чиқилди.

В.Оконь муаммоли ўқитишни «муаммоли вазиятни ташкиллаш, муаммони сўз орқали ифодалаш, уни ҳал қилишда ўқувчиларга ёрдам бериш, ечимларини текшириш ва олинган билимларни тизимлаш ва мустаҳкамлашда раҳбарлик қилиш фаолиятларининг бирлиги», деб билади.

И.Я.Лернер таърифида муаммоли ўқитиш моҳияти ўқувчининг ўқитувчи раҳбарлигида у учун янги бўлган билим берувчи ва амалий муаммоларни ечишда иштирок этишида деб таъкидлайди.

Т.В.Кудрявцев муаммоли ўқитиш моҳиятини билим олувчилар олдида дидактик муаммо кўйилиши, унинг ечилиши ва умумлаштирилган билимларини ва муаммоли масалаларни ечиш тамойилларини ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишида кўради.

М.И.Махмутов Муаммоли ўқитиш бу ўқитишнинг ривожлантирувчи тури бўлиб, унда ўқувчиларнинг систематик мустақил изланиш фаолияти ва улар томонидан фандаги тайёр ҳулосаларни ўзлаштириш уйғунлашади. Бунда усуллар тизими мақсадлаш ва муаммолилик тамойилини назарда тутган ҳолда шаклланади.

Бугунги кунда **муаммоли таълим** деб, ўқитувчи бошқаруви остида ўқувчилар онгида **муаммоли вазиятларни шакллантириш** ва таълим олувчиларнинг уларни ечишга қаратилган **мустақил фаолиятини** ташкиллашни назарда тутувчи таълим жараёнига айтилади. Бу жараён натижасида билим кўникма, малакаларни ижодий ўзлаштирилиши ва ўқувчиларнинг тафаккурини ривожланишига эришилади.

Муаммоли таълим мақсадлари:

– Таълим олувчилар томонидан **билим, кўникма, малакаларни ўзлаштирилиши;**

– Билимлар **мустаҳкамлигини** ошириш;

– **Мустақил фаолият** йўллариини ўзлаштирилиши

– **Изланишга** қаратилган кўникма ва малакаларни шакллантириш

– **Билиш қобилиятлари ва ижодий қобилиятларни** ривожлантириш

Муаммоли таълимда ўқув мазмуни муаммоли вазиятлар мажмуаси сифатида ташкилланади. Бунда ўқув материалининг

анъанавий баёнига муаммоли вазиятларни киритиш оптимал йўл ҳисобланади.

Услугиётнинг ўзига ҳосликлари билимларни тайёр ҳолатда эмас, аксинча уларни пайдо бўлиши ва ривожланиши ҳолатида беришда.

– муаммоли вазиятнинг тузилмасида қуйидаги таркибий қисмлар мавжуд:

– янги билим ёки ечимга олиб борадиган **йўлнинг номаълумлиги**;

– инсонни ақлий фаолиятга ундовчи **билимга бўлган эҳтиёж**;

– инсондаги унинг олдинги тажрибаси ва ижодий қобилиятларини ўз ичига олган **ақлий имкониятлар**.

И.А. Ильницкая муаммоли вазиятлар тизимини ишлаб чиқишда айнан муаммоли вазиятлар кетма-кетлик тизими муаммоли ўқитишнинг асосий шарти деб ҳисоблайди. Муаммоли вазиятлар тизимида битта асосий ва қатор ёрдамчи вазиятлар аниқланади.

Муаммоли вазиятни шакллантирувчи усуллар:

- ўқитувчи талабаларга зиддиятни кўрсатади ва улардан мустақил равишда ушбу зиддиятни ечишни талаб қилади;

- амалий фаолиятда учрайдиган зиддиятларни ўзаро тўқнаштиради;

- бир масалага мавжуд бўлган турли муносабатларни баён этади;

- бир ҳодисани турли позициялардан кўриб чиқишни таклиф қилади (масалан, турли касблар эгалари нуқтаи назаридан);

- талабаларни таққослаш, умумлаштириш, вазиятдан келиб чиқиб хулоса бериш, фактларни ўзаро солиштиришга ундайди;

- аниқ саволлар қўяди;

- муаммоли назарий ва амалий вазифаларни аниқлайди;

- муаммоли масалаларни шакллантиради (масалан, бирламчи маълумотлари етарли бўлмаган ёки ошиқча, ноаниқ саволли, зид маълумотларни мужасамлаштирган, атай мазмунида хатога йўл қўйилган, ечиш учун чегараланган вақт берилган ва ҳоказо).

Муаммоли таълим даражалари тафаккурнинг турли даражаларини ҳам акс эттиради:

- оддий, мустақил бўлмаган фаоллик даражаси – репродуктив фаолият;

- тўлиқ мустақил бўлмаган фаоллик даражаси – ўзлаштирилган билимларни янги вазиятда қўллаш ва ечимини ўқитувчи билан ҳамкорликда излашда намоён бўлади;

- мустақил фаоллик даражаси – репродуктив-изланиш характерда бўлган ишларни амалга ошириши, қийинлиги ўрта даражада бўлган масалани ўқитувчининг минимал ёрдамида ечади;

Ижодий фаоллик даражаси – ижодий тасаввурни, мантиқий таҳлилни, янги ечим йўлини ўйлаб топишни, мустақил исботни талаб қилувчи муаммоли масалаларни ечишни назарда тутади

Учинчи кичик модул

Д.Дьюи ғояларига асосланган ҳолда бошқа америкалик педагоглар У.Килпатрик ва Э.Коллингс **лойиҳавий таълимни** яратдилар.

Таълимда **лойиҳа** бу ўқитувчи томонидан махсус ташкилланган (лаборатория) шароитларида амалга ошириладиган **натижавий фаолиятдир**.

Муаммоли таълимдан лойиҳавий таълим талабалар фаолияти лойиҳавий характерга эгалиги, унинг якунида аниқ (амалий) натижа олиниши ва тақдим этилиши билан фарқланади.

Лойиҳавий таълим мақсадлари:

- Лойиҳавий фаолият, **лойиҳали тафаккурни** шакллантириш;
- Талабаларда билим олишга бўлган **мотивациясини** ошириш;
- Барча талабаларни **мустақил фаолият** билан машғул қилиш;
- Зарурий **маълумотларни** турли манбалардан **мустақил излаб** топиш ва ўзлаштиришга ўргатиш;
- Олдин шакллантирилган билимларни янги шароит, **янги масалаларни ечишда** қўллашга ўргатиш;
- билимларни ҳаётий вазиятларга нисбатан қўллаш кўникмаларни ривожлантириш;
- Ўқитувчи ва талабаларни танқидий ва ижодий тафаккур қобилиятларини ривожлантириш;
- Замонавий ҳаёт учун **зарур бўлган кўникмаларни** ривожлантириш:

- маъсулиятни ўз зиммасига олиш;
- ҳамкорликда қарор қабул қилиш;
- низоларни тинчлик йўли билан бартараф этиш;
- мустақил танловни амалга ошириш;
- узлуксиз таълим олиш кўникмаси.

Тадқиқот олиб бориш учун зарур бўлган кўникмаларни ривожлантириш.

Муҳим қоидалар:

- ❖ Инсонпарварлик ғоясига асосланиш;

- ❖ Лойиҳа мавзуси талабада шахсий қизиқиш ўйғотиши;
- ❖ Фаолиятли ёндашув;
- ❖ Талаба учун таълим жараёни унинг келажаги лойиҳасидир;
- ❖ Лойиҳа устида ишлашда индивидуал темпга амал қилиниши орқали барча талаба ўз ривожланиш даражасини эгаллайди;
- ❖ Муаммоларни ечишда ўқитувчи ва талабаларнинг ҳамкорлиги;
- ❖ Ўқув лойиҳаси ишланмасини яратишда мажмуили ёндашув (талабаларни ҳар томонлама ривожлантириш учун);
- ❖ Ҳам ўқитувчи ҳам талаба томонидан қандай иш ва нима мақсадда амалга оширилаётганлигининг аниқ англаниши. Билимларнинг чуқурлиги, англанганлигига уларни турли вазиятларда қўлланилиши орқали эришилади;
- ❖ Ўзгаларнинг фикрини ҳурмат қилиш;
- ❖ Натижа учун маъсулиятни таъминланилиши;
- ❖ Атрофдаги оламни билиш жараёни амалга оширилаётган лаборатория сифатида қабул қўллаш.

Педагогик технология асосида тузилган лойиҳалар бир неча турларга ажраладилар:

1. Лойиҳада, тадқиқот ва изланиш усуллари етакчилик қилса, **тадқиқотли** лойиҳа дейилади.
 2. Лойиҳада, билим эгаллаш усулига асосий ўрин берилган бўлса, **монолойиҳа** дейилади.
 3. Лойиҳанинг координацион характериға қараб, қатъий эгилувчан ва ёпиқ лойиҳалар мавжуд.
 4. Муносабатлар характериға қараб, бир гуруҳ, мактаб, бутун шаҳар, вилоят, мамлакат ва ҳалқаро деган типларға ажралади.
- Яна лойиҳага иштирок этувчилар сони ва унга сарф бўладиган вақтға қараб ҳам лойиҳа бир неча типларға бўлинади.

Тўртинчи кичик модул.

Лойиҳа устида иш олиб бориладиган асосий ҳудуд анъанавий аудиториялардан ташқари мустақил ишлаш учун ҳам жойларни ўз ичига олиш керак:

- етарли даражада хажмга эга бўлган кутубхона, аудиторияларда эса ҳар қандай вақтда талабалар фойдаланиши учун ҳозир бўлган маълумотномалар ва ўзини текшириш учун материаллар;
- эркин тажриба-синов ўтказиш учун лаборатория хоналари;
- турли маълумотлар базасидан фойдаланиш имкониятини берувчи компьютер;
- аудиторияларда қулай шаклда қўйилган мебель;

ўқув биноси ва аудиторияларда талабаларнинг индивидуал ва гуруҳли ишлари учун “бурчаклар”.

Фаолиятнинг баҳоланиши:

Талабалар лойиҳавий фаолиятини баҳолаш мезонлари қуйидагича:

- ✓ билиш фаолияти услубларини қўллаш олиши;
- ✓ турли ахборот манбалари, изланиш усулларида фойдалана олиши, символлар ёрдамида мазмунни ифода қилиш олиши;
- ✓ ҳамкорликда ишлаш олиш, ўзгаларнинг фикрини қабул қилиш, қийинчиликларга бардош бериш сифатларини шаклландириш;
- ✓ ўз-ўзини, ўз ишини ташкиллаш олиши: мақсад қўйиш олиши, режа тузиш ва уни амалга ошириш; рефлексияни амалга ошириш; мақсад ва ҳаракатни мувофиқлаштириш олиши.

Лойиҳавий таълимда тьютор (ўқитувчи, илмий раҳбар).

Тьютор талабага фақат лойиҳа мавзуси ва мақсадини аниқлаштириш босқичида ёрдам бериш билан чегараланиб қолмасдан, барча босқичларда ҳам кўмаклашиб боради:

▲ ўзи лойиҳавий фаолият, ушбу турдаги фаолият услуби ва технологияси бўйича маслаҳатлар бера олади;

▲ лойиҳа ташаббусқори бўлади, талабаларда билимга бўлган қизиқишни ўстиради, уларнинг иродасини тарбиялайди;

▲ янги материални ўрганишда ўз-ўзини ўқитиш йўллари нуманаларини кўрсади;

▲ талабага мустақил изланиш фаолиятини амалга оширишга ёрдам беради.

Бешинчи кичик модул

Педагогик ўйин оддий ўйиндан фарқли ўлароқ муҳим хусусиятга эга. Бу педагогик ўйиннинг аниқ мақсади ва шунга мос билишга йўналтирилган педагогик натижаларга эгаллиги.

Таълим оловчиларнинг фаоллигини оширишга йўналтирилаётган замонавий ўқитишда ўйин қуйидаги кўринишларда қўлланилади:

- ўқув фанининг тушунчаси, мавзуси ёки бўлимини ўзлаштириш йўлида мустақил педагогик технология сифатида (яъни, бунда бир бутун жараён айнан ўйинга асосланади);

- каттароқ технологиянинг таркибий қисми сифатида;

- бир машғулот технологияси ёки машғулот қисмида (кириш, тушунтириш, машқ, назорат);

- аудиториядан ташқари олиб бориладиган иш технологияси сифатида

Ўйинли усуллар мақсадлари.

Дидактик: дунёқарашни кенгайтириш, билиш фаолияти; билимларни амалиётда қўллаш; маълум кўникма ва малакаларни шакллантириш.

Тарбиявий: мустақиллик, иродани тарбиялаш; маълум муносабат, ахлоқий, эстетик йўналмаларни шакллантириш; ҳамкорлик, жамоа билан бирлашиш, мулоқотга киришувчанликни тарбиялаш.

Ривожлантирувчи: диққат, хотира, нутқ, тафаккур, таққослаш кўникмалари, эмпатия, рефлексия, оптимал ечимларини излаб топиш кўникмаларини, ўқув фаолиятига нисбатан мотивацияни ривожлантириш.

Ижтимоийлаштирувчи: жамият нормалари, кадриятларини сингдириш; муҳитга мослашиш; ўз-ўзини бошқариш; мулоқотга ўргатиш; психотерапия.

Машғулот жараёнида ўйин шакли *ўйин усуллари ва вазиятлари* орқали ташкилланади. Улар таълим олувчиларни ўқув жараёнига ундовчи восита вазифасини бажаради. Бунда таълимий мақсад ўйин масаласи сифатида қўйилади; ўқув фаолияти ўйин қоидаларига бўйсинади; ўқув материали ўйин воситаси сифатида қўлланилади; беллашув элементини олиб кирилади; дидактик масаланинг ечилиши ўйин натижаси билан боғланади.

Шакллари бўйича ўйинларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин: **байрамга асосланган ўйин; фольклорга асосланган ўйин; театр ўйинлари; ўйинли машқлар; ўйин-анкеталар, тестлар, саволликлар; интермедиялар; беллашув; сюрприз; карнавал; аукцион** ва бошқ.

Ўйин структураси қуйидаги босқичлардан иборат.

Мақсад қўйиш, режалаштириш, мақсадни амалга ошириш, натижалар таҳлили.

Ролли ўйин болага у олдин ўз тажрибасида тушмаган вазиятда, бошқа одам ўрнида бўлиб, кўришга ҳам шароит яратади. Бунда у янги ижтимоий муносабатларга киришади ва уларни ҳис этиб кўради. Ўйинда бола эркин бўлади, шериклари билан ҳамкорликда ҳаракат қилади.

Бизнес ўйин (ишбилармонлик ўйинлари) бу талабалар томонидан ишлаб чиқаришда учрайдиган турли ҳолатларда имитацияланган вазиятлар юзасидан қарорлар қабул қилинишига асосланган усулдир.

Имитацион ўйинлар. Машғулотда бирор-бир корхона, муассаса фаолияти имитация қилинади. Имитацион ўйин сценарийси воқеа сюжетдан ташқари имитация қилинаётган жараён ва объектларни таърифини ҳам ўз ичига олади.

Операцион ўйинлар махсус операцияларни бажариш малакаларини оширади. Ушбу ўйин шароитлари реал шароитга максимал яқинлаштирилган бўлади.

Роллар ижро этиш. Бу ўйинларда конкрет шахснинг ҳатти-ҳаракати, тактикаси, вазифани бажариши кўрсатилади ва устида иш олиб борилади.

Бизнес-театр. Берилган вазиятда инсоннинг ўзини қандай тутиши ўйин орқали ифодаланади.

2. ИККИНЧИ КАТТА МОДУЛНИНГ ИККИНЧИ ЎРТА МОДУЛ МАВЗУСИ: (Лаборатория) Талабалар фаолиятини фаоллаштириш ва интенсификациялашга асосланган таълим технологиялари

2.1. Лаборатория ўқув машғулоти мақсад

2.2.1-жадвал

Талабаларда иккинчи катта модул бўйича шаклланган билимларни чуқурлаштириш, мустаҳкамлаш ва жамоада ишлаш кўникмаларини ривожлантириш ҳамда педагогик жараёнга ижодий ёндашувни шакллантириш.

2.2. Лаборатория ўқув моғулоти режаси ва тури ва типи ҳамда унда қўлланиладиган педагогик услублар

2.2.2-жадвал

Маъруза машғулотининг режаси	1. Муаммоли таълим усули 2. Лойиҳавий таълим усули. 3. Ўйинли таълим усули.
Ўқув машғулотининг шакли	Ижодийлик хусусиятига эга лаборатория машғулоти.
<i>Таълим усуллари</i>	“Биргаликда ўрганамиз” (“Кооп-кооп”) усули, ижодий амалий иш.
Таълим воситалари	Гуруҳлар учун топшириқлар варқаси (тарқатма материаллар); ўқув-услубий қўлланма, ФЭТВ.
Таълим шакллари	Оммавий, гуруҳий.

Ўқитиш шароитлари	Кичик гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Ижодий амалий иш натижалари.

**2.3. Лаборатория машғулоти педагогик жараёнида
фойдаланиладиган ахборот технологиялари ва дидактик
материаллар ҳамда фаолият мазмуни**

2.2.3-жадвал

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1 - босқич. Ўқув Машғулотига кириш (10 дақ.)	<p>1.1.Мавзунинг номи, мақсад ва кутилаётган натижаларни етказди.</p> <p>1.2.Талабаларга “Биргаликда ўрганамиз” (“Кооп-кооп”) усули бўйича ишлаш тартибини эслатади ва маъруза машғулотида шакллантирилган гуруҳларни қайтадан шакллантиришларини сўрайди.</p>	<p>1.1.Тинглайдилар, аниқлаштирувчи саволлар беришлари мумкин.</p> <p>1.2. Тинглайдилар, кичик гуруҳларга бўлинадилар.</p>
2 – босқич Асосий (65 дақ.)	<p>2.1. Мавзу бўйича ижодий ишни ташкиллайди:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Гуруҳларга топшириқ варқаларини тарқатади (2.3.1-илова); - Топшириқни бажарилишини кузатиб боради, талабаларга маслаҳат беради; - Гуруҳлар ишларининг тақдимоти ва уларнинг муҳокамасини ташкиллайди; - Ишларни баҳолашни ташкиллайди. 	<p>2.1.Гуруҳга берилган топшириқни гуруҳларда бажарадилар;</p> <p>-Тақдимот ўтказадилар;</p> <p>-Рақиб гуруҳлар ишларини баҳолайдилар.</p>

<p>3 - босқич. Якуний (10 дақ.)</p>	<p>3.1. Рефлексия фаолиятини ташкиллайди – талабаларни машғулот натижасида уларда шаклланган билим, тасаввур, муносабатларни таҳлил қилишга ундайди; бажарилган вазифаларни мураккаблик даражаси нуқтаи назаридан муҳакама қилишларини ташкиллайди.</p> <p>3.2.Мавзу бўйича белгиланган мустақил таълим вазифасини тушунтиради.</p>	<p>3.1.Саволларга жавоб бериб, рефлексияни амалга оширадилар.</p> <p>3.2.Мустақил бажариш учун берилган вазифани ёзиб оладилар.</p>
---	---	---

2.3.1-илова

Гуруҳлар учун топшириқлар.

1-гуруҳга – Муаммоли таълим усули:

- мутахассисли фанингизга оид ихтиёрий танланган мавзунинг моҳиятини очиб беришга ёрдам берувчи муаммоли савол ёки муаммоли вазиятларни шакллантиринг; талабалар таклиф қиладиган йўлларни таҳмин қилиб кўринг ва ишингиз тақдимотини ўтказинг.

2-гуруҳга – Лойиҳавий таълим усули:

- мутахассисли фанингизга оид ихтиёрий танланган мавзу/мавзулардан келиб чиқиб, ўқув лойиҳаси концепциясини ишлаб чиқинг (лойиҳа номи, лойиҳа стратегияси, лойиҳани баҳолаш мезонлари). Ишингиз тақдимотини ўтказинг.

3-гуруҳга – Ўйинли таълим усули:

- мутахассисли фанингизга оид ихтиёрий танланган мавзу/мавзулардан келиб чиқиб таълимий ўйин сценарийсини ишлаб чиқинг (бунда ўйин номи, тури, қоидалари, юаҳолаш мезонларини аниқ кўрсатинг)ва ишингиз тақдимотини ўтказинг.

**III. УЧИНЧИ КАТТА МОДУЛНИНГ НОМИ – Таълим
жараёнини замонавий педагогик технология асосида ташкил
қилишда қўлланиладиган педагогик усуллар
(1 та маъруза ва 1 та лаборатория модули)**

**1. УЧИНЧИ КАТТА МОДУЛНИНГ БИРИНЧИ ЎРТА
МОДУЛ МАВЗУСИ: (Маъруза) Интерфаол усуллар ва уларнинг
тавсифи ва таълим жараёнини замонавий педагогик технология
асосида ташкил қилишда қўлланиладиган педагогик усуллар**

**1.1. Учунчи катта модул таркибидаги биринчи ўрта
модулнинг умумий мақсади**

3.1.1-жадвал

Талабаларга ўқитишни жадаллаштириш, интерфаоллик ғоялари, кичик гуруҳларда ишлашга оид маълумотларни, Д.Колб назарияси ғоясини, ушбу назарияга асосланган ҳолда машғулот стратегиясини, таълим жараёнида интерфаол ўқув фаолиятни шаллантиришнинг таълим натижасига бўлган аҳамиятини, таълим мазмунини ўрганиш, таҳлил қилиш, унинг асосида ҳулосалашга ўргатишнинг турли интерфаол йўллари, Кластер, Т-схема, Венн диаграмаси учулларининг мақсад ва моҳиятини, уларни қўллаш тартибини, ушбу усулларни талабалар билимларини кенгайтириш, мантиқий тафаккурини ривожлантириш учун бўлган аҳамиятини тушунтириш, шунингдек, таълим жараёнини таълимий муммога асослаб ташкиллашнинг ҳусусиятарини, “ақлий хужум” усулининг турлари, уларнинг ўртасидаги фарқ ва умумийликни, ушбу гуруҳ усуллари моҳиятини, “ақлий хужум” усулларининг турларини қўллаш маъқул бўлган таълимий муаммоларни шаклантира олишни ўргатиш.

**1.2. Биринчи ўрта модулнинг кичик модуллари номлари ва
мақсадлари**

3.1.2-жадвал

Т/р	Кичик модуллар номи	Кичик модулларнинг мақсадлари
1.	Интерфаол усул моҳияти.	Талабаларга интерфаол усуллар мавзусига оид асосий тушунчалар таърифларини, ушбу усуллар мақсадлари, асосий фарқловчи жиҳатларини, қўлланилиш

		тартибини ва талабалар ривожланишига интерфаол усуллар бўйича ишлашнинг кўрсатадиган таъсирни тушунтириш.
2.	Билим олувчиларни билим эгаллашларида “фаоллаштириш” тамойилига асосланган “Интерфаол усуллар” тавсифи	Талабаларга усулларининг мақсади, ўтказилиш тартибини, моҳиятини, уларни репродуктив таълим усуллари билан таққослай олишини, улар томонидан ушбу усулларни қўллашга мисоллар келтира олиш кўникмасини, уларнинг талабалар билимларини кенгайтириш, мантикий тафаккурини ривожлантириш учун бўлган аҳамиятини баҳолай олишини тушунтириш.
3.	Педагогик технология – замонавий ўзбек миллий моделини таълим-тарбия жараёнига қўллаш “дастпанжа” усули	Талабаларга Педагогик технология – замонавий ўзбек миллий моделини таълим-тарбия жараёнига қўллаш “дастпанжа”си усулини, педагогик технологиянинг “Ўзбек миллий Дастпанжа” усули асосида ўқув фанининг ўқув машғулотларини лойиҳасини яратишни билдириш.

1.3. Таянч тушунчалар ва улар асосида тузилган назорат саволлари

3.1.3-жадвал

Т/р	Таянч тушунчалар	Назорат саволлари
1.	Жадаллаштириш, интерфаол усул интерфаол стратегияси, қайтувчан алоқа, Д.Колб назарияси	<ol style="list-style-type: none"> 1. Таълим жараёнини жадаллаштириш деганда нимани тушунасиз? 2. Педагогик технологияга асосланган таълим жараёнида нималарга эришилади? 3. Интерфаол метод тушунчаси моҳияти нима? 4. Интерфаол стратегияси босқичлари тартибини айтиб беринг. 5. Д.Колб назариясини айтиб беринг.

2.	<p>Замонавий мутахссис, кичик гуруҳ, ўқитиш цикли, Кластер, “ақлий хужум”, «ИНСЕРТ», “Ёзма дебат”, Т-схема, Венн диаграммаси</p>	<p>1. Кичик гуруҳларда ишлашнинг умумий тартибини айтиб беринг 2. Тажриба воситасида ўқитиш циклининг моҳиятини очиб беринг 3. Тажриба воситасида ўқитиш цикли стратегияси омилларини санаб беринг. 4. Д.Колб назарияси бўйича фаолиятни ташкиллашга мисол келтиринг (муайян мавзунини ўрганиш бўйича). 5. Интерфаол технологиялар ва тажриба воситасида ўқитиш цикли стратегиясини ўзаро таққосланг.</p>
3.	<p>“Дастпанжа”, “Ўзбек миллий Дастпанжа” усули, “дастпанжа”нинг кафти, макро модул</p>	<p>1. Педагогик технология – замонавий ўзбек миллий моделини таълим-тарбия жараёнига қўллаш “дастпанжа” усулини тушунтириб беринг. 2. Педагогик технологиянинг “Ўзбек миллий Дастпанжа” усули асосида ўқув фанининг ўқув машғулотлари лойиҳаси қандай бўлади. 3. Макро ва микро модул деганда нимани тушунаси? 4. Ўрта ва кичик модул деганда нимани тушунаси? 5. Ўқув машғулотда бериладиган материалларни, ҳажми ва мазмунига қараб, кичик модулларга ажратиб, уларнинг мақсадлари ва уларга ажратилган вақт аниқлаб олиниши “дастпанжа”нинг қайси элементида берилди.</p>
<p align="center">Ўрганилган барча усулларни қуйидаги саволларга асосланган ҳолда таҳлил қилиб чиқинг</p>		
<p>1. Усул нима учун шундай номланган? 2. Усул мақсади ва моҳиятини очиб беринг.</p>		
<p>3. Усул стратегиясининг босқичлари тартибини айтиб беринг. 4. Мутахассислик фанигизни ўрганишда ушбу усулнинг қўлланилишини намоён қилувчи мисол тузинг.</p>		

Усуллар: Кластер, Т-схема, Венн диаграммаси, “6Х6Х6”, “Ақлий хужум”, Юмалоқланган қор ўйини, заковатли, зукко, “БББ”, «ИНСЕРТ», Зигзаг, икки қисмли кундалик, конференция дарси, семинар дарси, “Чалкашган мантикий занжир” усули, “Ёзма дебат”

1.4. Назорат саволлари асосида тузилган тест

3.1.4-жадвал

Т/р	Саволлар	Мумкин бўлган жавоблар	
1.	Таълим жараёнини жадаллаштириш деганда нимани тушунасиз?	1	Ортиқча куч сарфламасдан қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришиш
		2	Иқтидорли ўқувчилар учун эстернат тизимини жорий қилиш
		3	Таълим мазмунини қисқартириш
		4	Фақат ўқувчи ўзи танлаган фанларни ўқитиш
2.	ПТларни қўллаш натижасида эришиладиган натижалардан қайси бирида интерфаоллик ғояси акс эттирилган?	1	Педагогик фаолият самарадорлигининг ошиши
		2	Ўқувчиларнинг пухта билим олиши
		3	Ўқувчиларнинг ўз имкониятларини рўёбга чиқара олишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш
		4	Ўқитувчи ва таҳсил олувчилар ўтасида ўзаро ҳамкорликнинг қарор топиши
3.	Интерфаол стратегияси босқичлари тартиби қайси қаторда тўғри кўрсатилган?	1	Чақириқ – англаш – рефлексия
		2	англаш – чақириқ – яқунлаш
		3	англаш – рефлексия – яқунлаш
		4	Рефлексия – чақириқ – англаш
4.	Кластер усули асосида нима шакллантирилади?	1	Чизма, жадвал
		2	Тушунча, ғоялар мажмуи
		3	Тажриба, натижа
		4	Матн, модель
5.	Т-схема усули нимага асосланган?	1	Битта предмет/тушунчани ютуқ ва камчиликларини таҳлил қилишга
		2	Таълим объекти юзасидан баҳс – мунозара ўтказишга
		3	Тажриба-синов ишларини амалга

			оширишга
		4	Муаммони ҳал этишга
6.	Венн диаграммаси нимани ифодалайди?	1	Икки ёки кўпроқ предмет/тушунчаларнинг ўхшаш ва фарқли жihatларини
		2	Таълим объекти хусусиятларини
		3	Тажриба-синов ишларини натижаларини
		4	Муаммо ечимини
7.	6X6X6 усулининг афзаллиги нимада?	1	Битта гуруҳда олти нафар иштирокчи бўлгани
		2	Ўқувчилар эркин бўлгани
		3	Бир вақт ичида барча гуруҳлар фаолият олиб бориши
		4	Ҳар бир гуруҳ бошқа гуруҳлар ишлаб чиққан ғояга асосланган ҳолда янги ғояни шакллантира олади
8.	“Ақлий хужум” усулини қўллашдан асосий дидактик мақсад нима?	1	Ўқувчиларни муаммо бўйича кенг фикр юритишга ундаш
		2	Рақобат муҳитини шакллантириш
		3	Тўғри ечимни топиш
		4	Ўқувчиларни фаоллаштириш
9.	“Қарорлар шажараси” усули ташкилий жihatдан “ақлий хужум” усуллари билан фарқланади?	1	Ўқувчилар кичик гуруҳларга бўлинмайдилар
		2	Вақт қатъий белгиланмайди
		3	Ҳамма иштирокчилар битта муаммо устида ишламайдилар
		4	Фикрлар жадвал шаклида ташкилланади
10.	“Ёзма дебат” усулини қўллаш орқали эришиладиган асосий мақсад.	1	Матнни ўқувчилар мустақил ўрганиши
		2	Ўқувчиларда баҳслашиш маданияти, исботли фикрлаш кўникмасини шакллантириш
		3	Ўқувчилар ўртасида рақобатни кучайтириш
		4	Назарий маълумотларнинг амалий қўлланилиши

1.5. Дарс тури ва типи ҳамда унда қўлланиладиган педагогик услублар

3.1.5-жадвал

Ўқув машғулотининг шакли	Мутақил таълим элементлари киритилган маъруза машғулоти.
Таълим усуллари	Ахборотли маъруза, “Биргаликда ўрганамиз” (“Кооп-кооп”) усули, тест.
Таълим воситалари	Интерфаол усуллар тавсифи - гуруҳлар учун топшириқлар (тарқатма материаллар), ўқув-услубий қўлланма, баҳолаш варақаси, ФЁТВ, тест (слайд).
Таълим шакллари	Оммавий, гуруҳий, якка тартибда жамоавий.
Ўқитиш шароитлари	Гуруҳий ишлашга мўлжалланган, мультимедиа воситалари билан жиҳозланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Тест натижалари, гуруҳ ишида қатнашуви, гуруҳлар тақдимотлари.

1.6. Кичик модулларнинг педагогик жараёнида фойдаланиладиган ахборот-коммуникацион технологиялар ва дидактик материаллар

3.1.6-жадвал

Иш босқичи ва вақти	Фаолият мазмуни	
	таълим берувчи	таълим олувчилар
1 - босқич. Ўқув машғулотига кириш (10 дақ.)	1.1. Мавзунинг номи, мақсад ва кутилаётган натижаларни етказди. 1.2. Машғулот “Биргаликда ўрганамиз” усулига асосланишини эълон қилади ва талабаларни 5 та гуруҳларга ажратади.	1.1. Тинглайдилар, аниқлаштирувчи саволлар беришлари мумкин. 1.2. 5 та гуруҳга бўлинадилар.
2– босқич Асосий (65 дақ.)	2.1. Интерфаол усул моҳияти мавзусини очиб беради (1.6.1-илова - 3-катта модулнинг ўрта модули слайдлари) Маърузанинг биринчи кичик	2.1. Ахборотни тинглайдилар, муҳим маълумотларни ёзиб борадилар.

	<p>модули бўйича билимларни умумлаштириш ва мустаҳкамлаш ва назоратни амалга ошириш мақсадида тест ўтказди (1-4 тест) ва тест калитини тақдим қилиб, талабаларга ўз билимларини текшириши учун шароит яратади;</p>	
	<p>-Йўл қўйилган хатоларни аниқлаштиради ва уларни тўғрилаш бўйича фаолиятни ташкиллайди: тестни тўғри ечган талабаларга сўз беради, зарур ҳолатда ўзи қайтадан маълумотни тушунтиради.</p>	<p>- Тест ечадилар, тест калити ёрдамида ўз-ўзларини назорат қиладилар, хатолар устида ишлаш жараёнида катнашадилар.</p>
	<p>2.2. “Биргаликда ўрганамиз” (“Кооп-кооп”) усулини қўллаган ҳолда талабаларда мавзу бўйича билимларни шакллантиради: -1-гурухга Кластер, Т-схема, Венн диаграммаси; 2-гурухга – “6X6X6”, “Ақлий хужум”; 3-гурухга – Юмалоқланган қор ўйини, заковатли зукко, “БББ”; 4-гурухга - «ИНСЕРТ», Зигзаг, икки қисмли кундалик, конференция дарси, семинар дарси; 5-гурухга - “Чалкашган мантиқий занжир” усули, “Ёзма дебат” мавзуларини мустақил ўрганиш ва тақдим этиш топшириғини беради. -Гуруҳларни тарқатма материаллар, топшириқлар, баҳолаш варақаси билан таъминлайди;</p>	<p>2.2.Белгиланган тартибда (3-илова) назарий маълумотларни мустақил ўрганадилар ва кичик гуруҳларда тақдимот ўтказадилар.</p>

	<p>-Гуруҳлар тақдимотлариини ташкиллайди.</p> <p>-Гуруҳлар ишининг муҳокама-си ва баҳоланишини бошқаради.</p> <p>-Маъруза мавзуси бўйича билимларни умумлаштириш ва мустаҳкамлаш ва назоратни амалга ошириш мақсадида тест ўтказди (11-13 тест) ва тест калитини тақдим қилиб, талабаларга ўз билимларини текшириши учун шароит яратади;</p> <p>Йўл қўйилган хатоларни аниқлаштиради ва уларни тўғрилаш бўйича фаолиятни ташкиллайди: тестни тўғри ечган талабаларга сўз беради, зарур ҳолатда ўзи қайтадан маълумотни тушунтиради.</p>	<p>Тест ечадилар, тест калити ёрдамида ўз-ўзларини назорат қиладилар, хатолар устида ишлаш жараёнида катнашадилар.</p>
<p>3 - босқич. Якуний (10 дақ.)</p>	<p>3.1. Рефлексия фаолиятини ташкиллайди – талабаларни машғулот натижасида ўрганилган мавзу бўйича олган билим, тасаввур, муносабатларни таҳлил қилишга ундайди – Саволлар: -Таълим жараёнида интерфаол усулларни қўллаш таълим натижасига қандай таъсир кўрсатади?</p> <p>3.2.Мавзу бўйича мустақил таълим топшириқларини тушунтиради.</p>	<p>3.1.Саволларга жавоб бериб, рефлексияни амалга оширадилар.</p> <p>3.2.Мустақил таълим топшириқлари юзасидан саволлар берадилар.</p>

Интерфаол усуллар тавсифи.

Гуруҳлар учун топшириқлар.

1-гуруҳ:

- Берилган назарий маълумотлар билан танишиб чиқиб, Кластер, Т-схема, Венн диаграммаси усуллари тавсифини ўрганиб чиқинг;

- маълумотни таҳлил қилинг: мақсади, стратегияси, зарурий восита ва шарт-шароитлар;

- ҳар бир интерфаол усулни мутахассислик фанингизни ўқитишда қўлланилишини намоёиш қилувчи мисоллар тузинг;

- бажарган вазифангиз тақдимотини тайёрланг: 1-қисм – усул тавсифи; 2-қисм – мисол.

2-гуруҳга – Берилган назарий маълумотлар билан танишиб чиқиб, “6X6X6”, “Ақлий хужум” усуллари тавсифини ўрганиб чиқинг;

- маълумотни таҳлил қилинг: мақсади, стратегияси, зарурий восита ва шарт-шароитлар;

- ҳар бир интерфаол усулни мутахассислик фанингизни ўқитишда қўлланилишини намоёиш қилувчи мисоллар тузинг;

- бажарган вазифангиз тақдимотини тайёрланг: 1-қисм – усул тавсифи; 2-қисм – мисол.

3-гуруҳга – Берилган назарий маълумотлар билан танишиб чиқиб, Юмалоқланган қор ўйини, заковатли зукко, “БББ” усуллари тавсифини ўрганиб чиқинг;

- маълумотни таҳлил қилинг: мақсади, стратегияси, зарурий восита ва шарт-шароитлар;

- ҳар бир интерфаол усулни мутахассислик фанингизни ўқитишда қўлланилишини намоёиш қилувчи мисоллар тузинг;

- бажарган вазифангиз тақдимотини тайёрланг: 1-қисм – усул тавсифи; 2-қисм – мисол.

4-гуруҳга - Берилган назарий маълумотлар билан танишиб чиқиб, «ИНСЕРТ», Зигзаг, икки қисмли кундалик, конференция дарси, семинар дарси усуллари тавсифини ўрганиб чиқинг;

- маълумотни таҳлил қилинг: мақсади, стратегияси, зарурий восита ва шарт-шароитлар;

- ҳар бир интерфаол усулни мутахассислик фанингизни ўқитишда қўлланилишини намоёиш қилувчи мисоллар тузинг;

- бажарган вазифангиз тақдимотини тайёрланг: 1-қисм – усул тавсифи; 2-қисм – мисол.

5-гурӯҳга - Берилган назарий маълумотлар билан танишиб чиқиб, “Чалкашган мантиқий занжир” усули, “Ёзма дебат” усуллари тавсифини ўрганиб чиқинг;

- маълумотни таҳлил қилинг: мақсади, стратегияси, зарурий восита ва шарт-шароитлар;

- ҳар бир интерфаол усулни мутахассисли фанингизни ўқитишда қўлланилишини намоиш қилувчи мисоллар тузинг;

- бажарган вазифангиз тақдимотини тайёрланг: 1-қисм – усул тавсифи; 2-қисм – мисол.

Баҳолаш варақаси:

3.1.7-жадвал

Т/р	Гуруҳ тартиб рақами	Маълумотнинг тўлалиги (мах -5 балл)	Маълумотни аниқ ва тушунарли етказилиши (мах-5 балл)	Тақдимотга тайёрланган жиҳозларнинг мавжудлиги (мах-5)	Жами
	1-гурӯҳ				
	2-гурӯҳ				
	3-гурӯҳ				

1.7. Ўрта модулниң мазмунини ифода этувчи матн сценарийси

Биринчи кичик модуль

Замонавий таълимни ташкил этишга қўйиладиган муҳим талаблардан бири ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарф этмай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришишдир. Қисқа вақт орасида муайян назарий билимларни таҳсил олувчиларга етказиб бериш, уларда маълум фаолият юзасидан кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш, шунингдек, таҳсил олувчилар фаолиятини назорат қилиш, улар томонидан эгалланган билим, кўникма ҳамда малакалар даражасини баҳолаш ўқитувчидан юксак педагогик маҳорат ҳамда таълим жараёнига нисбатан янгича ёндашувни талаб этади.

Интерфаол усул моҳияти Қандай шакл, усул ва воситалар ёрдамида ташкил этилишидан қатъи назар педагогик технологиядир:

– педагогик фаолият (таълим-тарбия жараёнининг) самарадорлигини ошириш;

– ўқитувчи ва таҳсил олувчилар ўртасида ўзаро ҳамкорликни қарор топтириш;

– таҳсил олувчилар томонидан ўқув предметлари бўйича пухта билимларнинг эгалланишини таъминлаш;

– таҳсил олувчиларда мустақил, эркин ва ижодий фикрлаш кўникмаларини шакллантириш;

– таҳсил олувчиларнинг ўз имкониятларини рўёбга чиқара олишлари учун зарур шартшароитларни яратиш;

– педагогик жараёнда демократик ва инсонпарварлик ғояларининг устуворлигига эришишни кафолатлаши зарур.

– интерфаол ўқитиш бу субъект ва объектлараро **қайтувчан алоқа** яхши ташкилланган таълимдир. Бу *икки томонлама* ахборот алмашинувини назарда тутди.

В.В.Гузеев ахборот алмашинувини уч турга ажратади:

Экстраактив режим: ахборот оқими субъектдан объектга йўналтирилган, лекин объект “ичига” кириб бормасдан уни атрофида айланади. Талаба бунда пассив иштирокчидир. Бу режим маъруза, анъанавий ўқитишга ҳос бўлиб, таълим олувчида фаолликни шакллантирмайди.

Интраактив режим: ахборот оқими талаба ёки талабалар гуруҳига йўналтирилган ва уларнинг “ичида” содир бўлиб, уларнинг ақлий фаолиятини фаоллаштиради. Ушбу режим мустақил фаолиятга асосланган таълим технологияларига ҳос.

Интерфаол режим: бунда ахборот оқимлари талаба онгига сингиб киради ва уни фаоллика ундаб, қайтувчан ахборот оқимини вужудга келтиради (талабадан ўқитувчига). Шу тарзда ахборот оқими ўз йўналишини тартиб билан алмаштириб туради.

Интерфаол усуллар мақсадлари:

◆ Таълим олувчиларда кечаётган ақлий жараёнларни фаоллаштириш;

◆ талабада ички диалог кечиши;

◆ ахборотнинг тушунарли бўлишини таъминлаш;

◆ педагогик ҳамкорликни индивидуаллаштириш;

◆ талабани таълим субъекти позициясига чиқариш;

◆ талаблараро иккитомонлама алоқаларнинг ўрнатилишига эришиш.

Интерфаол усулда *ўқитувчининг асосий вазифаси* бу ахборот алмашинуви жараёнини йўналтириш ва унга кўмаклашишдир. Бунинг учун ўқитувчи:

- бир фактга нисбатан мавжуд бўлган турли муносабат, фикрларни аниқлайди;
- иштирокчиларнинг шахсий тажрибасига таянади;
- уларнинг фаоллигини таъминлайди;
- назария ва амалиётни ўзаро боғлайди;
- иштирокчиларнинг тажрибаси билан ўзаро алмашинувини таъминлайди;
- иштирокчиларнинг бир-бирини тушунишини таъминлайди;
- иштирокчиларда ижодкорликни рағбатлантиради.

Муҳим қоидалар:

- ❖ Ахборот пассив режимда эмас, фаол ўзлаштирилиши керак. Бу эса муаммоли вазиятлар, интерфаол цикллардан фойдаланишни назарда тутаяди;
- ❖ Интерфаол мулоқот ақлий ривожланишни стимуллаяди;
- ❖ Қайтувчан алоқа ўрнатилганида ахборот йўлловчи ва қабул қилувчи ўзаро роллар билан алмашадилар;
- ❖ Қайтувчан алоқа ахборот алманишувининг самарадорлигини оширишга ёрдам беради;
- ❖ Билимлар назорати уларни амалда, реал ҳолатда қўллаш кўникмасини назарда тутиши лозим.

Таҳсил олувчиларни гуруҳларга бўлиб ишлаш учун қуйидаги талабларга амал қилиш зарур:

1. Гуруҳларга ажратиш ўқитувчи томонидан амалга оширилади.
2. Ҳар бир гуруҳга раҳбар тайинланади.
3. Ҳар бир гуруҳдаги таҳсил олувчилар билим даражасининг тенг бўлишига эришиш керак.
4. Гуруҳ доира шаклида ўтириши лозим.
5. Иш жараёнида ҳар бир гуруҳнинг фаолиятига, ғояларига эътибор берилади.

Булардан ташқари гуруҳларга аниқ йўл-йўриқ кўрсатиш, топшириқларни бажариш учун етарли вақт ажратиш, кучли гуруҳларни рағбатлантириб бориш, ишнинг натижасини баҳолаш кабиларга ҳам аҳамият бериш муҳим ҳисобланади. Дарс жараёнида гуруҳ аъзоларини алмаштириб бориш ҳам мумкин.

Интерфаол усулнинг моҳияти таҳсил олувчиларнинг ижодкорлигига таяниш ва дарсда эркин баҳс-мунозара шароитини туғдиришдан иборатдир.

Иккинчи кичик модул

Интерфаол усулларнинг баъзиларига мисоллар келтирамиз.

Кластер

Ушбу усул талабаларга эркин фикрлаш, ғоялар ўртасидаги боғлиқликларни ўрнатиш, уларни гуруҳларга ажратишга имкон беради.

Ўтказилиш тартиби:

1 – қадам – асосий сўз ёки гап каттароқ қоғоз ёки доска ўртасига ёзилади;

2 – қадам – ушбу сўз талабалар онгида маълум ассоциацияларни шакллантиради;

3 – қадам - шаклланган ассоциацияларни англатувчи бу сўзлар асосий сўз атрофига ёзилади. Бунда улар ўртасидаги боғланишлар аниқланади.

Машғулотнинг *кириш* қисмида талабаларга ўрганиладиган мавзу бўйича 3-5 минут ичида бир неча сўз ёзиш ва уларни ўзаро мантиқий боғлаш таклиф қилинади. Бу уларни мавзуга олиб кириш, талабаларда мавзуга оид мавжуд билимларни аниқлаб олишга ёрдам беради.

Ўқитувчи томонидан *янги маълумотни берилиши* босқичида кластер янги маълумотнинг алоҳида қисмларини аниқлаш ва эслаб қолишга кўмаклашади.

Рефлексия босқичида талабалар уларга машғулот давомида учраган тушунчаларни ўзаро боғлаб гуруҳларга ажратади. Бу талабани мавзунини қандай ўзлаштирганлигидан далолат беради.

6x6x6»

«6x6x6» методи ёрдамида машғулотлар куйидаги тартибда ташкил этилади:

1. Машғулот бошланишидан олдин 6 та стол атрофига 6 тадан стул қўйиб чиқилади.

2. Таҳсил олувчилар ўқитувчи томонидан 6 та гуруҳга бўлинадилар. Таҳсил олувчиларни гуруҳларга бўлишда ўқитувчи куйидагича йўл тутиши мумкин: 6 та столнинг ҳар бирига муайян объект (масалан, кема, тўлқин, балиқ, дельфин, кит, акула) сурати чизилган лавҳани қўйиб чиқади. Машғулот иштирокчиларига кема, тўлқин, балиқ, дельфин, кит ҳамда акула сурати тасвирланган (жами 36 та) варақчалардан бирини олиш таклиф этилади. Ҳар бир таҳсил олувчи ўзи танлаган варақчада тасвирланган сурат билан номланувчи стол атрофига қўйилган стулдан жой эгаллайди.

3. Таҳсил олувчилар жойлашиб олганларидан сўнг ўқитувчи машғулот мавзусини эълон қилади ҳамда гуруҳларга муайян

топшириқларни беради. Маълум вақт белгиланиб, мунозара жараёни ташкил этилади.

4. Ўқитувчи гуруҳларнинг фаолиятини кузатиб боради, керакли ўринларда гуруҳ аъзоларига маслаҳатлар беради, йўл йўриқлар кўрсатади ҳамда гуруҳлар томонидан берилган топшириқларнинг тўғри ҳал этилганлигига ишонч ҳосил.

5. Мунозара учун белгиланган вақт ниҳоясига етгач, ўқитувчи гуруҳларни қайтадан шакллантиради. Янгидан шаклланган ҳар бир гуруҳда аввалги 6 та гуруҳнинг ҳар биридан бир нафар вакил бўлишига алоҳида эътибор қаратилади. Таҳсил олувчилар ўз ўринларини алмаштириб олганларидан сўнг белгиланган вақт ичида гуруҳ аъзолари аввалги гуруҳларига топширилган вазифа ва унинг ечими хусусида гуруҳдошларига сўзлаб берадилар. Шу тартибда янгидан шаклланган гуруҳ аввалги гуруҳлар томонидан қабул қилинган хулосалар (топшириқ ечимлари)ни муҳокама қиладилар ва якуний хулосага келадилар. қилганидан сўнг, гуруҳлардан мунозараларни яқунлашларини сўрайди.

«6х6х6» методининг афзаллик жиҳатлари қуйидагилардир:

- гуруҳларнинг ҳар бир аъзосини фаол бўлишга ундайди;
- улар томонидан шахсий қарашларнинг ифода этилишини таъминлайди;
- гуруҳнинг бошқа аъзоларининг фикрларини тинглай олиш кўникмаларини ҳосил қилади;
- илгари сурилаётган бир неча фикрни умумлаштира олиш, шунингдек, ўз фикрини ҳимоя қилишга ўргатади.

Юмалоқланган қор ўйини.

Ушбу метод ҳам мавзуни муайян қисмларга бўлган ҳолда ўзлаштириш имконини беради ҳамда таҳсил олувчиларда гуруҳ ва жуфтликда ишлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади. Методни қўллаш жараёнида қуйидаги ҳаракатлар амалга оширилади:

- тасвири қарточкалар тайёрланади;
- уларнинг орқа томонига мавзуни ўзлаштиришга оид ўн беш вариантдан иборат топшириқлар ёзилади;
- синф таҳсил олувчилари икки ёки уч гуруҳга бўлинадилар (гуруҳларни ҳосил қилишда тасвири қарточкалардан фойдаланилади);
- ҳар бир гуруҳ аъзолари бир нечта жуфтликларга бириктириладилар;
- ҳар бир жуфтлик бир вариантдаги топшириқни бажаради;

– жараён якунида умумий хулосалар чиқарилади.

«Юмалоқланган қор ўйини» методидан муайян бўлим ёки боблар бўйича ўзлаштирилган назарий ва амалий билимларни мустаҳкамлаш мақсадида фойдаланиш ниҳоятда қулай.

Зиг-заг

Ушбу ҳамкорликда ўқитиш усули талабаларга оз вақт мобайнида жуда кўп ўқув маълумотни етказишга имкон беради. Ушбу усул мақсади табаларда - Ижтимоий (коммуникатив) кўникмаларни; аналитик, синтетик кўникмаларни (биринчи даражали ғояларни ажратиш, ўзаро боғлиқлар мавжудлиги, тақризлаш кўникмалари ва хоказолар); тақдирот қилиш кўникмаларини ривожлантириш.

1 қадам - Маълумотни (материални) мантиқий тугалланган қисмларга бўлинг (4-6 қисм).

2 қадам - Тайёрланган материал қисмлар сонига мос ҳолда 4-6 кишидан иборат бўлган гуруҳ тузинг (4 қисм бўлса 4 та талабали, 6 қисм бўлса 6 та талабали). Ушбу гуруҳлар “ЎЗ гуруҳлар” деб номланади. Ҳар бир гуруҳ аъзоси матннинг маълум бир қисми номерига мос тартиб рақамини олади –

1-гуруҳда: №1, №2, №3, №4, №5, №6;

2-гуруҳда: №1, №2, №3, №4, №5, №6 (ва х.к.).

3 қадам - Ўқиш учун берилган материални тарқатинг (тартиб рақамига мос ҳолда).

4 қадам - **ЭКСПЕРТ** гуруҳларини шакллантиринг (тузинг). Бир хил номерли (рақамли) талабалар бир гуруҳга “экспертлар” гуруҳга бирлашадилар. Ушбу гуруҳларда улар матннинг тегишли қисмини ўрганиб чиқадилар ва унинг мазмунини “ЎЗ” гуруҳида етказиш, тушунтириб бериш йўллари танлайдилар.

5 қадам - Талабалар “ЎЗ” гуруҳларига қайтиб боришади ва ўзлаштирилган маълумотлар билан ўзаро алмашинадилар. «Эксперт» вазифаси ўзи масъул бўлган матн қисмини ҳар бир гуруҳдошига сифатли етказиб бериш. Натижада ҳар бир гуруҳ аъзоси матн билан тўлиқ танишиб чиқади.

6 қадам - Талабалар томоиндан берилган матнни ўзлаштириш даражасини аниқлаш ва баҳолаш.

Икки қисмли кундалик

Икки қисмли кундалик бу матн мазмунини текшириш, шахсий тажрибаси билан боғлаш ва ўқиб чиққан материалга ўз муносабатини ёзма равишда ифодалаш имкониятини берадиган оддий ва эффектив усулдир.

1 қадам - Дафтар варағи ўртадан тенг икки қисмга бўлинади.

2 қадам - Варақнинг чап томонига талаба унда катта таъсурот қолдирган, унга кўпроқ ёққан ёки ўйлантирган, унинг тасавурида маълум ассоциацияларни вужудга келтирган цитаталарни (ёки муаллиф ғояларини) ёзиб қўяди.

3 қадам - Варақнинг ўнг қисмига талаба танланган цитата орқали унинг онгида шаклланган фикр, берилган ғояга муносабат, ҳулосасини шарҳ (изоҳ) сифатида ёзиб қўяди, шу билан у ўқиган маълумотга ўзининг шахсий қарашларини ифодалайди (шу тариқа бир неча цитата кўриб чиқилади).

Шарҳ ўз ичига қуйидаги саволларга жавобни олиши мумкин:

■ Нима сабабдан улар матннинг шу қисмини танладилар?

Нима сабабдан матннинг айнан шу қисми уларда катта таассурот қолдирди?

Бу маълумот уларда қандай ижобий ёки салбий фикрларни вужудга келтирди?

Ўрганилаётган мавзу билан боғлиқ қандай саволлар ёки муаммолар туғилди?

4 қадам - Стратегиянинг якуний қисмида ўқувчилар жуфтликларда ишлайдилар, бажарган ишларини таҳлил қиладилар, бир-бирларининг ишларидаги ютуқларни белгилайдилар.

“Чалкашган мантиқий занжир”

Ушбу усул ҳодисанинг сабаб-натижа боғланишларини ўрганишда қўлланилади.

Ўтказилиш тартиби: Талабалар эътиборига ўрганиладиган фактлар (жараёнлар, ҳодисалар) тўплами сабаб-натижа ёки хронологик тартиби бузилган ҳолда берилади. Вазифа: уларни тартиб билан жойлаштириш. Фактларни ўзаро боғлаш учун талабалар қўшимча сўзларни қўллаб матн ҳам тузишлари мумкин.

Мисол: инновацион педагогика, замонавий мутахассис, психология фанининг сўнги ютуқлари, ахборотлар ҳажмининг кескин ўсиши.

Учинчи кичик модул

Ўқув машғулотларини педагогик технология ёрдамида амалга оширишда, уларда иштирок этадиган элементларни ўзаро функционал боғлиқликда эканлигини кўрсатувчи, рамзий кўринишини “дастпанжа” деб атадик. Уни 2-расмда кўриш мумкин.

Кўриб турганимиздек, “дастпанжа”нинг бутунлик ҳолати муайян бир фаннинг битта ўқув машғулотини, яъни битта дарсини, ПТ тили

билан айтганда, битта ўрта модулини ифода этган. Унинг **биринчи** рақамли элементида, яъни “дастпанжа”нинг кафтда, шу машғулотда бериладиган материалларни, хажми ва мазмунига қараб, кичик модулларга ажратиб, уларнинг мақсадлари ва уларга ажратилган вақт аниқлаб олиниши кўрсатилган. **Иккинчи** рақамли элементи орқали, яъни “дастпанжа”нинг “бошмалдоқ”ида, ҳар бир кичик модулда бериладиган билимлар тизими ичидан таянч тушинчалар ажратиб олиниб, шу тушунчалар асосида назорат саволлари ва бу саволлар асосида тест ёки бошқа назорат шакллари тузулиши лозимлиги кўриниб турибди. **Учинчи** рақамли элементи, “дастпанж”анинг “қорамалдоғ”ида, ҳар бир кичик модулда қўлланиладиган дарс тури ва типи белгиланиши айён. **Тўртинчи** элементи, “дастпанжа”нинг “ўрта терак” бармоғида, ҳар бир кичик модулда қўлланиладиган педагогик услублар кўрсатилади. **Бешинчи** рақамли элементи, “кичик мерак”да, ҳар бир кичик модулда фойдаланиладиган ахборот технологиялар ифода этилади. **Олтинчи** рақам остидаги “дастпанжа”нинг “жимжилоғи” орқали, ҳар бир кичик модулда фойдаланиладиган дидактик материалларнинг тури ва жойлари кўрсатилиши ифодаланган. “Дастпанжа”нинг **еттинчи** рақамли элементи, яъни “билаг”ида, педагогик технологиянинг бошқа бешта элементида режалаштирилган ҳаракатлар “кафт”, яъни мақсадлар орқали бирикиб, уларда кўрсатилган нарсаларни, яъни муайян ўқув машғулотида бериладиган материалларни қайси кичик модулларда, қайси таянч тушунчаларни, қандай дарс тури ва типи ёрдамида, қандай услублар қўллаб туриб, қайси ахборот технологиялар ва дидактик материаллардан қандай қилиб фойдаланиш йўллари ёзилган дарс сценарийси ифодаланган бўлади. Бунда, ўқув жараёнида иштирок этадиган барча куч ва воситалар ўзаро синтезлашиб бир бутиунликни, яъни дарс деган мажмуни ташкил қилади.

Педагогик технология – замонавий ўзбек миллий моделини таълим-тарбия жараёнига қўллаш “дастпанжа”си **усулини яратишда, ҳаммага маълум бўлган усулларнинг энг яхши томонлари олиниб, ПТ тамойиллари бўйича ўқув машғулотларини лойиҳалашда ва уларни амалиётда қўллашда, бу усулларнинг мақомини ўзгартирдик ва шу номлар остида, уларни услуб деб қабул қилдик. Демакки, аввалги усулларнинг яхши томонлари олиниб, уларни педагогик технологияда услуб (русчада педагогик приём) ўрнида қўлланилди.**

Педагогик технологиянинг “Ўзбек миллий Дастпанжа”
моделли



2-расм

2. УЧИНЧИ КАТТА МОДУЛНИНГ ИККИНЧИ ЎРТА МОДУЛ МАВЗУСИ: (Лаборатория) Таълим жараёнини замонавий педагогик технология асосида ташкил қилишда қўлланиладиган педагогик усуллар

2.1. Лаборатория ўқув машғулоти мақсад

3.2.1-жадвал

Талабаларда интерфаол усуллари моҳияти, турлари, уларни танлаш, қўлланилиш тартиби ҳақидаги билимларини чуқурлаштириш, мустаҳкамлаш ва жамоада ишлаш кўникмаларини ривожлантириш, ўқитувчилик фаолиятига масъулият билан ёндашишни тарбиялаш ҳамда педагогик жараёнга ижодий ёндашувни шакллантириш.

2.2. Лаборатория ўқув моғулоти режаси ва тури ва типи ҳамда унда қўлланиладиган педагогик услублар

3.2.2-жадвал

Машғулотининг режаси	<ol style="list-style-type: none"> 1. Кластер, Т-схема, Венн диаграммаси; 2. “6X6X6”, “Ақлий хужум”; 3. Юмалоқланган қор ўйини, заковатли зукко, “БББ”; 4. «ИНСЕРТ», Зигзаг, икки қисмли кундалик, конференция дарси, семинар дарси; 5. “Чалкашган мантиқий занжир” усули, “Ёзма дебат”. 6. Педагогик технология – замонавий ўзбек миллий моделини таълим-тарбия жараёнига қўллаш “дастпанжа”си усули асосида ўқув машғулотларни лойиҳалаш.
Ўқув машғулотининг шакли	Ижодийлик хусусиятига эга лаборатория машғулоти.
Таълим усуллари	“Биргаликда ўрганамиз” (“Кооп-кооп”) усули, ижодий амалий иш.
Таълим воситалари	Гуруҳлар учун топшириқлар варақаси (тарқатма материаллар); топшириқлар бериш схемаси, ўқув-услубий қўлланма, ФЁТВ.
Таълим шакллари	Оммавий, гуруҳий, жамоавий.
Ўқитиш	Кичик гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган,

шароитлари	мультимедиа воситалари мавжуд аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Ижодий амалий иш натижалари.

**2.3. Лаборатория машғулоти педагогик жараёнида
фойдаланиладиган ахборот технологиялари ва дидактик
материаллар ҳамда фаолият мазмуни**

3.2.3 -жадвал

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	таълим берувчи	таълим олувчилар
1 - босқич. Ўқув Машғулоти- га кириш (10 дақ.)	<p>1.1.Мавзунинг номи, мақсад ва кутилаётган натижаларни эълон қилади.</p> <p>1.2.Талабаларга аввалги маъруза машғулотида шакллантирилган гуруҳларда ишлаш ражалаштирилганлигини маълум қилиб, уларни 5-гуруҳга бўлинишини ташкиллайди. сўрайди.</p>	<p>1.1.Тинглайдилар, аниқлаштирувчи саволлар беришлари мумкин.</p> <p>1.2. Тинглайдилар, кичик гуруҳларга бўлинадилар.</p>
2 – босқич Асосий (65 дақ.)	<p>2.1. Мавзу бўйича ижодий ишни ташкиллайди:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Гуруҳларга топширик варқаларини тарқатади (2.3.1-илова); - Топширикни бажарилишини кузатиб боради, талабаларга маслаҳат беради; 	<p>2.1.Гуруҳга берилган топширикни гуруҳларда бажарадилар;</p> <p>-Тақдимот ўтказадилар;</p>
	<ul style="list-style-type: none"> - Гуруҳлар ишларининг тақдими ва уларнинг муҳокамасини ташкиллайди; - Ишларни баҳолашни ташкиллайди. 	<p>-Рақиб гуруҳлар ишларини баҳолайдилар.</p>

<p>3 - босқич. Якуний (10 дақ.)</p>	<p>3.1. Рефлексия фаолиятини ташкиллайди – талабаларни машғулот натижасида уларда шаклланган билим, тасаввур, муносабатларни таҳлил қилишга ундайди; бажарилган вазифаларни мураккаблик даражаси нуқтаи назаридан муҳакама қилишларини ташкиллайди.</p> <p>3.2. Мавзу бўйича белгиланган мустақил таълим вазифасини тушунтиради (“Мустақил таълим мавзулари ва масмуни” жадвали (2-илова).</p>	<p>3.1. Саволларга жавоб бериб, рефлексияни амалга оширадилар.</p> <p>3.2. Мустақил бажариш учун берилган вазифани ёзиб оладилар.</p>
---	--	---

2.3.1-илова

Топшириқлар варақаси.

1.Қуйидаги схемага мос ҳолда “рақиб” гуруҳга мутахассисликка оид ёки тарбиявий аҳамиятга эга 3-та мавзу таклиф қилинг.

2. “Рақиб” гуруҳга ушбу мавзунини ўрганишда самарали қўлланилиши мумкин бўлган интерфаол усулларни аниқлаш топшириғини беринг.

3.Сизнинг гуруҳингизга берилган мавзу номи билан танишинг ва уни ўрганишда самарали қўлланилиши мумкин бўлган интерфаол усулларни гуруҳда муҳакама қилинг ва аниқланг.

4. Интерфаол усулни қўллаш натижасида яратиладиган жадвал/матн/схемани қоғозда ифодаланг.

5.Гуруҳ иши тақдимотини ўтказинг.

6. Гуруҳингиз берган топшириқ бўйича бажарилган ишни таҳлил қилинг ва баҳоланг – бунда усулнинг таълим мақсади, мавзу мазмун-моҳиятига мослиги, ундаги ички боғланишларни акс эттира олишига эътибор беринг .

7.Берилган баҳони оғзаки асослаб беринг.

**IV. ТЎРТИНЧИ КАТТА МОДУЛНИНГ НОМИ – Ўқув
материалини дидактик такомиллаштириш ва
реконструкциялаш асосидаги таълим технологиялари
(1 та маъруза ва 1 та лаборатория модуллари)**

**1. ТЎРТИНЧИ КАТТА МОДУЛНИНГ БИРИНЧИ ЎРТА
МОДУЛ МАВЗУСИ: (Маъруза) Интеграллашган таълим
технологиялари ва модулли таълим технологияси**

**1.1. Тўртинчи катта модул таркибидаги биринчи ўрта
модулнинг умумий мақсади**

4.1.1-жадвал

Талабаларда жамият, фаннинг ҳозирги ривожланиш босқичида ахборотнинг тутган ўрни, таълим мазмунини шакллантиришга замонавий ёндашув, таълим жараёнида таълим мазмуни ва унга киритилган маълумотни таҳсил олувчида ҳосил қилишда ўқув воситаларнинг роли, модулли таълим технологияси билан таништириш, уларда таълим мазмунини реконструкция қилиш кўникмаларини ривожлантириш, шунингдек, уларда мустақил билим олиш учун ҳамда катта ҳажмдаги маълумотларни ўрганиш ва реконструкция қилиш учун зарур бўлган сифатларни шакллантириш ва таълим мазмунини реконструкция қилишда муҳим аҳамият касб этадиган мантиқий тафаккур, ижодкорлик ва тадқиқот олиб бориш кўникмаларини ривожлантириш

**1.2. Биринчи ўрта модулнинг кичик модуллари номлари ва
мақсадлари**

4.1.2-жадвал

Т/р	Кичик модуллар номи	Кичик модулларнинг мақсади
1.	ДТС, ўқув режа ва фан дастури ҳамда интеграллашган таълим технологиялари	Талабаларга таълим мақсадига эришишда таълим мазмунининг тутган ўрнини, ҳозирги даврда таълим мазмунини танлаш, ташкиллаш масалаларини эътибор марказига қўйилиши сабабларини, бу соҳада олиб борилаётган ишларни ва интеграллашган таълим мақсади, моҳиятини тушунтириш.
2.	Интеграллашган	Талабаларга “интеграллашган курс”

	курсни ташкиллаш ва амалга ошириш йўллари.	тузилишининг аосий жиҳатларини, интеграллашган курсга қўйиладиган талабларни, мисол тариқасида муайян интеграллашган курс дастурини туза олишни ва уни изоҳлаб бера олишни ўргатиш.
3.	Блокли ўқитиш.	Талабаларга кейинги пайтларда таълим мазмунига кирувчи маълумотларни ташкиллашга янгича ёндашувларни пайдо бўлиши сабабларини тўғри кўрсата олишни, “ўқув блоки” тушунчаси, блокли ўқитиш дастури тузилмасига кирувчи элементларни ва матнни блоklarга ажрата олишни ўргатиш.
4	Модулли таълим.	Талабаларга “ўқув модули” тушунчасига тўғри таъриф бера олишни, ўқув модули тузилмасига кирувчи элементларни санаб бера олишни, модул даражаларини изоҳлаб бера олишни, блокли ўқитиш ҳамда модулли таълимни ўзаро таққослай олишни ва мутахассислик фанидан ўқув машғулотлар лойиҳаларини туза олишни ўргатиш.

1.3. Таянч тушунчалар ва улар асосида тузилган назорат саволлари

4.1.3-жадвал

Т/р	Таянч тушунчалар	Назорат саволлари
1.	Таълим мазмуни, интеграллашган таълим, “интеграллашган курс”, ДТС, ўқув режа, ўқув дастури.	<p>1. Таълим мазмунини ташкиллаш (танлаш, чегаралаш, тизимлаш)да тузувчи қандай муаммоларга дуч келади?</p> <p>2. Фандаги маълумотларнинг тезкорлик билан янгиланиб бориши, уларнинг ҳажмини тобора кўпайиб бориши таъсири нимада намоён бўлади?</p> <p>3. Мутахассислик фанингиздан ДТС таҳлил қилиб беринг.</p>

		<p>4. Мутахассислик фанингиздан тузилган ўқув дастурларни таҳлил қилинг ва сизнинг назарингизда уларда учраган камчиликларни кўрсатинг.</p> <p>5. Ўқув режадаги фанларнинг интеграллашган курси деганда нимани тушунасиз?</p>
2.	Модернизациялаш стратегияси, интеграция, интеграллашган бутунлик тамойили	<p>1. Таълим мазмунини модернизациялаш учун ўзбек олимлари қандай йўлларни таклиф қилмоқдалар?</p> <p>2. Интеграция сўзининг таърифини беринг Таълим жараёнида фанлараро боғланишларни амалга ошириш қандай натижа беради?</p> <p>3. <i>Интеграллашган ўқув курси</i> тушунчасига таъриф беринг.</p> <p>2. Интеграллашган курсларига қўйиладиган талабларни санаб беринг.</p> <p>4. Интеграллашган курс мазмунини танлашда бутунлик тамойили нимани англатади?</p> <p>5. Мутахассислик фанингиз хусусиятидан келиб чиқиб, интеграллашган курс мавзуларини тузиб чиқинг</p>
3.	“Ўқув блоки”, блокли ўқитиш	<p>1. “Ўқув блоки” тушунчаси нимани англатади?</p> <p>2. Блокли ўқитиш мақсади нима?</p> <p>3. Блокли ўқитишда ўқув дастурининг компонентларини тўғри кетма-кетликда санаб беринг.</p> <p>4. Мутахассислик фанингиз мазмунига таянган ҳолда маълум бир матнни блокларга ажратиб чиқинг, уларни тўғри ажратилганлигини асосланг.</p> <p>5. Блокли ўқитиш қандай амалга оширилади?</p> <p>6. Блокли ўқитишда ўқув дастурининг компонентларини тўғри кетма-кетликда санаб беринг.</p>

		7. Модулли таълим ва блоккли ўқитишларни ўзаро таққосланг.
4.	Модул, ўқув модули, модул элементлари, ўқув машғулот лойиҳаси	<p>1. Модулли таълим нима мақсадларда қўлланилади? Ўқув модули элементларини тўғри кетма-кетликда санаб беринг.</p> <p>2. Блокларга ажратган матнингиз асосида модул харитасини яратинг.</p> <p>3. Мутахассислик фанингиз мазмунига таянган ҳолда маълум бир маттни блокларга ажратиб чиқинг, уларни тўғри ажратилганлигини асосланг.</p> <p>4. “Ўқув модули” тушунчасига таъриф беринг.</p> <p>5. Модулли таълим нима мақсадларда қўлланилади?</p> <p>6. Ўқув модули элементларини тўғри кетма-кетликда санаб беринг</p> <p>7. Модул курси мазмуни ҳажми, мураккаблиги нуқтаи назардан қайси даражаларга бўлинади?</p> <p>8. Модулли таълим ва блоккли ўқитишларни ўзаро таққосланг. Блокларга ажратган матнингиз асосида модуль харитасини яратинг.</p> <p>9. Мутахассислик фани ўқув машғулотларини лойиҳаланг.</p>

1.4. Назорат саволлари асосида тузилган тест

4.1.4 -жадвал

Т/р	Саволлар	Мумкин бўлган жавоблар	
1	Таълим жараёнида фанлараро боғланишларни амалга ошириш қандай натижа беради?	1	Таҳсил олувчиларнинг билим олишларини осонлаштиради
		2	Фаол усулларни қўллаш учун шароит яратиб беради
		3	Таълим мазмунини янгилайди
		4	Таҳсил олувчи онгида дунёнинг яхлит образи шаклланади

2	Таълим соҳасида интеграция тушунчасига изох беринг	1	таълим мазмунини тез-тез ўзгартириб бориш
		2	фанлар, ўқув предметлари, бир ўқув предметининг бўлимлари, ҳар хил ўқув предметлар мавзулари ўртасидаги табиий ўзаро боғланиш
		3	ахборотларни янгилаш
		4	таълим мазмунини амалийлигини таъминлаш
3	Интеграллашган курс мазмунини танлашда бутунлик тамойили нимани англатади?	1	Интеграллашган курс мавзулари ўз ичига яқунланган маълумотни олиши
		2	Таълим мазмунига барча мавжуд маълумотларнинг киритилиши
		3	Интеграллашган курс мазмунини тузишда асос сифатида курснинг ўрганиш объекти умумий бир объект бўлади.
		4	Ўқув курсига киритилган мавзуларнинг ўзаро боғлиқлиги.
4.	“Интеграция” сўзи нима маънони англатади?	1.	(лот.integratio – тиклаш, тўлдириш деган сўзлардан олинган) қандайдир қисмлар, бўлакларни бир бутун яхлит ҳолга келтириб бирлаштириш деган маънони англатади.
		2.	лот.integratio – тиклаш, тўлдириш деган сўзлардан олинган.
		3.	лот.integratio – майда бўлакларга бўлиш деган сўзлардан олинган.
		4.	лот.integratio – қисмлар, бўлакларни бирлаштириш деган маънони англатади.
5.	Интеграллашган курс ўзи нима ?	1.	Бу малакавий талабларнинг у ёки бошқа қисмларига эга бўлишни таъминловчи, ягона тизим шаклида вужудга келувчи ўзаро алоқадор ўқув фанлари (предметлар) бўйича турли билим, кўникма ва

			малакаларни ўрганишни бирлаштирувчи ўқув курсидир
		2.	Интеграллашган (муаммоли-йўналтирилган) курс.
		3.	Қисмлар, бўлақларни бир бутун яхлит ҳолга келтириб бирлаштирилган курс.
		4.	1 ва 2 лари тўғри.
<p>Таянч тушунчалар ва улар асосида тузилган назорат саволларини баҳолаш турлари фан хусусиятидан келиб чиққан ҳолда сўровлар, оғзаки савол-жавоб, ёзма иш, имтиҳон синовлари ёки бошқа назорат шакллариغا айлантирилиши мумкин.</p>			

1.5. Дарс тури ва типи ҳамда унда қўлланиладиган педагогик услублар

4.1.5-жадвал

Ўқув машғулотининг шакли	Мутақил таълим элементларига асосланган маъруза машғулоти.
Маъруза машғулотининг режаси	1. Интеграллашган таълим технологиялари. 2. Интеграллашган курсни ташкиллаш ва амалга ошириш йўллари. 3. Блокли ўқитиш. 4. Модулли таълим.
<i>Таълим усуллари</i>	Модулли таълим, қиёсий таҳлил.
Таълим воситалари	Талабалар ўқув фаолияти тартиби (модуль картаси) – тарқатма материал; ўқув-услубий қўлланма, таҳлил жадвали, ФЁТВ.
Таълим шакллари	Оммавий, гуруҳий, яқка тартибда, жуфтликда, жамоавий.
Ўқитиш шароитлари	Оддий аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Модулда кўрсатилган барча топшириқлар натижалари.

**1.6. Кичик модулларнинг педагогик жараёнида
фойдаланиладиган ахборот-коммуникацион
технологиялар ва дидактик материаллар**

4.1.6-жадвал

Иш босқичи ва вақти	Ўқув жараёни	
	таълим берувчи	таълим олувчилар
1 - босқич. Ўқув машғулотига кириш (10 дақ.)	1.1.Мавзунинг номи, мақсад ва кутилаётган натижаларни эълон қилади. Машғулот модулли таълим технология- си асосида ўтказилишини етказди ва модуль картаси бўйича ишлашни тушунтиради.	1.1.Тинглайдилар, аниқлаштирувчи саволлар беришлари мумкин.
2 – босқич Асосий (65 дақ.)	2.1. Талабаларнинг мустақил фаолиятини кузатиб боради. 2.2. Модул картасига мувофиқ ҳолда назоратни амалга ошириб боради.	2.1.Модуль карталари билан танишиб чиқадилар. 2.2.Модуль картаси- даги кўрсатмалар асосида ўқув фаолиятини олиб борадилар.
3 - босқич. Яқуний (10 дақ.)	3.1. Рефлексия фаолиятини жамоавий шаклда ташқиллайди – модулли таълим технологиясини ўқитувчи ва таҳсил олувчи нуқтаи назаридан баҳолаш (1.6.1-илова).	3.1.Жадвал тўлдириш- да иштирок этадилар.

1.6.1-илова

Таҳлил жадвали (мисол)

Модулли таълим технологияси			
Ўқитувчи нуқтаи назаридан		Таҳсил олувчи нуқтаи назаридан	
1	Таълим жараёнида кам	1	Таълим жараёнида кўп энергия

	энергия сарфлаши		сарфлаши (мустақил таълим олиш кучли ақлий зўриқишни талаб қилади)
2	Асосий фаолият тури – назорат	2	Асосий фаолият тури – таълимий вазифа ва топшириқларни бажариш
3	...	3	...

1.7. Ўрта модулнинг мазмунини ифода этувчи матн сценарийси

Биринчи кичик модул

Ривожланган мамлакатларда касбий таълимнинг (шу билан бирга олий таълимнинг ҳам) асосий мақсади рақобатбардош товарлар чиқариш ва барча даражадаги малакали кадрларни тайёрлаш орқали рақобатбардош хизмат кўрсатишдан иборатдир.

Узлуксиз таълим тизимининг кўпгина аспектларини белгилаб берувчи муҳим элементлардан бири, бу – Давлат таълим стандартидир (ДТС). У ўзида таълим йўналишлари (бакалаврият) ёки мутахассисликларнинг (магистратура) умумий таснифини (характеристикасини), тайёргарлик даражасига, касбий-таълим дастурлар тузилмаси ва мазмунига, унинг амалга оширилиши, кадрлар тайёрлаш сифатининг назорати ва бошқаларга бўлган талабларни акслантирувчи кўпқиррали конструкцияни мужассам этади.

Таълим стандарти таълимнинг мақсади ва қадрини, унинг мазмуни ва натижаларини (тайёргарлик даражасига бўлган талабларни), касбий-таълим дастурининг асосий таснифи (характеристикаси), таълим жараёнининг шаклий тузилмасини, унинг мақсадга эришиш даражасининг босқичма-босқич ва якуний ташҳисланишига мўлжалланган ҳажмий ва вақт бўйича тузилмаси, таълим ва билимлилик даражасини аниқлаб беради.

ДТС ларини самарали тарзда амалга ошириш муаммосини ҳал этишда **тизимли ёндошувдан** фойдаланиш зарур. Барча шароитлар йиғиндиси уларнинг ўзаро алоқалари ва ўзаро таъсирларида таъминланиши лозим.

Ўқув режаси – ўрганилаётган фанлар рўйхатидир, ва шу билан бирга мантиқий кетма-кетликда (хар доим **оптимал** эмас) жойлашувидир.

Бошқача қилиб айтганда, бундай ўқув режа кўпроқ ячейкалар бўйича сараланган қурилиш материаллари «омборхонаси»ни эслатади (бизнинг ҳолда курс ва семестрлар бўйича жойлаштирилган ўқув фанлари «омборхонаси»). Унда **кадрлар тайёрлаш сифатининг салоҳиятига (потенциалига)** салмоқли таъсир қилувчи фанлараро алоқалар тўлалигича инобатга олинмайди. *Фанлараро тўсиқлар* талабага предметларнинг ўзаро алоқаларини кўриш ва тушунишга, шунингдек келгуси касбий фаолиятда уларнинг ўрни ва ролини аниқлашга имкон бермайди, ҳаётда эса унинг ўқишга бўлган қизиқишини камайтиради.

Кўрсатилган камчилик **интеграллашган (муаммоли-ориентирланган) курслар** тўпламидан ташкил топган ўқув режаларида бартараф этилади.

Фан тараққиёти, мутахассисларга ишлаб чиқариш, жамият томонидан қўйилаётган талабаларнинг ўсиб бориши ўқув материалининг кескин кўпайиб боришига олиб келмоқда.

Ўқув режасида ортиқча ўқув юкламаларининг миқдорини камайтириш, яъни такрор ва адекват ўқув материалларини интеграллаштиришга эришишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Таълим мазмунида фанлараро алоқадорликни танлаш ўқувчиларнинг моддий борлиқни **яхлит тасаввур** этишлари учун қулай шарт-шароит яратади. Таълим мазмунида ўқувчини ривожлантиришга хизмат қиладиган ахборотларни тақдим этиш натижасида қуйидаги педагогик имкониятлар яратилади:

- таълим мазмунининг **яхлит модел** сифатида намоён булиши;
- таълим мазмунининг **ахборотлилиги** таъминланиши;
- таълим мазмунида **амалий натижаларнинг** яққол ифодаланиши;
- таълим мазмунидан мураккаб назарий тушунчаларнинг тез ажратиб олинаниши;

- ўқувчи ўзлаштириши зарур бўлган билимлар йиғиндисининг яхлит ифодаланиши [52].

Интеграция (лот.integratio – тиклаш, тўлдириш деган сўзлардан олинган) қандайдир қисмлар, бўлақларни бир бутун яхлит ҳолга келтириб бирлаштириш деган маънони англатади.

Таълимда “интеграция” бу **фанлар, ўқув предметлари, бир ўқув предметининг бўлимлари, ҳар хил ўқув предметлари мавзулари** ўртасидаги **табiiй ўзаро боғланишдир**. Таъкидлаш жоизки, анъанавий ўқув режаларида ноаниқ расмийлаштирилган интеграллашган курслар мавжуд

бўлиб, натижалари фанлар туркуми, курс лойиҳалари ва битирув малакавий ишлар бўйича комплекс имтиҳонлар кўринишида тақдим этилади.

Интеграллашган курс ўзи нима? – Бу малакавий талабларнинг у ёки бошқа қисмларига эга бўлишни таъминловчи, ягона тизим шаклида вужудга келувчи ўзаро алоқадор ўқув фанлари (предметлар) бўйича турли билимлар, ўқув ва кўникмаларни ўрганишни бирлаштирувчи ўқув курсидир.

Интеграллашган курслар умумий дастурига кўра ундаги фанлар ўртасидаги мазмунлари бўйича деярли барча алоқалар ўрнатилади.

Ундан ташқари у:

- турдош фанлардаги ўқув материалларининг такрорланишларини бартараф қилишга (таълим мазмунидаги узвийлик принципи амалга оширилади) ва, бундан келиб чиқадики, ўқув вақтини тежашга;

- навбатдаги ўқув материални ўзлаштириш (узилишдан кейин) сифатига таъсир этадиган, интеграллашган курс ўқув материалининг мантиқий занжиридаги узилишларни бартараф этишга имкон беради.

Иккинчидан, интеграллашган курс нафақат ундаги ўқув фанлари ўртасидаги, балки у ёки бу фанларнинг бўлимлари ўртасида вақтинчалик алоқаларни яна ҳам аниқроқ белгилашга имкон беради. Уйғунлаштирилган курс фани ёки ўқув режасидаги унинг бўлимлари, улар уйғунлаштирилган курс мазмунининг мантиғи бўйича талаб қилинадиган вақтда белгиланади, яъни «қошиқ тушлик пайтида кадрли» принципи кабидир. Масалан, «Олий математика» фанининг «Математик статистика» бўлими олдин ўрганиш керак бўлган ёки ҳеч бўлмаса шу ёки бошқа интеграллашган курсларнинг айнан шу математик аппарат фойдаланиладиган бошқа фанлари билан бирга параллел равишда ўқитилиши керак. Графалар, матрицалар ва шунга ўхшашларни топологик моделлар фойдаланиладиган фанлардан олдин ўрганиш лозим. Бундай ёндошувда интеграллашган курслар фанлари интеграллашган курсларни ўрганиш мантиғига мос ҳолда семестрлар бўйича бўлимларга (ёки модулларга) бўлиниши мумкин.

Учинчидан, интеграллашган курслар ўқитишда тизимли-яхлит ёндошувни амалга оширишга ва билимнинг тарқоқ тизимини ўрганишдан, таълим олувчиларнинг ўзлари тарқоқ билимларни «тартибга келтирадиган» ҳолдан, маълум тарзда шакллантирилган билим тизимини ўрганиш ҳолатига ўтишга имкон беради.

Интеграллашган курслар таълим олувчининг тизимли фикрлашини шакллантиришга, ўқув-тарбиявий жараёнда тизимли ёндошувни қўллашга имкон беради. Бундай қувватли ишчи ускуна (инструмент) ёрдамида мустаҳкам интеграллашган билим шакллантирилади.

Интеграллашган курслардан ташкил топган ўқув режасини, уларни ташкил этувчи элементларнинг барча ўзаро боғлиқликлари ҳисобга олинган функционал блоklarдан иборат уй қурилиш режаси билан таққослаш мумкин. Оддийга ўхшайди! Бироқ таълим дастурларини тизим шаклидаги интеграллашган курсларга ажратиш, Давлат таълим стандартлари ва ўқув режаларини тузувчисидан юқори малакани, фанлараро дастурлар ярата олиш қобилиятни талаб қилувчи анчагина мураккаб илмий-услубий масаладир.

Иккинчи кичик модул

Интеграллашган курсни ташкиллаш ва амалга ошириш йўллари

Интеграллашган курсларга қўйиладиган талаблар:

1. Ўқув материалнинг илмийлиги;
2. Материалнинг ўқувчилар ёшига мослиги;
3. Ўқув муассасаси жойлашган ҳудуд шароитларини инобатга олиш;
4. Умумий (фақат бир фан билан чегараланмаган) кўникмаларни шакллантиришга хизмат қилувчи материалнинг мавжудлиги;
5. Изланиш усулларини қўллашга имконият яратувчи материаллар;
6. Мазмун танлашда ўқув муассасаси мақсадларидан келиб чиқиш;
7. Интеграллашган курсда ҳам вертикал интеграция (фан ичидаги мавзулар) горизонтал (параллел бериладиган ҳар хил фанлар) интеграциянинг қўлланилиши.

Интеграллашган курс мақсадлари:

1. Таълим олувчиларни муайян фанларнинг асосий ҳодиса ва фактлари билан таништириш.
2. Таснифлаш, табиий ҳодисаларни ўлчаш бўйича кўникмаларни шакллантириш.
3. Илмий интуицияни ривожлантириш.
4. Курс мазмунига фаннинг сўнги ютуқларини киритиш.
5. Таълим олувчилар учун энг қизиқарли бўлган материални батафсил ўрганиш.
6. Билимларни тафаккур тузилмалари билан интеграциялаш.

7. Фанлараро боғлиқликларга алоҳида эътибор қаратиш.
8. Таълимнинг ҳаёт билан боғланишини кучайтириш.
9. У ёки бу фаннинг устуворлигини эътиборга олиш.
10. Фанни ўрганишнинг чуқурлигини табақалаштириш.

Қатор хорижий давлатларда иқтисодиёт, ижтимоий-гуманитар ҳамда табиий фанлар буйича интеграллашган курслар мавжуд, масалан: Инсон ва табиат, Инсон ва олам, Инсон ва техника, Инсон инсонлар орасида, компьютер технологиялари ва тасвирий санъат; экологик психология; информатика, она тили ва адабиёт; табиат ва меҳнат; физика ва астрономия, психология ва адабиёт.

Учинчи кичик модул

Блок шаклида. Маълум бир жихатдан (ўхшашлиги, жойлашуви, ҳажми, вазифаси ва ҳоказо) келиб чиқиб бирлаштирилган **ўқув материалнинг бир қисми** ўқув материал блоки деб номланади. Блок ҳажми бир абзацдан бир бўлимгача ва ҳаттоки бир фандан бир неча ўқув фанларни ўз ичига олиши мумкин.

Блокли ўқитиш ўқув материални блоklarга бўлиш асосида амалга оширилади. Бу талабаларга турли хил ақлий вазифаларни англаган ҳолда бажаришга ва ўқув масалаларини ечишда ўзлаштирилган билим ва кўникмаларни қўллашга имконият яратади. Бундай ўқув дастур куйидаги кетма-кетликдаги блоklarга ажратилади:

- ахборот блоки;
- тестли-ахборотли блок (ўзлаштирилган маълумотни текшириш);
- коррекция-ахборотли блок (ногўғри жавоб беирлган бўлса қўшимча тушунтириш, маслаҳат ва машқлар);
- қўллаш блоки – олинган билимлар асосида вазифалар бажариш;
- назорат ва коррекция блоки.

Тўртинчи модул

Модул – педагогик технологияни ташкил қилувчи таркибий бўлақларни ифода этувчи тушунча. Бу таркибий бўлақлар, яъни модуллар энг кичик модуллардан ҳамда уларнинг турли миқдордаги тўпламларидан иборат бўлади. Бунда энг кичик таркибий бўлақни энг кичик модул, бошқаларини эса ўз ичига қанча шундай модулни олишига қараб ўрта ва катта модуллар деб аталди. Модулли ўқитиш усули, мажмули ёндашувни ифодалайди.

Модулли ўқитишда блокли ўқитиш ғоялари ривож топган бўлиб, унда талаба модуллардан ташкилланган ўқув дастури бўйича таълим олади.

Ўқув модули деб ўқув курсининг нисбатан мустақил бўлган қисми ва унга бириктирилган услубий материалларга айтилади.

Ўқув материали + услубий материал

Модул қуйидаги элементлардан ташкил топади:

- аниқ шакллантирилган ўқув мақсади;
- ахборот банки: ўқув дастурлари, матн шаклидаги ўқув материали;
- материални ўзлаштириш бўйича услубий тавсиялар;
- зарурий кўникмаларни шакллантириш учун амалий машғулотлар;
- жихоз, асбоблар, материаллар мажмуаси;
- берилган модулда қўйилган мақсадларга қатъий мос бўлган диагностик вазифа.

ПТ ўзининг илмий асосланган равон тамойиллари ва бажарилиши шарт бўлган муайян вазифаларига суянади.

Педагогик технология тамойиллари асосида ўқув машғулотини лойиҳалашда қуйидаги вазифалар амалга оширилади:

1. Ўқув фанини бир бутунликда “макро модул” деб қабул қилиб, унда бериладиган материалларнинг ҳажми ва мазмунидан келиб чиқиб, – “катта”, “ўрта” ва “кичик” модулларга ажратилади, сўнг, уларнинг мақсад ва мақсадчалари ҳамда уларга ажратилган вақт белгиланади.

2. Ҳар бир кичик модул ёрдамида бериладиган билимлар тизими ичидан таянч тушунчалар ажратилади.

3. Таянч тушунчалар асосида назорат саволлари тузилиб, талабалар билим ва кўникмаларини баҳолаш тур ва мезонлари белгиланади.

4. Ўқув машғулотларининг ҳар бир кичик модулида қўлланиладиган дарс тури ва типи аниқланиб олинади.

5. Ҳар бир кичик модулда қўлланиладиган педагогик услублар аниқланиб, жойлари топиб қўйилади.

6. Таълим муассасида мавжуд ахборот технологиялардан ҳамда ҳар бир кичик модулдаги ўқув машғулотининг характеридан келиб чиқиб, ўқув машғулотини амалга оширишда фойдаланиладиган ахборот технологияларнинг қўлланиш жойлари белгиланади.

7. Ўқув машғулоти жараёнида, ҳар бир кичик модулда фойдаланиладиган дидактик материалларнинг тури ва жойи аниқланади.

**2. ТҮРТИНЧИ КАТТА МОДУЛНИНГ ИККИНЧИ ЎРТА
МОДУЛ МАВЗУСИ: (Лаборатория) Ўқув материални дидактик
такомиллаштириш ва реконструкциялаш асосидаги
таълим технологиялари**

2.1 Лаборатория ўқув машғулоти мақсади

4.2.1-жадвал

Талабаларда таълим мазмунини тўғри ташкиллаш кўникмаларини шакллантириш ва жамоада ишлаш кўникмаларини ривожлантириш ҳамда педагогик жараёнга ижодий ёндашувни, мантақий тафаккурни ривожлантириш.

**2.2. Лаборатория ўқув моғулоти режаси ва тури ва типи ҳамда
унда қўлланиладиган педагогик услублар**

4.2.2-жадвал

Машғулотининг режаси	1.Интеграллашган таълим технологиялари. 2.Модулли таълим.
Ўқув машғулотининг шакли	Ижодийлик хусусиятига эга лаборатория машғулоти.
Таълим усуллари	Ижодий маълий иш.
Таълим воситалари	Интеграллашган таълим технологияси бўйича топшириқ, Модулли таълим технологияси бўйича топшириқ, баҳолаш варақаси – барчаси тарқатма материал, ўқув-услубий қўлланма, ФЁТВ.
Таълим шакллари	Оммавий, гуруҳий, жамоавий.
Ўқитиш шароитлари	Кичик гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Ижодий амалий иш натижалари.

**2.3. Лаборатория машғулоти педагогик жараёнида
фойдаланиладиган ахборот технологиялари ва дидактик
материаллар ҳамда фаолият мазмуни**

4.2.3 -жадвал

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	таълим берувчи	таълим олувчилар
1 - босқич. Ўқув Машғуло- тига кириш (10 дақ.)	<p>1.1. Мавзунинг номи, мақсад ва кутилаётган натижаларни эълон қилади.</p> <p>1.2.Талабаларга фаолият лойиҳавий таълим технологияси асосида ташкилланишини эълон қилади ва 4-5 кишидан иборат ихтиёрий гуруҳларни ташкиллашни айтади.</p>	<p>1.1.Тинглайдилар, аниқлаштирувчи саволлар беришлари мумкин.</p> <p>1.2. Тинглайдилар, кичик гуруҳларга бўлинадилар.</p>
2 – босқич Асосий (65 дақ.)	<p>2.1. Интеграллашган таълим технологияси мавзуси бўйича ижодий ишни ташкиллайди:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Гуруҳларга топширик варқаларини тарқатади (2.3.1-илова); - Топширикни бажарилишини кузатиб боради, талабаларга маслаҳат беради; - Гуруҳлар ишларининг тақдими ва уларнинг муҳокамасини ташкиллайди; - Ишларни баҳолашни ташкиллайди. 	<p>2.1.Гуруҳга берилган топширикни гуруҳларда бажарадилар;</p> <ul style="list-style-type: none"> -Тақдимот ўтказадилар; -Рақиб гуруҳлар ишларини баҳолайдилар.

	<p>2.2.Модулли таълим технологияси мавзуси бўйича ижодий ишни ташкиллайди:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Гуруҳларга топшириқ варқаларини тарқатади (2.3.2-илова); - Топшириқни бажарилишини кузатиб боради, талабаларга маслаҳат беради; - Гуруҳлар ишларининг тақдими ва уларнинг муҳокамасини ташкиллайди; - Ишларни баҳолашни ташкиллайди. 	<p>2.2.Гуруҳга берилган топшириқни гуруҳларда бажарадилар;</p> <ul style="list-style-type: none"> -Тақдимот ўтказадилар; -Рақиб гуруҳлар ишларини баҳолайдилар.
3 - босқич. Якуний (10 дақ.)	<p>1. Рефлексия фаолиятини ташкиллайди – талабаларни машғулот натижасида уларда шаклланган билим, тасаввур, муносабатларни таҳлил қилишга ундайди; бажарилган</p>	<p>3.1.Саволларга жавоб бериб, рефлексияни амалга оширадилар.</p>
	<p>3 Вазифаларни мураккаблик даражаси нуқтаи назаридан муҳокама қилишларини ташкиллайди.</p> <p>3.2.Мавзу бўйича белгиланган мустақил таълим вазифасини тушунтиради (“Мустақил таълим мавзулари ва масмуни” жадвали (2-илова).</p>	<p>3.2.Мустақил бажариш учун берилган вазифани ёзиб оладилар.</p>

2.3.1-илова

Интеграллашган таълим технологияси бўйича топшириқ.

1. Мутахассислигингизга оид фанлардан ўзаро боғлиқликда бўлган фанларни танланг (фан бошқа соҳага оид бўлиши ҳам мумкин).

2. Танланган фанлар мазмунини таҳлил қилинг ва уларнинг “боғланиш нуқталарини” аниқланг.

3. Аниқланган “боғланиш нуқталари”га таянган ҳолда интеграллашган курс дастури моделини тузинг.

4. Дастурлар тақдимотиға тайёрланинг:

- интеграллашган курс дастурини катта хажмдаги қоғозга ёзинг;
- дастурга киритилган ҳар бир пунктни асосланг (оғзаки).

5. Дастур тақдимотини ўтказинг, бошқа гуруҳ аъзолари берган саволларга жавоб бериб, ўз фикрингизни исботлашга ҳаракат қилинг.

6. Бошқа гуруҳлар тақдимотини кунт билан тингланг, саволлар беринг, тақдимотларини баҳоланг.

2.3.2-илова

Модулли ўқитиш усули бўйича топшириқ.

1. Мутахассислигингизга оид бирор фан мавзусини танланг.

2. Намунадан фойдаланган ҳолда танланган мавзу асосида талабалар мустақил фаолиятини ташкиллашни таъминловчи модуль ишланмасини тузинг:

- маълумотни мантиқий қисмларга ажратинг;
- маълумотнинг ҳар бир қисми хусусиятидан келиб чиқиб, топшириқлар тузинг, уларни бажаришга вақт белгиланг;
- модуль картасини катта хажмдаги қоғозга туширинг;

3. Тақдимот ўтказинг, саволларга жавоб беринг;

- бошқа гуруҳлар тақдимотини кунт билан тингланг, саволлар беринг, тақдимотларини баҳоланг.

4. Бошқа гуруҳлар тақдимотини кунт билан тингланг ва саволлар беринг.

5. Гуруҳлар тақдимотини баҳоланг.

**V. БЕШИНЧИ КАТТА МОДУЛНИНГ НОМИ – Ўқув
машғулотларини лойиҳалаштириш
(1 та маъруза ва 1 та лаборатория модули)**

**1-§. БЕШИНЧИ КАТТА МОДУЛНИНГ БИРИНЧИ ЎРТА
МОДУЛ МАВЗУСИ: (Маъруза) Ўқув машғулотларини
лойиҳалаштириш**

**1.1. Бешинчи катта модул таркибидаги биринчи ўрта
модулнинг мақсади**

5.1.1-жадвал

<p>Талабаларда педагогик жараёни лойиҳалашнинг моҳияти, таълимга технологик ёнлашувда педагогик мақсад, педагогик вазифа, педагогик ташҳис ҳақида тасаввур ҳосил қилиш, педагогик мақсадларга самарали эришиш учун педагогик лойиҳалашнинг аҳамиятини англаб етишига эришишга ўргатиш шунингдек, уларда таълим жараёнини лойиҳалаш қонуниятларини, тамойиллари, назорат жараёнини лойиҳалаш ҳақида билимларни, таълим жараёнини лойиҳалаш босқичлари, бунда ўқитувчининг вазифалари, таълим жараёнини лойиҳалаш стратегияси ҳақида били ва кўникмаларни шакллантириш.</p>

1.2. Кичик модуллар номлари ва мақсадлари

5.1.2-жадвал

Т/р	Кичик модуллар номи	Кичик модулларнинг мақсади
1.	Педагогик жараёни лойиҳалашнинг моҳияти	Талабаларга педагогик жараёни лойиҳалаш фаолияти тушунчасини, унинг мақсади, моҳиятини, педагогик лойиҳалашда педагогик мақсадлар, педагогик вазифаларни тўғри аниқлаш аҳамиятини ва педагогик ташҳис, олдиндан кўра болиш, педагогик фаолият мазмуни моҳиятини тушунтириш.
2.	Таълим жараёнини лойиҳалаш тамойиллари	Талабаларга таълим жараёнини технологиялаштириш босқичларини, ҳар бир босқичда амалга ошириладиган фаолият мазмунини, таълим жараёнини лойиҳалаш қонуниятлари,

		тамойилларини, таълим жараёнига технологик ёндашувнинг таркибий қисмларини, уларнинг мазмун моҳиятини ва таълим жараёнини технологиялаштиришда унинг қонуниятларини билиш ва тамаойилларига амал қилиш аҳамиятини тушунтириш.
3.	Таълим жараёнини лойиҳалаш босқичлари ва таълим жараёнини лойиҳалаш стратегияси	Талабаларга муайян ўқув машғулоти жараёнининг лойиҳасини ишлаб чиқиш босқичларини, уларни амалга оширишга доир маълумотларни шарҳлаб бера олишни ўргатиш шунингдек, уларда лойиҳалаш стратегияси тушунчаси таърифини, лойиҳалаш стратегиялари турларини, уларнинг ўзига хосликларини ва муайян ўқув машғулоти лойиҳасини ярата олиш кўникмасини шакллантириш.
4.	Узлуксиз таълим жараёнида ўқитиладиган “Педагогика” ўқув фанининг битта ўқув машғулотининг лойиҳасини тузиш	Талабаларга “Педагогика” фанидаги битта ўқув машғулотининг лойиҳасини тузиш йўлини кўрсатиб бериш ва узлуксиз таълим жараёнида ўқитиладиган “Педагогика” ўқув фанининг битта ўқув машғулотининг лойиҳасини андаза сифатида қараб, талабаларга ўзларининг мутахассисликлари бўйича ўқитиладиган фаннинг ўқув машғулотлари лойиҳасини тузиш кўникмасини ҳосил қилиш.

1.3. Таянч тушунчалар ва улар асосида тузилган назорат саволлари

5.1.3-жадвал

Т/р	Таянч тушунчалар	Назорат саволлари
1.	Жараённи лойиҳалаш, педагогик ташхис, олдиндан кўра билиш,	1. Педагогик жараённи лойиҳалаш тушунчасига таъриф беринг, унинг мақсади, моҳиятини очиқ беринг. 2. Педагогик вазифалар нимадан келиб чиқиб тузилади?

	<p>лойиха → мазмун → фаолият</p>	<p>2. Педагогик вазифаларни тўғри аниқланишининг аҳамиятини баҳоланг.</p> <p>3. Ташхис тушунчасининг маъноси нима?</p> <p>4. Педагогик ташхиснинг ўзига хослиги, мақсади.</p> <p>5. Педагогик ташхис турларини санаб беринг.</p> <p>6. Нима учун ўқитувчи таълим натижаларини олдиндан кўра билиши лозим?</p> <p>7. Олдиндан кўра билиш нимада намоён бўлади?</p>
2.	<p>Лойиҳалаш қонуниятлари, лойиҳалаш тамойиллари, педагогик фаолият мазмуни, технологиялаштириш босқичлари,</p>	<p>1. Ўқув маълумотларни лойиҳалаш нима учун муҳим?</p> <p>2. Таълим мазмунига қандай талаблар қўйилади?</p> <p>3. Таълим жараёнини технологиялаштириш босқичларини санаб беринг.</p> <p>4. Таълим жараёнини лойиҳалаш қонуниятларини санаб беринг ва мазмун, моҳиятини очиб беринг.</p> <p>5. Таълим жараёнига технологик ёндашувнинг таркибий қисмларини санаб беринг, уларнинг аҳамиятини асослаб беринг.</p>
3.	<p>Технологик ёндашувнинг таркибий қисмлари, лойиҳалаш стратегияси, чизиқли стратегия.</p>	<p>1. Таълим жараёнини лойиҳалаш тамойилларини санаб беринг.</p> <p>2. Ҳар бир тамойил мазмун, моҳиятини очиб беринг.</p> <p>3. Муайян ўқув машғулоти жараёнининг лойиҳасини ишлаб чиқиш босқичларини санаб беринг.</p> <p>4. Ҳар бир босқичнинг мақсадини кўрсатинг, уларни амалга оширишда муҳим омилларни аниқланг.</p> <p>5. Лойиҳалаш стратегияси таърифини келтиринг.</p>

		<p>6. Лойиҳалаш стратегиялари турларини санаб беринг ва уларнинг ўзига хослигини аниқланг.</p> <p>7. Муайян ўқув машғулоти лойиҳасини ишлаб чиқинг.</p>
4.	Узлуксиз таълим, ўқув машғулотининг лойиҳаси, катта модул, ўрта модул ва кичик модул	<p>1. Узлуксиз таълим деганда нимани тушунасиз?</p> <p>2. Ўқув машғулотининг лойиҳаси билан дарс лойиҳасининг фарқи борми?</p> <p>3. Ўқув машғулотининг лойиҳаси бўйича андозани келтириб беринг.</p> <p>4. Мутахассислик бўйича ўқитиладиган фаннинг ўқув машғулотлари лойиҳасини тузиш учун нима қилиш керак.</p> <p>5. Катта модул, ўрта модул ва кичик модуллар қандай тузилади?</p>

1.4. Назорат саволлари асосида тузилган тест

5.1.4-жадвал

Т/р	Саволлар	Мумкин бўлган жавоблар	
1.	Педагогик жараёни лойиҳалаш тушунчасига тўғри таъриф қайси қаторда берилган?	1	Лойиҳавий таълим технологияси стратегиясини яратиш
		2	Таълим жараёнини педагогик-психологик қонуниятларга асосланиб ташкиллаш
		3	Педагогик фаолиятнинг умумий моҳиятини яхлит ифодалашга хизмат қилувчи лойиҳани яратиш.
		4	Педагогик технологиянинг амалдаги кўриниши
2.	Лойиҳа нима?	1	Амалга ошиши фарз қилинаётган бўлажак ҳодиса образи
		2	Бирор бир предмет макети
		3	Фаолият давомида яқунланмаган маҳсулот
		4	Инсонлар ҳамкорлигида ясалган объект
	Машғулот	1	Конспект

	лойихаси кўпинча қандай кўринишда ифодаланади?	2	Режа
		3	Дастур
		4	Кенгайтирилган технологик харита
3.	Педагогик ташхис тушунчаси таърифи қайси қаторда тўғри берилган?	1	Таҳсил олувчилар фаолиятини ташкиллаш
		2	Таълим жараёни мақсадларини белгилаш
		3	Педагогик жараёни ... яхлит текшириш орқали баҳолаш
		4	Таълим воситаларини таҳсил олувчиларнинг қобилиятларини инобатга олган ҳолда танлаш
4.	Педагогик ташхис нима мақсадда ўтказилади?	1	Таҳсил олувчилар БКМси даражасини аниқлаш
		2	Таълим жараёнини самарали лойиҳалаш
		3	Таҳсил олувчилар жамоасида мақбул психологик муҳитни шакллантириш
		4	Таълим мақсадларини аниқлаш
5.	Таълим жараёнини лойиҳалаш қонуниятларининг қайси бири ПТнинг бошқарув элементлари билан бевосита боғлиқ?	1	ТЖни лойиҳалаш самарадорлиги барча таркибий қисмларнинг лойиҳада мақсадга мувофиқ ёритилиши асосида таъминланади
		2	Лойиҳалаш сифати тескари алоқа кўлами ...га боғлиқ
		3	Таълимнинг технологик воситалари таҳсил олувчиларнинг индивидуал услубига мувофиқ танланади
		4	Лойиҳалаш стратегиялари ўқитувчининг индивидуал услубига мувофиқ танланади
6.	Қуйида берилган таърифларнинг қайси бири ТЖга технологик ёндашувнинг бошқариш элементини	1	Ўқитувчи фаолиятини таҳсил олувчи фаолиятининг аниқ моделларига мувофиқ амалга ошириш
		2	Фаолият моделлари кўринишида ифодаланган таълим мазмунининг таҳсил олувчилар томонидан ўзлаштириш жараёни

	ёритади?	3	Таълим бериш, тарбиялаш ва ривожлантиришни таъминловчи маънавий ва моддий воситалар
		4	... меъёрий хужжатлар тўплами ва ТЖ лойиҳаси
7.	Таълим жараёнини лойиҳалашнинг қайси тамойили субъектнинг ўзига, шахсий фаолиятига ва билимига баҳо беришни тавсифлайди?	1	Марказлаштириш тамойили
		2	Таҳсил олувчини таълим жараёнига мослаштириш тамойили
		3	Рефлексивлик тамойили
		4	Таълим жараёнида табиий ривожланиш ва ижтимоийлашув тамойили
8.	Лойиҳалаш стратегияси тушунчаси таърифи қайси қаторда тўғри берилган?	1	Педагогик вазифаларни тўлиқ бажарилишини таъминловчи йўл
		2	Педагогик мақсадларни педагогик натижаларга айлантириш жараёни
		3	Педагогик мақсадга эришиш учун таҳсил олувчиларнинг психологик хусусиятлари ва билиш даражаларини инобатга олиш.
		4	Режалаштирилган фаолиятнинг техник вазифаларга мувофиқ муайян кетма-кетликда амалга ошириш тизими
9.	Қуйида стратегияларнинг қайси тури таърифланган: “... босқичларни кетма-кет қайтмасдан бажарилишини англатади”.	1	Чизиқли
		2	Даврий
		3	Ўзгартириш
		4	Мослаштириш
10.	Ўқув маълумотларини лойиҳалаш нима учун муҳим?	1	Ўқув маълумотлари таҳсил олувчи шахсини ривожлантиришнинг асосий воситаларидан бири
		2	Ўқув маълумотлари миқдори кўплиги

		уларни тартиблаш, асосийларини ажратиб олишни талаб қилади
	3	Таълим мазмунига фақат илмий фактларнигина киритиш мумкин
	4	Таълим мазмуни таълим мақсадини белгилайди

1.5. Дарс тури ва типи ҳамда унда қўлланиладиган педагогик услублар

5.1.5-жадвал

Ўқув машғулотининг шакли	Муаммоли маъруза машғулоти.
Таълим усуллари	Қиёсий таҳлил, муаммоли маъруза, мунозара.
Таълим воситалари	Лойиҳалаштириш ишлаб чиқаришда ва таълимда – топшириқ доскада (жадвал), тест.
Таълим шакллари	Оммавий, жамоавий.
Ўқитиш шароитлари	Мультимедиа воситалари билан жиҳозланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Талабаларнинг жадвал тўлдириш жараёнидаги иштироки, мунозараларда қатнашуви, тест натижалари.

1.6. Кичик модулларнинг педагогик жараёнида фойдаланиладиган ахборот-коммуникацион технологиялари ва дидактик материаллар

5.1.6-жадвал

Иш Босқичлари ва вақти	Ўқув жараёни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1 - босқич. Ўқув Машғулотида кириш (10 дақ.)	1.1.Мавзунинг номи, мақсад ва кутилаётган натижаларни етказди. Машғулот муаммоли таълим технологияси асосида ташкилланишини, унинг босқичларини маълум қилади. 1.2.Талабаларни	1.1.Тинглайдилар, аниқлаштирувчи саволлар беришлари мумкин. 1.2.Қиёсий таҳлилни

	фаоллаштириш ва мавзуга йўналтириш учун уларнинг жамоавий фаолиятини қиёсий таҳлил усули асосида ташкиллайди (1.6.1-илова).	амалга оширадилар.
2 – босқич Асосий (60 дақ.)	<p>2.1.Талабалар олдига муаммоли савол қўяди: Таълим жараёнини лойиҳалаштириш ўқитувчиларга нима беради? – савол юзасидан мунозара уюштиради, кичик муаммоларни шакллантириш бўйича талабалар фаолиятини ташкиллайди.</p> <ul style="list-style-type: none"> - Педагогик лойиҳалаш ўзинима? - Педагогик лойиҳалаш тартиби қандай? У ишлаб чиқаришдаги лойиҳалашдан нимаси билан фарқлади? - Педагогик жараёни лойиҳалаш учун ўқитувчида қандай махсус билим, кўникма, малакалар бўлиши шарт? <p>2.2. Биринчи кичик муаммо деб белгиланган “Педагогик лойиҳалаш ўзинима?” саволига жавоб топишга қаратилган фаолиятни ташкиллайди:</p> <ul style="list-style-type: none"> -биринчи кичик модуль мазмунини ёритувчи слайдлар намойиш қилиб, маъруза қилади (қўлланманинг тегишли мавзу матни қисми); -биринчи кичик модул бўйича билимларни умумлаштириш ва мустаҳкамлаш ва назоратни 	<p>2.1.Муаммоли саволга жавоб топишга ҳаракат қиладилар.</p> <p>Асосий муаммо ечиш учун ҳал қилиниши зарур бўлган кичик муаммолар доирасини аниқлашда иштирок этадилар.</p> <p>2.2.Биринчи кичик муаммони ечишга қаратилган фаолиятни амалга оширадилар:</p> <ul style="list-style-type: none"> -ахборотни тинглайдилар, муҳим маълумотларни ёзиб борадилар. -Тест ечадилар, тест калити ёрдамида ўз-ўзларини назорат қиладилар, хатолар устида ишлаш

	<p>амалга ошириш мақсадида тест ўтказди (“Назорат саволлари асосида тузилган тест” қисми) ва тест калитини тақдим қилиб, талабаларга ўз билимларини текшириши учун шароит яратади;</p> <p>-Йўл қўйилган хатоларни аниқлаштиради ва уларни тўғрилаш бўйича фаолиятни ташкиллайди: тетсни тўғри ечган талабаларга сўз беради, зарур ҳолатда ўзи қайтадан маълумотни тушунтиради;</p> <p>-биринчи кичик муаммо ечимини аниқлаштиришга қаратилган талабалар фаолиятини ташкиллайди.</p>	<p>жараёнида қатнашадилар.</p> <p>Биринчи кичик муаммо юзасидан мунозара қиладилар ва унинг ечимини шакллантирадилар.</p>
	<p>3. Иккинчи кичик муаммо деб белгиланган “Педагогик лойиҳалаш тартиби қандай? У ишлаб чиқаришдаги лойиҳалашдан нимаси билан фарқлади?” саволига жавоб топишга қаратилган фаолиятни ташкиллайди:</p> <p>-иккинчи кичик модуль мазмунини ёритувчи слайдлар намойиш қилиб, маъруза қилади (қўлланманинг тегишли мавзу матни қисми);</p> <p>-иккинчи кичик модуль бўйича билимларни умумлаштириш ва мустаҳкамлаш ва назоратни амалга ошириш мақсадида тест ўтказди (қўлланманинг тегишли мавзу бўйича “Назорат саволлари асосида</p>	<p>2.3. Иккинчи кичик муаммони ечишга қаратилган фаолиятни амалга оширадилар:</p> <p>-ахборотни тинглайдилар, муҳим маълумотларни ёзиб борадилар.</p> <p>Тест ечадилар, тест калити ёрдамида ўз-ўзларини назорат қиладилар, хатолар устида ишлаш жараёнида қатнашадилар.</p>

	<p>тузилган тест” қисми) ва тест калитини тақдим қилиб, талабаларга ўз билимларини текшириши учун шароит яратади;</p> <p>-Йўл қўйилган хатоларни аниқлаштиради ва уларни тўғрилаш бўйича фаолиятни ташкиллайди: тетсни тўғри ечган талабаларга сўз беради, зарур ҳолатда ўзи қайтадан маълумотни тушунтиради;</p>	<p>Иккинчи кичик муаммо юзасидан мунозара қиладилар ва унинг ечимини шакллантирадилар.</p>
	<p>-иккинчи кичик муаммо ечимини аниқлаштиришга қаратилган талабалар фаолиятини ташкиллайди.</p>	
	<p>2.4.Учинчи кичик муаммо деб белгиланган “Педагогик жараёни лойиҳалаш учун ўқитувчида қандай махсус билим, кўникма, малакалар бўлиши шарт?” саволига жавоб топишга қаратилган фаолиятни ташкиллайди:</p> <p>-учинчи, тўртинчи кичик модуллар мазмунини ёритувчи слайдлар намойиш қилиб, маъруза қилади (қўлланманинг тегишли мавзу матни қисми);</p> <p>-биринчи кичик модуль бўйича билимларни умумлаштириш ва мустаҳкамлаш ва назоратни амалга ошириш мақсадида тест ўтказди (қўлланманинг тегишли мавзу бўйича “Назорат саволлари асосида тузилган тест” қисми) ва тест</p>	<p>2.4. Учинчи кичик муаммони ечишга қаратилган фаолиятни амалга оширадилар:</p> <p>-ахборотни тинглайдилар, муҳим маълумотларни ёзиб борадилар.</p> <p>-Тест ечадилар, тест калити ёрдамида ўз-ўзларини назорат қиладилар, хатолар устида ишлаш жараёнида қатнашадилар.</p>

	<p>калитини тақдим қилиб, талабаларга ўз билимларини текшириши учун шароит яратади;</p> <p>Йўл қўйилган хатоларни аниқлаштиради ва уларни тўғрилаш бўйича фаолиятни ташкиллайди: тетсни тўғри ечган талабаларга сўз беради, зарур ҳолатда ўзи қайтадан маълумотни тушунтиради;</p> <p>-иккинчи кичик муаммо ечимини аниқлаштиришга қаратилган талабалар фаолиятини ташкиллайди.</p>	<p>-Иккинчи кичик муаммо юзасидан мунозара қиладилар ва унинг ечимини шакллантирадилар.</p>
<p>3 - босқич. Якуний (15 дақ.)</p>	<p>3.1. Асосий муаммо деб белгиланган Таълим жараёнини лойиҳалаштириш ўқитувчиларга нима беради? Саволига жавоб топишга қаратилган фаолиятни бахсли мунозара усулида ташкиллайди. Талабалар берган фикрларни доскага ёзиб боради ва ҳар бир фикр юзасидан мунозара уюштиради.</p> <p>3.2. Талабаларга мавзу бўйича берилган мустақил таълим топшириғини тушунтиради.</p>	<p>3.1. Асосий муаммони ечими юзасидан ўз фикрларини билдирадилар, асослайдилар, бахслашадилар.</p> <p>3.2. Мустақил таълим топшириғини аниқлаштирадилар.</p>

1.6.1-илова

Лойиҳалаштириш ишлаб чиқаришда ва таълимда

		мақсад	субъект	объект	восита	усул	натига	ташкилий жиҳатлар и
1	Таълимда							
2	Ишлаб чиқаришда							

1.7. Ўрта модулнинг мазмунини ифода этувчи матн сценарийси

Биринчи кичик модул

Лойиҳалаш педагогик жараёни ташкил этиш ва унинг муваффақиятли кечишини таъминловчи муҳим шартларидан биридир. Педагогик жараёни лойиҳалашда:

- педагогик фаолият мазмунини таҳлил қилиш;
- натижаларни олдиндан кўра билиш;
- режалаштирилган фаолиятни амалга ошириш лойиҳасини яратиш каби вазифалар бажарилади.

Педагогик жараёни лойиҳалаш – лойиҳа → мазмун → фаолият учлиги, асосида ташкил этилувчи педагогик фаолиятнинг умумий моҳиятини яхлит ифодалашга хизмат қилувчи лойиҳани яратишдир.

Педагогик вазиятни тўлақонли англаш ҳамда вазифаларнинг аниқ ва тўғри белгиланиши педагогик жараёни самарали ҳал этишнинг муҳим шартидир.

Педагогик мақсад педагогик жараёни ташкил этишга тайёрланиш босқичида педагогик вазифа сифатида қабул қилинади. Педагогик фаолиятнинг муваффақияти турли вазифалар моҳиятининг бир йўла ёки бирин-кетин англанишига боғлиқ. Педагогик фаолият учун умумий бўлган вазифаларни белгилаб олиш муҳимдир. Сўнгра педагогик жараёнинг маълум босқичи моҳиятини аниқ ифодалайдиган босқичли вазифалар (алоҳида олинган босқич вазифалари)ни, ниҳоят хусусий (вазиятли) педагогик вазифаларни аниқ белгилаб олиш мақсадга мувофиқ.

Педагогик жараёни лойиҳалаштиришда вазифаларнинг белгиланиши:

1-қадам – умумий педагогик вазифалар (педагогик жараён хусусиятларини яхлит ҳолда инобатга олиш асосида белгиланувчи).

2-қадам – босқичли педагогик вазифалар (маълум босқич хусусиятларини инобатга олган ҳолда белгиланувчи).

3-қадам – вазиятли педагогик вазифалар (муайян вазиятларни инобатга олган ҳолда белгиланувчи).

Педагогик вазифани англаш мавжуд маълумотларни таҳлил қилиш ва ташхис қўйиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Педагогик ташхис – педагогик жараёни унинг умумий ҳолати, шунингдек, таркибий қисмларини ҳар томонлама, яхлит текшириш орқали баҳолашдир.

Педагогик ташхис:

1. Тезкор ташхис – таҳсил олувчи ёки таҳсил олувчилар жамоасининг руҳий ҳолатини, шунингдек, уларнинг оғзаки ва ёзма жавобларини таҳлил қилишдан иборат.

2. Давомли ташхис – ўқув жараёнининг умумий ҳолати, таҳсил олувчилар хулқидаги камчиликлар, таҳсил олувчилар жамоаси ёки алоҳида таҳсил олувчининг индивидуал хусусиятлари ва ўқув фаолиятининг мазмунини ўрганишдир.

Педагогик ташхис олдиндан кўра билиш объект ҳақидаги маълумотларни олдиндан ўрганиш жараёни саналади. Бунда объект сифатида синф, таҳсил олувчи, билим, муносабат ва ҳоказолар танланади.

Олдиндан кўра билиш турлари, йўналишига кўра:

1. Изланувчан олдиндан кўра билиш – *объектнинг келгуси ҳолати, унинг ривожланиши ва унга нисбатан ташқи омилларнинг таъсирини аниқлашга йўналтирилади.*

2. Меърий олдиндан кўра билиш – *муайян объектнинг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда белгиланган мақсадга эришининг самарали йўллариини излаб топишни назарда тутди*

Педагогик вазифаларнинг тури ва уларнинг вақт бўйича тақсимотига кўра – стратегик, тактик, тезкор бўлади.

Педагогик жараёни лойиҳалаш босқичида педагог дуч келадиган биринчи муаммо – бу педагогик фаолият мазмунини лойиҳалаш саналади.

Ўқув дастури ёки таҳсил олувчи шахси таълим мазмунини лойиҳалашнинг асоси бўлиб, бу вазиятда ўқитувчи педагогик фаолият, мақсад ва шароитларга мувофиқ ҳолда таҳсил олувчиларга нимани тақдим этиш хусусида мустақил қарор қабул қилади. Қарор қабул қилиш жараёнида қуйидагиларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир:

– таҳсил олувчилар тавсия этиладиган маълумотдан нимани ва қандай ҳажмда ўзлаштиришлари зарурлиги;

– таҳсил олувчиларнинг дастлабки тайёргарлик даражаси, уларнинг ўқув маълумотларини қабул қилиш имкониятлари;

– ўқитувчининг шахсий, шунингдек, таълим муассасасининг моддий-техник базаси.

Ўқув маълумотларини лойиҳалаш технологияси муҳим ўрин тутди. Унда:

1) таҳсил олувчиларга тақдим этиладиган материаллар;

2) таҳсил олувчиларга мустақил бажариш учун бериладиган вазифалар;

3) таҳсил олувчилар томонидан ўзлаштирилган маълумот (билим) турлари (Н.В.Кузьмина) ўз аксини топади.

Таълим мазмуни илмийлик ва амалий аҳамият талабларини тўлдириши, ўқув жараёнига ажратилган вақтга мувофиқ ташкил этилиши, шунингдек, таълим мазмуни ва унинг таҳсил олувчилар томонидан қабул қилиниш даражасининг ўзаро мослиги инобатга олинади. Шу боис вазиятнинг мураккаблиги, ўқув фани асосларини ўзлаштиришдаги қийинчиликларни бартараф этиш йўллари аввалдан аниқлаб олинishi шарт.

Иккинчи кичик модул

Педагогик технология гоёси бизнинг ҳудудга, давлатимиз мустақилликка эришганидан кейин, ҳорижий мамлакатлардан турли номлар билан, кириб кела бошлади. Унинг назарий асослари тўла бўлмаса ҳам ифода этувчи, ўзбек тилидаги бир қатор асарлар ҳам пайдо бўлди. Педагогик технологиянинг ўзига яраша назарий асослари шаклланиб, баъзилар уни алоҳида фан сифатида ўқитилиши керак деган фикрни ҳам билдирмоқдалар. **Бизнинг фикримизча “педагогик технология” педагогиканинг “методика” деган бўлимининг ажралмас қисми бўлиб, таълим-тарбия жараёнини амалга оширишнинг технологиялашган усули(методи)дир.** Педагогик технология тамойиллари асосида ўқув жараёнининг лойиҳаси бир маротаба тўғри тузилса, ундан бир неча йил мобайнида ҳар қандай оддий, касбга энди кириб келаётган педагог ҳам қийналмай ўқув машғулотини **юқори даражада** амалга оширади. Чунки педагогик технология асосида тузилган лойиҳага, уни тузган олим ёки тажрибали методистнинг маҳорати ўтган бўлади. Шунинг учун ўқув машғулотларининг лойиҳалари педагогик технологиянинг назарий асосларини яхши билган ва тажрибага эга ҳамда маҳоратли педагоглар ёхуд педагог олимлар томонидан тузилади.

ПТ ўзининг илмий асосланган равон тамойилларига суянади. Улар қуйидагилардир:

Биринчи тамойил. Таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашда ва бу лойиҳаларни амалиётда қўллашда, албатта, синергетиканинг “мажму ёндошув” тамойилига ва унинг қонун-қоидаларига доимо амал қилинади.

Иккинчи тамойил. Таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашда ва шу лойиҳа бўйича таълим-тарбияни амалга оширишда,

дидактиканинг барча тамойиллари(принцип) ва қонун-қоидаларидан келиб чиқилади.

Учинчи тамойил. Тълим-тарбия жараёнини лойиҳаси тузилганда, бу жараёнда иштирок этадиган барча элементларни – “мақсад ва мақсадчалар”, уларга ажратилган “вақт” , “билимлар тизими ва улар ичидаги таянч тушунчалар”, “дарс тури ва типи”, “педагогик услублар”, “ахборот технологиялар” ва “дидактик материаллар”нинг ўзаро узвий боғлиқликда кўриб, ҳар бирини қўллаш жойлари ва йўллари аниқланиб, ўқув машғулотининг лойиҳасига белгилаб қўйилади.

Тўртинчи тамойил. Таълим-тарбия жараёнини лойиҳалашда ва уни амалда қўллашда, талабалар эгаллаши шарт бўлган билимларни мустақил равишда топишга урғу берилади.

Бешинчи тамойил. Лойиҳа асосида ўқув машғулотларини амалга ошириш жараёнида, берилаётган билимларни талабалар англашлари, хотирасида сақлашлари ва амалиётда қўллай олишларини бир вақтнинг ўзида олиб боришликка эришилади.

Олтинчи тамойил. Мақсадларнинг натижалари феъллар шаклида бўлиб, бунинг учун муайян ўқув машғулотида ишлатиладиган феълларнинг тизими ишлаб чиқилади.

Еттинчи тамойил. Ўқув машғулотларининг якунида, шу машғулотда қабул қилинган баҳолаш тур ва мезонларидан келиб чиққан ҳолда, барча талабаларнинг билимларни ўзлаштириш даражаси аниқланади.

Учинчи кичик модул

Муайян ўқув машғулоти жараёнининг лойиҳасини ишлаб чиқиш қуйидаги босқичлардан иборат бўлади:

1. Ўқув фанини бир бутун деб қараб, “макро модул” деб қабул қилиб, унда бериладиган материалларнинг ҳажми ва мазмунидан келиб чиқиб, – “катта”, “ўрта” ва “кичик” модулларга ажратилади, сўнг, уларнинг мақсад ва мақсадчалари ҳамда уларга ажратилган вақт белгиланади.

2. Ҳар бир кичик модул ёрдамида бериладиган билимлар тизими ичидан таянч тушунчалар ажратилади.

3. Таянч тушунчалар асосида назорат саволлари тузилиб, талабалар билим ва кўникмаларини баҳолаш тур ва мезонлари белгиланади.

4. Ўқув машғулотларининг ҳар бир кичик модулида қўланиладиган дарс тури ва типи аниқланиб олинади.

5. Ҳар бир кичик модулда қўлланиладиган педагогик услублар аниқланиб, жойлари топиб қўйилади.

6. Ўқув муассасида мавжуд ахборот технологиялардан ҳамда ҳар бир кичик модулдаги ўқув машғулотининг характеридан келиб чиқиб, ўқув машғулоти амалга оширишда фойдаланиладиган ахборот технологияларнинг қўлланиш жойлари белгиланади.

7. Ўқув машғулоти жараёнида, ҳар бир кичик модулда фойдаланиладиган дидактик материалларнинг тури ва жойи аниқланади.

8. Ўрта модулни мазмуни ва ўқитиш жараёнининг боришини ифода этувчи ўқув машғулоти сценарийси ёзилади.

Таълим жараёнини лойиҳалаш стратегияси

Лойиҳалаш стратегияси – лойиҳачи томонидан режалаштирилган фаолиятнинг техник вазифаларига мувофиқ муайян кетма-кетликда амалга ошириш тизимидир.

Лойиҳалаш стратегиялари: чизиқли, даврий, ўзгартириш, тармоқланган, мослаштириш ва тасодифий изланиш стратегиялари.

Лойиҳалашнинг **чизиқли стратегияси** 1-босқич, 2-босқич ва ҳоказо босқичлардан иборат бўлиб, ҳаракатларнинг биринчидан то ўн бешинчигача кетма-кет, қайтмасдан бажарилишини англатади. Стратегия ўқитувчи томонидан фаолият муайян кетма-кетликда амалга ошириш режалаштирилганда (жумладан, ўқув жараёнини турли шаклда ташкил этиш вариантлари пухта ўйланмасдан қулай стандарт воситалар қўлланилса) қўлланилади. Бу стратегиянинг умумий моҳияти қуйидагича:

- мавзуга оид маълумотлар тизимини аниқлаш;
- тўпланган маълумотларни таҳлил қилиш – таҳлил натижалари (ўқув материаллари);
- ўқув материали мазмунини саралаш;
- мазмунни моделлаштириш – ўзлаштириш фаолияти модели;
- таълим техник воситаларини танлаш;
- шахсга оид технологияларни белгилаш – таълимнинг самарали воситалари;
- бошқарув услубини белгилаш;
- таълим воситаларидан фойдаланиш услубини аниқлаш – ўқитувчи фаолиятининг мазмуни;
- таълим методларини танлаш;
- методлардан фойдаланиш имкониятини аниқлаш – воситалар тизими;

- назарий тажриба;
- лойиҳани расмийлаштириш.

Тўртинчи кичик модул

Педагогик технологиянинг мазмун ва моҳияти янада ҳаммага аёнроқ бўлиши учун “Педагогика” фанининг бир ўқув машғулотининг лойиҳаси, мисол тариқасида, келтирамиз.

Шунда, “Педагогика” фанини бир бутунлик деб ҳисоблаб, уни битта макро модул деб олинди. Дастур бўйича фан ичида берилиши шарт бўлган 4 йирик мавзу (қисм) ларини катта модуллар сифатида кўрилди. Катта модуллар ичидаги мавзуча (параграф) ларни ўрта модул деб олиб, ҳар бир ўрта модулнинг ичида бажариладиган вазифалар, бериладиган билимлар ҳажми ва мазмунига қараб, бешта кичик модулларга ажратдик **Натижада, узлуксиз таълим жараёнида ўқитиладиган “Педагогика” ўқув фанининг битта ўқув машғулотининг лойиҳасини тузиш тажрибаси вужудга келди.** Шу билан, ўзини педагог деб ҳисоблаган ва ўқув хонадаги талабаларни ўзига қаратаоладиган ҳар қандай ўқитувчига, дарсни камида **“яхши” ёки “аъло” даражада ўтаолиш кафолати яратилди.** Бундай лойиҳалар асосида дарс ўтганда, **“дарс маълум сабабларга биноан қониқарсиз бўлди”, “ўқув машғулоти якунида кўзланган мақсадларга эришилмади”, “дарсни ўқитувчи нотўғри ўтди”, ўқув машғулоти ўртача амалга оширилди”** ва ҳоказо деган сўзларга ўрин қолмайди

Педагогика фанидаги биринчи катта модул таркибидаги биринчи ўрта модул, яъни бир дарс лойиҳаси

5.1.7-жадвал

1

Т/р	Кичик модуллар олдида қўйилган мақсад	Ажратилган вақт
1	Талабалар билан танишиб, “педагогика” тушунчаси ва бу фанни ўрганиш жараёнида амал қилиниши лозим бўлган қоидаларни талабаларга ёздириб, уларни янги фан билимларини эгаллашга тайёрлаш.	10 дақиқа
2	Талабаларга, педагоглик касбининг шаклланиш тарихини умумий тарзда айтиб, унинг тараққиёт	15 дақиқа

	босқичларини ва уларнинг ишлаб чиқариш кучлари билан боғлиқлигини айтиб, чизмада кўрсатиш.	
3	Талабаларга, инсон кўш моҳиятга, биологик моҳият баробарида ижтимоий моҳиятга ҳам эга эканлигини, унинг замонавий илмий атамаси “биоижтимоий мавжудот” эканини билдириш ҳамда ижтимоий моҳиятини билим ташкил қилишлигини, бу билимларни у, атроф муҳитдан, ота-онаси, оммавий ахборот воситалари ва узлуксиз таълим тизими орқали эгаллашини тушунтириш, шунингдек булар ичида таълим тизими етакчилик қилишини, бу иш билан эса, ўқитувчилар шуғулланишларини айтиб, уларда педагоглик касбига меҳр уйғотиш.	30 дақиқа
4	Биринчи дарс, талабаларда чуқур из қолдириши муносабати билан, юқорида берилган билимларнинг талабалар бир неча бор қайтариб айтиб, чизмада кўрсатиб, кўникма даражасига айлантириб олишларига эришиш.	15 дақиқа
5	Талабалар билимини аниқлаш учун тест синовини ўтказиш ва дарс юзасидан уйга вазифа бериб, уни бажариш йўллари билан уларни таништириш.	10 дақиқа

↓
Ўрта модул олдида қўйилган умумий мақсад

Педагоглик касби шаклланишининг тарихий босқичларини, инсоннинг илмий атамаси “биоижтимоий мавжудот” эканини ва ижтимоий моҳиятини билим ташкил қилиб, бу билимларни мақсадга йўналтирилган режа ва илмий асосланган дастур асосида ёш авлодга берувчи инсон фаолият соҳасини педагогика дейилишини талабаларга тушунтириб, улар уни чизмаларда кўрсатиб, уларда бу билимлар моҳиятини айтиб, чизиб кўрсатиб бериш кўникмасини шакллантириш.

2

Т/р	Таянч тушунчалар	Назорат саволлари
1	Педагогика; билим	1) “Педагогика” атамаси нимани англатади?

	онасидир”; “диққат билимга кириш эшигидир”; “тартиб ҳар бир иш мувафақиятининг гарови”.	2) Эгаллаган билимингизни қайтараверсангиз нима бўлади? 3) Диққат нима? 4) Тартиб деганда нимани тушунамиз?
2	Ибтидоий даврдаги таълим-тарбия; кулдорлик давридаги таълим; феодализм даврининг таълими; индустриалашган жамият таълим ва тарбия тизими.	1) Ибтидои даврда таълим-тарбия қандай бўлган? 2) Болаларни гуруҳ-гуруҳ қилиб ўқитишга нима сабаб бўлган? 3) Феодализмда болаларга нима ўқитилган? 4)Ривожланган давлатларда таълим тизимида нималар ўқитилади?
3	“Homasapiens”; “Биоижтимоий”; ижтимоий моҳият; билим; ижтимоий муҳит; узлуксиз расмий таълим; оммавий ахборот воситалари; ўқитувчи; педагог.	1)Биоижтимоий тушунчаси нимани англатади? 2) “Homasapiens” билан био-ижтимоий тушунчалари орасидаги фарқ нимада? 3) Ижтимоий моҳият асосини нима ташкил қилади? 4) Билим деган тушунча нимани билдиради? 5) Ижтимоий муҳит нима? 6) Узлуксиз расмий таълим-тарбия тизими қандай? 7) Инсон ижтимоий моҳиятини шаклланишига нималар таъсир кўрсатади?

Тест синов варағи

Т/р	Саволлар	Мумкин бўлган жавоблар		Тўғри жавоб
1	Педагогика атамаси нимани англатади?	А	Таълим беришни	
		Б	Тарбия беришни	
		В	Бола етаклашни	
2	Эгаллаган билимларни қайтараверса	А	Эсдан чиқиб кетади	
		Б	Яхшироқ билиб олинади	
		В	Кўникмага айланади	

	нима бўлади?			
3	Диққат қилиш деганда нима тушунилади?	А	Тинч ўтириш	
		Б	Фикрни жамлаш	
		В	Қулоқ солиш	
4	Ибтидоий даврда таълим қандай бўлган?	А	Индивидуал бўлган	
		Б	Яхши бўлган	
		В	Ёмон бўлган	
5	Болаларни тўплаб ўқитишга нима сабаб бўлган?	А	Меҳнатни тақсимлаш	
		Б	Ўқитувчи етишмаган	
		В	Индивидуал ўқитишга одамларнинг пули бўлмаган	
6	Биоижтимоий тушунчаси нимани англатади?	А	Маданийлашган ҳайвонни	
		Б	Инсонни	
		В	Маймунни	
7	Ижтимоий моҳият асосини нима ташкил қилади?	А	Маданият	
		Б	Маърифат	
		В	Билим, маданият, маърифат	
8	Ижтимоий муҳит нима?	А	Табиий муҳитни зидди	
		Б	Одамлар муносабатларининг ҳосиласи	
		В	Сунъий нарсалар мажмуи	
9	Расмий таълим қандай таълим?	А	Зўрлашга асосланган таълим	
		Б	Давлат томонидан ташкил этилган таълим	
		В	Яхши таълим	
10	Билим нима?	А	Ахборот	
		Б	Қонуният	
		В	Маълумот	
11	Киши ижтимоий моҳиятининг шаклланишига нима таъсир кўрсатади?	А	Расмий таълим ва оммавий ахборот воситалари	
		Б	Ижтимоий ва табиий муҳит	
		В	Оила ва юқоридагилар	

3

Т/р	Дарс тури ва типи
1	Аралаш дарс; янги билимларни эгаллаш
2	Аралаш дарс; янги билимларни эгаллаш
3	Аралаш дарс; янги билимларни эгаллаш
4	Аралаш дарс; эгалланган билимни кўникмага айлантириш

4

Т/р	Қўлланиладиган педагогик услублар
1	Тушунтириш
2	Айтиб бериш; иллюстрация
3	Муаммоли баён; иллюстрация
4	Репродуктив

5

Т/р	Ахборот технологиялар
1	Ўқитувчи касби тўғрисида кино-лавҳа
2	Эски ва ҳозирги замон мактабини ифода этувчи кино-лавҳа
3	Кодоскоп аппарати ёки компьютер
4	Кодоскоп ёки компьютер

6

Т/р	Дидактик материаллар
1	
2	Ишлаб чиқариш кучлари ва таълим-тарбияни ифода этувчи 2-расм
3	Қўш моҳиятли инсонни ифода этувчи чизма 3-расм. Билим эгаллаш манбаларини ифода этувчи чизма 4-расм.
4	2,3,4 расмлар

7

Ўрта модулнинг мазмунини ифода этувчи матн сценарийси (матн сценарийси ўқув ва илмий-услубий қўлланма мазмунида берилган)

2. БЕШИНЧИ КАТТА МОДУЛНИНГ ИККИНЧИ ЎРТА МОДУЛ МАВЗУСИ: (Лаборатория) Ўқув машғулотларини лойиҳалаштириш

2.1. Лаборатория ўқув машғулоти мақсади

5.2.1-жадвал

Талабаларни ўқув машғулотларини технологик ёндашув, замонавий таълим талабларидан келиб чиқиб самарали лойиҳалашга ўргатиш ва жамоада ишлаш кўникмаларини ривожлантириш ҳамда инновацион фикрлаш кўникмаларини ривожлантириш.

2.2. Лаборатория ўқув моғулоти режаси ва тури ва типи ҳамда унда қўлланиладиган педагогик услублар

5.2.2-жадвал

Машғулотининг режаси	1. Таълим жараёнини лойиҳалаш босқичлари. 2. Таълим жараёнини лойиҳалаш стратегияси.
Ўқув машғулотининг шакли	Ижодийлик хусусиятига эга лаборатория машғулоти.
Таълим усуллари	Ижодий амалий иш.
Таълим воситалари	“Ўқув машғулотининг технологик картасини баҳолаш мезонлари” варақаси, ўқув машғулотлари лойиҳалари намуналари, барчаси тарқатма материал, ўқув-услубий қўлланма, мутахассислигига оид дастурлар ва дарслик, ўқув қўлланмалар, ФЁТВ.
Таълим шакллари	гуруҳий, жамоавий.
Ўқитиш шароитлари	Кичик гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Ижодий амалий иш натижалари.

2.3 Лаборатория машғулоти педагогик жараёнида фойдаланиладиган ахборот технологиялари ва дидактик материаллар ҳамда фаолият мазмуни

5.2.3-жадвал

Иш босқичлари ва вақти	Ўқув жараёни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1 - босқич. Ўқув машғулотиغا	1.1.Мавзунинг номи, мақсад ва кутилаётган натижаларни етказди.	1.1.Тинглайдилар, аниқлаштирувчи саволлар беришлари

<p>кириш (10 дақ.)</p>	<p>1.2.Талабаларга машғулот лойиҳавий таълим технологияси асосида ташкилланишини маълум қилади ва ихтиёрий кичик гуруҳларга бўлинишни таклиф қилади.</p>	<p>мумкин. 1.2.Кичик гуруҳларга бўлинадилар.</p>
<p>2 – босқич Асосий (65 дақ.)</p>	<p>2.1. Талабаларга уларнинг мутахассислик фани бўйича битта мавзу бўйича ўқув машғулотининг технологик картасини лойиҳалаш вазифасини беради (ҳамма гуруҳга битта мавзу – бу фаолиятни қизиқарлироқ бўлиши, соғлом рақобат муҳити вужудга келишини таъминлайди).</p>	
	<p>Ижодий ишни ташкиллайди ва кузатиб боради: - Гуруҳларга биттадан маъруза машғулоти ва биттадан амалий машғулот технологик картасини намуна сифатида тарқатади; - “Ўқув машғулотининг технологик картасини баҳолаш мезонлари” варақасини тарқатади (1-илова). - Топшириқни бажарилишини кузатиб боради, талабаларга маслаҳат беради; - Гуруҳлар ишларининг тақдимоти ва уларнинг муҳокамасини ташкиллайди; - Гуруҳ ишларини ўзаро таққослаш фаолиятини бошқаради; - Ишларни баҳолашни ташкиллайди (1-илова).</p>	<p>2.1.Берилган топшириқни гуруҳларда бажарадилар: -Вазифа билан танишадилар; Тарқатма материалларни ўрганиб чиқадилар; - вазифани бажарадилар; - Тақдимот ўтказадилар; - Лойиҳаларнинг ўхшаш ҳамда фарқли жихатларини аниқлайдилар ва уларнинг</p>

<p>3 - босқич. Якуний (10 дақ.)</p>	<p>3.1. Рефлексия фаолиятини ташкиллайди – талабаларни машғулот натижасида уларда шаклланган билим, тасаввур, муносабатларни таҳлил қилишга ундайди; бажарилган вазифа-ларни мураккаблик даражаси нуқтаи назаридан муҳокама қилишларини ташкиллайди.</p>	<p>3.1. Саволларга жавоб бериб, рефлексияни амалга оширадилар.</p>
---	---	---

**VI. ОЛТИНЧИ КАТТА МОДУЛНИНГ НОМИ –
Дастурлаштирилган ва ахборот-коммуникация
таълим технологияси
(1 та лаборатория ва 1 та маъруза модули)**

**1. ОЛТИНЧИ КАТТА МОДУЛНИНГ БИРИНЧИ ЎРТА МОДУЛ
МАВЗУСИ: (Лаборатория) Дастурлаштирилган таълим технологияси
моҳияти, чизиқли дастур ва тармоқлашган дастур**

**1.1. Олтинчи катта модуль таркибидаги биринчи ўрта
модульнинг мақсади**

6.1.1-жадвал

Талабаларга педагогик жараёнга технологик ёндашув моҳиятини, бундай ёндашувни таъминловчи механизмларни, педагогик жараённинг асосий жиҳатларидан бўлган – таълим жараёни натижасини педагог маҳоратига боғлиқ бўлмаган ҳолда кафолатланиши мумкинлигини ва педагогик жараённи таҳсил олувчиларнинг тўлиқ мустақил таълимий фаолиятига асосланиб ташкил этиш йўллариини ўргатиш, шунингдек, таҳсил олувчида тартиблилик, ўз-ўзини назорат қилиш ва объектив баҳолаш ва уларда диққатини жамлаш, кунт билан ўқиш, таҳлил ва ҳулоса қилиш кўникмаларини шакллантириш ва хотирасини ривожлантириш.

1.2. Кичик модульлар номлари ва мақсадлари

6.1.2-жадвал

Т/р	Кичик модульлар номи	Кичик модульларнинг мақсадлари
1.	Дастурлашган таълим технологиясининг яратилиш омиллари	Талабаларга “Дастурлашган таълим технологияси” атамасига тўғри таърифини, ушбу таълим технологиясига асос солган олимларни, дастурлаштирилган таълим технологияларини қўллаш учун зарур бўлган дидактик амалларни, дастурлашган таълим технологиясига асосланган машғулотни ташкилаш учун ўқитувчи томонидан бажариладиган ишларни ўргатиш

		шунингдек, анъанавий таълим ва дастурлашган таълим технологияларини ўзаро солиштира олишни, ушбу технологияларни қўллашга оид мисоллар келтира олишни ва ушбу технологияни ютуқ ва камчиликларини тўғри кўрсата олишни ўргатиш.
2.	Чизиқли дастур	Талабаларга чизиқли дастур тузилмасини тушунтириш, мақсад ва моҳиятини, чизиқли дастурнинг ютуқли томонлари ҳамда ва камчиликларини таҳлил қила олиш кўникмасини шакллантириш.
3.	Тармоқлашган дастур	Талабаларга тармоқдашган дастур тузилмасини, мақсад ва моҳиятини ва тармоқлашган дастурнинг ютуқли томонлари ҳамда ва камчиликларини таҳлил қила олишни ўргатиш

1.3. Таянч тушунчалари ва улар асосида тузилган назорат саволлари

6.1.3-жадвал

Т/р	Таянч тушунчалар	Назорат саволлари
1.	Дастурлашган таълим, БКМси, дастурлашган таълим моҳияти, дастурлашган таълим тузилмаси	<p>1. Ишлаб чиқаришда технологик жараён самарадорлигининг асосий омилларини санаб беринг.</p> <p>2. Тўғри ташкилланган бошқарув тизими тузилмасини кўрсатинг ва уни шарҳлаб беринг.</p> <p>3. Ишлаб чиқариш жараёни ҳамда таълим жараёнидаги назоратни ташккланишини ўзаро таққосланг ва уни тўғри ташкиллаш учун қандай талабларга риоя қилиш керак?</p> <p>4. “Дастурлашган таълим” нима сабабдан шундай номланган?</p> <p>5. Дастурлашган таълим самарадорлигини таъминловчи омил нима?</p>

2.	Чизиқли дастур (ЧД), тармоқлашган дастур (ТД) ва дастурлашган таълим хусусияти	<p>1. Дастурнинг бир қадами қайси элемент-лардан ташкил топади?</p> <p>2. Ўқув дастурлар (ЧД ва ТД) муаллифлари ким? ЧД ва ТД га изоҳ беринг. ЧДнинг камчиликларини санаб беринг.</p> <p>3. Дастурлашган таълимни модулли таълим билан таққосланг.</p>
3.	Аралаш дастур	Аралаш дастур деб қандай дастурга айтилади?

1.4. Назорат саволлари асосида тузилган ТЕСТ

6.1.3-жадвал

Т/р	Саволлар	Мумкин бўлган жавоблар	
1.	Бошқарувнинг қайси элементи унинг самарадорлигини кафолатлайди?	1	Бошқарув услуби
		2	Тўғри ташкилланган назорат
		3	Жазолаш механизми
		4	Рағбатлантириш
2.	Таълимга технологик ёндашувда ўқитувчининг асосий функцияси нима?	1	Таълим жараёнини бошқариш
		2	Билимларни узатиш
		3	Билимларни тўплаш
		4	Дидактик шароит яратиш
3.	Таълим жараёнида назорат нима мақсадда ўтказилиши керак?	1	Таҳсил олувчилар БКМсини текшириш
		2	Таҳсил олувчиларга вазифалар бериш
		3	Таълим жараёнига ўзгартиришлар киритиш оқали унинг натижаларини кўтариш
		4	Таҳсил олувчилар БКМсини баҳолаш
4.	Анъанавий таълимда қўланиладиган таълим шакллари	1	Табақалаштирилган ёндашувни амалга оширишни қийинлаштиради қийинлиги.
		2	Таҳсил олувчилар фаоллигини

	тахсил олувчиларнинг БКМлари даражасини назорат қилишда қандай қийинчилик туғдиради?		чеклайди
		3	Адолат тамойилининг бузилишига олиб келади
		4	Вақтдан унумли фойдаланилмайди
5.	Дастурлашган таълим самарадорлигини таъминловчи омил	1	Ўқув мазмунининг осонлиги
		2	Кўп вақт ажратилганлини
		3	Барча таҳсил олувчилар якка тартибда ишлаши
		4	Ўқув дастури сифати
6.	Нимага дастурлашган таълим шундай номланган?	1	Таълим мазмуни ДТСга мос ҳолда тузилади
		2	Компьютер воситаси қўлланилади
		3	Ўқитувчи йўриқнома бериб туради
		4	Ўқув фаолият дастур асосида амалга оширилади
7.	Дастурлашган таълим технологиясининг келтирилган тамойилларидан қайси бири таълим мазмуни билан боғлиқ?	1	Қайтувчан алоқаларнинг ўрнатилганлиги
		2	Жараёни қадам ба қадам кечиши
		3	Маълумотлилиги
		4	Таълимнинг индивидуаллаштирилганлиги
8.	Нима учун дастурлашган таълим жараёнида талабанинг фаоллиги таъминланиши керак?	1	бу билимларни мустаҳкамлигини таъминлайди
		2	талаба бўш қолмаслиги керак
		3	бу талабада интизомлиликини оширади
		4	Табақалаштирилган ёндашувга эришилади
9.	Нима мақсадда маълумот ўқувчиларга алоҳида бўлақларга бўлиниб узатилади?	1	Таҳсил олувчиларни қизиқтириш учун
		2	Назоратни тўғри ташкиллаш учун
		3	Маълумотни тушуниш ва эслаб қолиш осонлашади

		4	Таҳсил олувчиларни бўш қолдирмаслик учун
10.	Ўқитиш дастурининг бир қадами неча қадамдан иборат?	1	2
		2	4
		3	3
		4	5
11.	Чизиқли дастур (ЧД) муаллифи ким?	1	В.Беспалько
		2	Б.Блум
		3	Н.Краудер
		4	Б.Скиннер

1.5. Дарс тури ва типи ҳамда унда қўлланиладиган педагогик услублар

6.1.5-жадвал

Ўқув машғулотининг шакли	Ахборотли-амалий лаборатория машғулоти.
Таълим усуллари	Компьютерли таълим, Т-схема.
Таълим воситалари	Ҳар бир талабага алоҳида компьютер, ўқув-электрон дустур – “дастурлашган таълим технологияси”, ФЁТВ.
Таълим шакллари	Якка тартибда, жамоавий.
Ўқитиш шароитлари	Компьютерлаштирилган аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Тест натижалари, талабаларнинг Т-схемани тўлдиришдаги иштироки.

1.6. Педагогик жараёнида фойдаланиладиган ахборот технологиялар ва дидактик материаллар ҳамда фаолият мазмуни

6.1.6-жадвал

Иш босқичлари ва вақти	Ўқув жараёни	
	таълим берувчи	таълим олувчилар
1 - босқич. Ўқув Машғуло-	1.1. Мавзунинг номи, мақсад ва кутилаётган натижаларни етказди.	1.1. Тинглайдилар, аниқлаштирувчи саволлар беришлари

<p>тига кириш (10 дақ.)</p>	<p>1.2.Талабаларга машғулот дастурлашган таълим технологияси асосида ташкилланишини маълум қилади ва “Дастурлашган таълим технологияси” мавзусида ишланган компьютер ўқув дастури билан ишлаш бўйича инструкция беради (1.6.1-илова).</p>	<p>мумкин. 1.2.Компьютер воситасида таълим олишга тайёргарлик кўрадилар: -компьютерлар олдида жойлашадилар (ҳар бир талабага алоҳида компьютер); -интсрукция билан танишадилар.</p>
<p>2 – босқич Асосий (65 дақ.)</p>	<p>2.1.Талабаларнинг мустақил фаолиятини бошқаради: -талабалар фаолиятини кузатиб боради; -зарур бўлса маслаҳатлар беради; - электрон ўқув дастурни охиригача ўрганиб чиқиб, тестни ечиб бўлган талаба натижасини ёзиб олади; -топшириқни бажариб бўлган талабага топшириқ беради (1.6.2-илова)</p>	<p>2.1. Якка тартибда, индивидуал тезликда мустақил таълим фаолиятини амалга оширади: -электрон ўқув дастурни ишга солади; -электрон ўқув дастури бўйича ишлайди (берилган ахборотларни ўрганеди, саволарг жавоб бериб, ўз-ўзини текширади – жавоб нотўғри бўлса, электрон ўқув дастурининг тегишли қисмини қайтадан ўрганиб чиқади); -назорат блокадаги тестларга жавоб беради ва ўз-ўзини текшириб, натижани ўқитувчига маълум қилади. -ишни яқунлаган талаба ўқитувчидан топшириқ олади ва уни якка тартибда бажаради.</p>
<p>3 - босқич.</p>	<p>3.1.Барча талабалар ишни</p>	<p>3.1.Т-схема асосида</p>

Якуний (10 дақ.)	яқунлашини кутади, ундан сўнг билимларни мустаҳкамлаш мақсадида машғулотнинг асосий қисмида берилган топшириқ натижасини “Т-схема” усули (1.6.2-илова) асосида умумлаштиради.	дастурлаштирилган таълим технологиясини таҳлил қилади (таҳлил қилишда ўз тажрибасига таянадилар).
---------------------	--	---

1.6.1-илова

Электрон ўқув дастурида ишлаш бўйича кўрсатма.

1.Электрон дастурни ишга солиш – F5 тугмачасини босинг.

2.Маълумотларни ўқинг, берилган топшириқларни аниқ бажаринг.

3. Фаолият босқичлари (ҳар бир босқичдан сўнг ENTER тугмачаси босилади):

Ахборот блокида (АБ) берилган маълумотни қунт билан ўқинг.

Савол блокида (СБ) — берилган саволни ўқинг ва унга жавоб беришга ҳаракат қилинг.

Ўз-ўзини текшириш блокани (ЎТБ) ўқиб, жавобингиз тўғри/нотўғрилигини аниқланг – агар тўғри жавоб берган бўлсангиз, кейинги Ахборот блоки (АБ)га ўтинг, агар нотўғри бўлса, олдин ўрганилган маълумотга қайтиб, қайтадан ўқиб чиқинг ва хатонгизни англаг.

Назорат блоки (НБ)да – тестлар берилган. Ушбу тестларни ечиб, калит тузинг ва уларни тўғри калит билан солиштиринг. Агар тест ечишда хатога йўл қўйган бўлсангиз, тегишли маълумотни топинг ва файтадан ўрганиб чиқинг.

1.6.2-илова

Дастурлашган таълим технологияси (баҳоловчи таҳлил).

Дастурлашган таълим технологияси	
+	-
Ўқитувчи вақти, кучини тежайди	Кўпроқ репродуктив таълимга қаратилган...
...	

1.7. Ўрта модулнинг мазмунини ифода этувчи матн сценарийси

Биринчи кичик модул

Педагогик технология фанининг ривожланишига қатор турдош фанлар ютуқлари таъсир этади. Шуларнинг ичида бошқарув назарияси фани етакчи ўринларни эгаллайди.

Ишлаб чиқаришда технологик жараён самарадорлигининг асосий омилларидан бири бу технологик жараёни тўғри ташкиллашдир. Бунинг учун маҳсулот сифати тез-тез назорат қилиб турилиши шарт.

Технологик ёндашувда **ўқитувчининг асосий функцияси** таълим жараёнини **бошқариш ҳисобланади.**

Бунда:

*Назорат натижалари ўқув жараёнининг самарадорлик даражасининг кўрсаткичларидир.

*Ўқув мақсадига эришилмаганлиги – ўқув жараёнини ташкиллашда ҳатога йўл қўйилганлигининг белгисидир. Бундай ҳолларда ўқув жараёнига зарурий ўзгартиришлар киритиш лозим.

Анъанавий таълимда билим олувчиларнинг Билим, Кўникма, Малакалари даражасини назорат қилишдаги камчиликлар:

▶ Табақалаштирилган ёндашувни амалга оширишнинг қийинлиги.

▶ Баҳо жазолаш қуроли сифатида қўлланилиши.


▶ Назорат ишларини тез-тез ўтказиб турилмаслиги.

Натижада:

◆ назорат жараёнида ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари инобатга олинмайди;

◆ ўқувчида назорат ишларига нисбатан қўрқув ҳисси шаклланади;

◆ ўқитувчи таълим жараёнига ўз вақтида ўзгартириш кирита олмайди.



3-расм

Юқорида санаб ўтилган барча камчиликларни “Дастурлашган таълим технологияси” деб номланган технология бартараф этади.

Дастурлашган таълим технологияси тамойиллари:

▪ Маълумотлилик: Таълим жараёнида керак билим олувчига албатта янги маълумот берилиши керак.

▪ Билим олувчи фаоллигини таъминлаши. Таълим жараёнида билим олувчининг фаоллигини таъминлаб бериши керак. Ушбу фаоллик маълумотни ишлаб чиқиш билан боғлиқ.

▪ Қайтувчан алоқа. Ўқувчилар билимини доимий назорат қилиб туриш ва уларга зарурий тузатишлар киритиш лозимлиги.

▪ Ўқиш мазмунининг алоҳида қисмларга ажратиб берилиши. Маълумот ўқувчиларга алоҳида бўлақлар (кадрларга, қадамларга) бўлиниб узатилади.

▪ Технологик жараённинг қадам ба қадам кечиши. Таълим мазмунини узатиш учта бир-бирига боғлиқ қисмлар орқали амалга оширилади: маълумот бериш → қайтувчан алоқа ўрнатилиши → назорат.

▪ Ўқитиш жараёнининг индивидуаллиги. Ўқитиш жараёнида ҳар бир ўқувчининг ўзига зарур бўлган тезликда ишлаши ва бошқарилиши.

▪ Таълим жараёнида техник воситалардан фойдаланиш.

Ўқитиш дастурининг тузилиши:

АБ — ҳажми катта бўлмаган маълумот (2—3 гап). Масалан, чизма, таъриф, ёки формула.

СБ — **АБ**да берилган маълумот билан боғлиқ бўлган савол /вазифа.

ЎТБ — **СБ**да хатога йўл қўйилганлик/қўйилмаганлигини текшириш. Масалан: тўғри жавоб/хатонинг таҳлили/тўғри жавоб топишда ёрдам.

НБ – тест

Ўқитиш дастурининг бир қадами

▪ **АБ+СБ+ЎТБ+НБ**


Икинчи кичик модул

Чизиқли дастур. Чизиқли дастур муаллифи – Б. Скиннер. У таклиф қилган дастур қуйидагича:

Чизиқли дастур камчиликлари:

▪ Ўқиш мазмунининг ўта майдаланган ҳолда берилиши;

▪ Дастурнинг барча қадамининг бажарилиши шартлиги (билим олувчи даражаси юқорироқ бўлган ўқувчи бўлиши мумкинлиги инобатга олинмаслиги);



4-расм


■ Олдинги қадамларга (кадрларга) қайитиш имкони йўқлиги (олдинги материал ўқувчининг эсидан чиқиб қолган бўлса ҳам).

Шунга қарамасдан, чизикли дастурлар ўқув материалининг 95%ни ўқувчилар томонидан ўзлаштирилишини таъминлайди. Лекин улар билим олувчидан жуда кўп куч, вақт сарфлашни талаб этадилар.

Учинчи кичик модул.

Тармоқлашган дастур. Тармоқлашган дастур муаллифи – Н. Краудер.

Тармоқлашган дастур кадрларни танлашга имкон берувчи ҳолда тўзилади – бунда ўқувчи келтирилган бир неча жавобдан бирини



5-расм

танлаш имконига эга. Танланган жавобга кўра дастур тармоқларга бўлинади.

Тармоқлашган дастур хусусиятлари:

- Ўқув мазмунини нисбатан катта бўлақларга бўлинганлиги;
- Ҳар бир қадамнинг бажарилиши шарт эмаслиги (таълимнинг индивидуаллашганлиги);
- Дастурда олдинги кадрларга қайитиш мумкинлиги;
- Ўқувчининг ўзлаштириш даражасига қараб, педагогик жараёни зарурий тезликда кечиши.

Аралаш дастурлар – бу чизикли ва тармоқлаштирилган дастурлар комбинацияси.

2. ОЛТИНЧИ КАТТА МОДУЛНИНГ ИККИНЧИ ЎРТА МОДУЛ МАВЗУСИ: (Маъруза) Ахборот таълим технологиялари ва масофавий таълим технологияси (МТТ)

2.1. Бешинчи катта модул таркибидаги иккинчи ўрта модулнинг умумий мақсади

6.2.1-жадвал

<p>Талабаларга ўқув жараёнини замонавий компьютер технологияларидан фойдаланиб ташкиллаш хусусиятларини, таълим жараёнида ахборот технологияларининг ўрнини тўғри баҳолаб бера олишни ва масофадан туриб таълим жараёнини амалга оширишни ташкиллаш ҳақида батафсил маълумот бериш шунингдек, замонавий технологияларга восита сифатида ёндашувни шакллантириш ва инсон тафаккури, шахсан ўз тафаккури кучига ишончни ва ахборотлар устида самарали ишлаш кўникмаси ривожлантириш.</p>
--

2.2. Кичик модуллар номлари ва мақсадлари

6.2.2-жадвал

Т/р	Кичик модуллар номи	Кичик модулларнинг мақсади
1.	Ахборот-коммуникация технологиясининг таълимда қўлланилиши	Талабаларга таълимда ахборот-коммуникация технологиясининг қўлланилиш тарихини, ахборот таълим воситалари ичида компьютер таълим воситасининг ўрнини, таълим жараёнида ахборот таълим воситаси сифатида компьютердан фойдаланишнинг таълим жараёнига бўлган таъсирини, бунда таҳсил олувчиларда шаклланадиган сифатларни тушунтириш.
2	Ахборот таълим технологияларидан фойдаланиш услубиётининг хусусиятлари.	Талабаларга “Ахборот таълим технологиялари” атамаси, фанларни ўқитишда АТТларнинг қўлланилиш мақсадлари, компьютерни қўллашда таълим жараёни бошқарувидаги ўзгаришларни, ушбу технологияларни қўллашга оид мисоллар келтира олишни ва ахборот таълим

		технологияларининг ютуқ ва камчиликларини тўғри кўрсата билишни ўргатиш.
3.	МТТ хусусиятлари	Талабаларга МТТ жараёнини ташкиллашнинг хусусиятларини, унга қўйиладиган педагогик талаблар мазмунини, МТда Интернет, электрон ахборот воситалардан фойдаланишнинг ўзига хос жиҳатларини кўрсата олишни ўргатиш.
4	МТТ курсларининг ташкилий жиҳатлари	Талабаларга МТТ курсларининг хусуситидан келиб чиқиб, уларнинг ўзига хос жиҳатларини, МТТ курсларининг смарадарлигини таъминловчи шартларни, МТТ самарадорлиги мезонларини, МТТ ютуқли томонлари ва камчиликлари нуқтаи назардан тўғри таҳлил қила олишни ва ўз мутахассислиги бўйича МТТ курси модули лойиҳасини тузишни ва МТТнинг келажакдаги ривожига ҳақида асосланган таҳмин қила олишни ўргатиш.

2.3. Таянч тушунчалари ва улар асосида тузилган назорат саволлари

6.2.3-жадвал

Т/р	Таянч тушунчалар	Назорат саволлари
Ахборот таълим воситаларининг таълимда қўлланилиши		
1.	Ахборот, “Ахборот таълим технологиялари” (АТТ), Компьютерли бошқариш	<ol style="list-style-type: none"> 1. Ахборотлар соҳасидаги инқилобий ўзгаришларни келтириб чиқарган ихтироларни санаб беринг. 2. АТТдан фойдаланиш натижасида таълим жараёнидаги ўзгаришларни санаб беринг. 3. Таълим жараёнида АТТни қўллаш даражаларини санаб беринг. 4. Компьютерли ўқитишда таълимни бошқаришнинг ўзига хослиги нимада?

2.	АТТлардаги ўқитиш фаолияти, АТТларни қўллашга талаблар, таълимнинг дастурий воситалари	<p>1. АТТлар қўлланилган таълим жараёнда ўқитувчининг бошқариш-ўқитиш фаолияти нималардан иборат?</p> <p>2. Таълим жараёнида АТТларни қўллашга қўйладиган талабларни санаб беринг ва асосланг.</p> <p>3. “Таълимнинг дастурий воситалари” тушунчаси таърифини айтиб беринг.</p> <p>4. Таълимнинг дастурий воситаларига мисоллар келтиринг.</p>
3.	Масофавий таълим (МТТ) МТТ да Интернет, электрон ахборот	<p>1. “Масофавий таълим” тушунчаси таърифини айтиб беринг. МТТнинг асосий ўзига хос жиҳати нима?</p> <p>2. МТТ да Интернетнинг қайси хусусиятларидан фойдаланилади?</p> <p>3. МТТ да таълим мазмунининг ташкилланиши қандай аҳамият касб этади? Уни ташкиллашда нималарни эътиборга олиш талаб қилинади?</p>
4.	МТТ самарадор омиллари, МТни самарадорлик мезонлари, Интернетга асосланган МТТ	<p>1. МТТ самарадорлигига таъсир этувчи асосий омиллар нима? МТТга педагогик талабларни санаб беринг ва уларга изох беринг.</p> <p>2. МТТни самарадорлиги мезонларини санаб беринг ва асосланг. Ўз мутахассислигингиз бўйича МТТ курси модули лойиҳасини ишлаб чиқинг ва тақдим этинг.</p> <p>3. Интернетга асосланган МТТнинг ютуқли томонлари ва камчиликларини айтиб беринг.</p> <p>МТТнинг келажакда ривожланиши ҳақида тахмин қилинг.</p>

2.4. Назорат саволлари асосида тузилган тест

6.2.4-жадвал

Т/р	Саволлар	Мумкин бўлган жавоблар	
1.	XX асрнинг 50-60	1	Проектор

	йилларида таҳсил олувчиларнинг турли фанлар бўйича БКМсини назорат қилишни осонлаштирган техник восита	2	Ўқув кинофильми
		3	Лингафон кабинет
		4	Автоматлаштирилган восита
2.	Глобал компьютер тармоқларининг кириб келиши ахборот соҳасидаги нечанчи инқилобий ўзгариш деб аталади?	1	иккинчи
		2	тўртинчи
		3	учинчи
		4	бешинчи
3.	“Ахборот таълим технологиялари” тушунчасига тўғри таъриф қайси қаторда берилган?	1	Ахборотларни ўқитувчидан ўқувчига узутишга асосланган таълим технологиялари
		2	Қайтувчан алоқалар самарали ташкилланган педагогик жараён
		3	Таҳсил олувчиларга бир вақтнинг ўзида катта ҳажмдаги ахборотларни узатишга қодир техник воситалар.
		4	Таълим соҳасида педагогик мақсадларга эришиш учун махсус техник ахборот воситаларни қўлловчи барча технологиялар
4.	“Компьютер таълим технологиялари” тушунчасига тўғри таъриф қайси қаторда берилган?	1	Ахборотни тайёрлаш ва таҳсил олувчига узатишда асосий восита сифатида компьютер қўлланиладиган жараён
		2	Барча ахборотларни компьютерда сақлаш ва қайта ишлаб чиқиш
		3	Электрон дарсликларни яратиш ва қўллаш жараёни
		4	Интернет тармоғидан унумли фойдаланишга асосланган таълим технологияси.

5.	Таълим жараёнида АТТни қўллаш орқали таълимни табақалаштиришга қандай эришилади?	1	Таҳсил олувчилар алоҳида гуруҳларга ажратилади
		2	Таҳсил олувчилар тест синовларини топширадилар
		3	Компьютер ўзи таҳсил олувчиларни табақалаштириб чиқади
		4	Ҳар хил тоифадаги таҳсил олувчиларга махсус дастурнинг ишлаб чиқилиши орқали
6.	Қайси турдаги дастурлар таҳсил олувчиларда кўникмаларни ривожлантиришга қаратилган?	1	Янги маълумот берувчи дастурлар
		2	Назорат дастурлари
		3	Барчаси
		4	Тренинг дастурлари
7.	Компьютерли ўқитишда таълимни бошқаришнинг ўзига ҳослиги нимада?	1	Таҳсил олувчи ўзи ўз таълимини бошқариши мумкин
		2	Таҳсил олувчи ўқитувчи инструкцияси бўйича ишлайди
		3	Ўқувчи ўз-ўзини назорат қилади
		4	Ўқитувчи томонидан қатъий назорат амалга оширилади
8.	“Ахборот технологияларни педагогик технологиялар билан биргаликда қўллаш” талаби нимани таъминлайди?	1	Таълим жараёнини тезроқ кечишини
		2	Таълим жараёнини қизиқарли бўлишини
		3	Таҳсил олувчиларга индивидуал ёндашувни
		4	Таълим жараёнини самарали ташкилланишини
9.	Қайси турдаги дастурий восита таҳсил олувчиларда лойиҳавий тафаккурни ривожлантира олади?	1	Конструктор
		2	Электрон дарслик
		3	Тренажёр-дастур
		4	Компьютер ўйинлари
10.	Моделлаштирувчи дастурлар қачон	1	Маълум ҳодисани реалликда кузатиш ва ўрганиш имконияти

	қўлланилади?		мавжуд бўлмаса
		2	Маълум ҳодисани аудитория шароитида ўрганиб чиқиш лозим бўлса
		3	Таълим жараёни самарадорлигини ошириш зарур бўлса
		4	1 ва 2 – жавоблар тўғри
11.	Компьютер воситаларининг <i>интерактив</i> лиги деб нимага айтилади?	1	Компьютернинг таҳсил олувчи ёки ўқитувчи ҳаракатларига “жавоб беришлари”, улар билан “диалогга киришишлари” га
		2	Таҳсил олувчилар фаоллик даражасининг юқори бўлишига
		3	Таҳсил олувчилар ўзаро ҳамкорликда иш олиб боришларига
		4	Компьютерлар тармоққа уларган ҳолда ишлашига
12.	Таълим жараёнида мультимедиа қандай имкониятларни яратади?	1	Анимация, овоз, видеотасвир билан таъминланган дастурлар билан ишлаш
		2	Видеолавҳалар томоша қилиш ва таҳлил ўтказиш
		3	Маълумотларни кўпайтириш ва узатиш
		4	Барча кўрсатилганларни амалга оширишга
13.	Таълим жараёни натижаларини диагностика қилишда компьютердан қандай фойдаланилади?	1	Натижаларни маълумотлар базасига киритиш, сақлаш
		2	Таълим жараёни натижаларини ошириб бориш
		3	Таълим жараёни натижаларини тўлиқ назорат қилиб бориш
		4	мониторинг режимини қўллаш, натижаларни сақлаш ва таҳлил қилиш
14.	“Компьютерли дарс” тушунчасининг	1	Мультимедиадан фойдаланган ҳолда ташкилланган дарс

	таърифи қайси қаторда тўғри берилган?	2	Компьютер орқали катта ҳажмдаги материаллар берилган дарс
		3	дарс жараёнида таълим воситаси сифатида компьютердан фойдаланилган ҳар қандай дарс
		4	Таълим жараёнининг натижаси компьютер ёрдамида аниқланган дарс
15.	Таҳсил олувчилар соғлигини муҳофаза қилиш мақсадида таҳсил олувчилар ёшига мос ҳолда кунига қанча вақт компьютерда ишлашлари мумкин?	1	бошланғич мактаб ўқувчилари - 30 дақиқа, ўрта босқич синфлари ўқувчилари - 120 дақиқа, юқори синф ўқувчилари – 220 дақиқа
		2	бошланғич мактаб ўқувчилари - 50 дақиқа, ўрта босқич синфлари ўқувчилари - 120 дақиқа, юқори синф ўқувчилари – 200 дақиқа.
		3	бошланғич мактаб ўқувчилари - 30 дақиқа, ўрта босқич синфлари ўқувчилари - 220 дақиқа, юқори синф ўқувчилари – 300 дақиқа
		4	бошланғич мактаб ўқувчилари - 50 дақиқа, ўрта босқич синфлари ўқувчилари - 220 дақиқа, юқори синф ўқувчилари – 300 дақиқа
16.	Масофавий таълим (МТ) нима?	1	Компьютер ёрдамида ўқитиш
		2	Интернет орқали ўқитиш
		3	Масофадан туриб ўқитиш
		4	Барча таърифлар тўғри
17.	МТ самарадорлигига таъсир этувчи омилларга кирмайдиган омил қайси қаторда кўрсатилган?	1	Ўқитувчи ва таҳсил олувчи ўртасида масофа бўлиши
		2	Қўлланиладиган педагогик технологиялар
		3	Қайтувчан алоқанинг самарадорлиги
		4	Ўқитувчи ва талабанинг ўзаро ҳамкорлигининг самарали ташкилланиши
18.	МТ курсини	1	муаллиф, психолог, педагог,

	яратилишида қайси мутахассислар иштирок этадилар?		дизайнер, дастурловчи
		2	муаллиф, психолог, оператор, дизайнер, дастурловчи
		3	муаллиф, услубиётчи, веб-мастер, дизайнер, дастурловчи
		4	муаллиф, психолог, ўқитувчи, дизайнер, дастурловчи
19.	МТни самарадорлигини аниқлаш учун мезонларга қайси мезон кирмайди?	1	талабаларнинг МТ ҳақидаги субъектив фикрлари
		2	таълим олиш учун сарфланадиган маблағ
		3	талабаларда шакллантирилган малакалар даражаси
		4	таълим олиш учун сарфланадиган вақт

2.5. Дарс тури ва типи ҳамда унда қўлланиладиган педагогик услублар

6.2.5-жадвал

Ўқув машғулотининг шакли	Тпқдимотли, муаммоли маъруза машғулоти.
Таълим усуллари	Муаммоли, тақдимотли маъруза, мунозара.
Таълим воситалари	Электрон ўқув дастурлар турларига намуналар, Интренет тизимига уланган компьютер, мультимедиа воситалари, тест.
Таълим шакллари	Оммавий, жамоавий.
Ўқитиш шароитлари	Мультимедиа воситалари билан жиҳозланган ҳамда Интернет тизимига уланган компьютери мавжуд аудитория.
Мониторинг ва баҳолаш	Талабаларни мунозарада иштироки, тест натижалари.

2.6. Педагогик жараёнда фойдаланиладиган ахборот технологиялар ва дидактик материаллар ҳамда фаолият мазмуни

6.2.6-жадвал

Иш босқичлари ва вақти	Ўқув жараёни	
	Таълим берувчи	Таълим олувчилар
1 - босқич. Ўқув Машғулотига кириш (10 дақ.)	<p>1.1.Мавзунинг номи, мақсад ва кутилаётган натижаларни етказди, машғулот муаммоли таълим технологияси, ахборот таълим технологиялари асосида ташкилланишини эълон қилади.</p> <p>1.2.Талабаларни фаоллаштириш ва мавзуга йўналтириш учун блиц-сўров ўтказди:</p> <p>-Таълим жараёнида қўлланилиши мумкин бўлган техник воситаларни санаб беринг.</p> <p>- Замонавий компьютер технологияларни бошқа таълим техник воситалардан фарқи нимада?</p> <p>-Таълим жараёнида техник воситалар нима мақсадда қўлланилади?</p>	<p>1.1.Тинглайдилар, аниқлаштирувчи саволлар беришлари мумкин.</p> <p>1.2.Саволларга жавоб берадилар.</p>
2 – босқич Асосий (65 дақ.)	<p>2.1.Талабаларга мавзу моҳиятини очиб беришга қаратилаган фаолиятни ташкиллайди:</p> <p>-Талабалар олдига асосий муаммони қўйяди: “Яқин келажакда дунё таълим соҳаси тубдан ўзгаради ва унда мисли кўрилмаган ўзгаришлар рўй беради - бунга компьютер таълим технологиялари сабабчи бўлади”, деб</p>	<p>2.1.Биринчи кичик модул мазмунини ўзлаштиришга қаратилаган фаолиятни амалга оширадилар:</p> <p>-ўзларида мавжуд билим ва тасаввурларга таянган ҳолда асосий муаммоли саволга жавоб беришга</p>

	<p>таъкидлаш не чоғлиқ тўғри?” -асосий муаммо юзасидан баҳсли мунозара ташкиллайди. -Асосий муаммоли саволга жавоб топишга ёрдам берувчи кичик муаммоларни аниқлаш бўйича фаолиятни ташкиллайди, натижада қуйидаги кичик муаммолар шакллантирилади:</p> <ul style="list-style-type: none"> • Таълим ахборот воситалари қайси турларга бўлинади? • Таълим жараёнида ахборот технологияларидан қандай фойдаланилади? 	<p>ҳаракат қиладилар, мунозарада қатнашадилар, баҳслашадилар; -кичик муаммоларни шакллантиришда иштирок этадилар – асосий муаммоли саволга жавоб бериш учун уларда мавжуд бўлмаган билимлар доирасини аниқлайдилар.</p>
	<p>2.2. Биринчи кичик муаммо деб белгиланган “Таълим ахборот воситалари қайси турларга бўлинади?” саволига жавоб топишга қаратилган фаолиятни ташкиллайди – талабаларга биринчи кичик модул мазмунини тақдимотли маъруза усулида етказди. (қўлланманинг тегишли мавзу матни қисми) - Маърузанинг биринчи кичик модули бўйича билимларни умумлаштириш ва мустаҳкамлаш ва назоратни амалга ошириш мақсадида тест ўтказди (қўлланманинг тегишли мавзу бўйича “Назорат саволлари асосида тузилган тест” қисми) ва тест калитини тақдим қилиб, талабаларга ўз билимларини текшириши учун шароит яратади; -Йўл қўйилган хатоларни аниқлаштиради ва уларни</p>	<p>2.2.Ахборотни тинглайдилар, муҳим маълумотларни ёзиб борадилар.</p> <p>- Тест ечадилар, тест калити ёрдамида ўз-ўзларини назорат қиладилар, хатолар устида ишлаш жараёнида қатнашадилар.</p>

	<p>тўғрилаш бўйича фаолиятни ташкиллайди: тетсни тўғри ечган талабаларга сўз беради, зарур ҳолатда ўзи қайтадан маълумотни тушунтиради.</p>	
	<p>2.3. Иккинчи кичик муаммо деб белгиланган “Таълим жараёнида ахборот технологияларидан қандай фойдаланилади?” саволига жавоб топишга қаратилган фаолиятни ташкиллайди – талабаларга иккинчи кичик модул мазмунини тақдимотли маъруза усулида етказди, электрон ўқув қўлланмаларнинг ҳар хил турларини намойиш қилиб, шарҳлайди, талабалардан бу соҳада уларда мавжуд тажриба, тасаввурлари билан ўртоқлашишларини сўрайди; -Маърузанинг иккинчи кичик модули бўйича билимларни умумлаштириш ва мустаҳкамлаш ва назоратни амалга ошириш мақсадида тест ўтказди (қўлланманинг тегишли мавзу бўйича “Назорат саволлари асосида тузилган тест” қисми) ва тест калитини тақдим қилиб, талабаларга ўз билимларини текшириши учун шароит яратади; -Йўл қўйилган хатоларни аниқлаштиради ва уларни тўғрилаш бўйича фаолиятни ташкиллайди: тетсни тўғри ечган талабаларга сўз беради, зарур ҳолатда ўзи қайтадан</p>	<p>2.3. Ахборотни тинглайдилар, муҳим маълумотларни ёзиб борадилар, ўз тажрибаларига таянган ҳолда уларга таниш бўлган электрон ўқув дастурлар юзасидан қисқа маълумотлар берадилар.. - Тест ечадилар, тест калити ёрдамида ўз-ўзларини назорат қиладилар, хатолар устида ишлаш жараёнида қатнашадилар.</p>

	<p>маълумотни тушунтиради.</p>	
	<p>2.4. Талабаларда масофавий таълим бўйича билимларни шакллантиради:</p> <ul style="list-style-type: none"> - талабаларга учинчи ва тўртинчи кичик модуль мазмунини тақдимотли маъруза усулида етказди (қўлланманинг тегишли мавзу матни қисми); - Интернет тизимига уланиб, бир неча таълим порталлари, масофавий таълим хизматларини амалга оширувчи сайтлар саҳифаларини талабаларга намойиш қилади, -тақдим этилаётган сайтларни машғулот давомида олинган назарий маълумотларга боғлаш вазифасини беради, мунозара ташкиллайди. - Маърузанинг учинчи кичик модули бўйича билимларни умумлаштириш ва мустаҳкамлаш ва назоратни амалга ошириш мақсадида тест ўтказди (қўлланманинг тегишли мавзу бўйича “Назорат саволлари асосида тузилган тест” қисми) ва тест калитини тақдим қилиб, талабаларга ўз билимларини текшириши учун шароит яратади; Йўл қўйилган хатоларни аниқлаштиради ва уларни тўғрилаш бўйича фаолиятни ташкиллайди: тетснн тўғри ечган талабаларга сўз беради, 	<p>2.4. Ахборотни тинглайдилар, муҳим маълумотларни ёзиб борадилар, берилган савол юзасидан фикрлайдилар.</p> <p>-Ўқитувчи томонидан намойиш қилинаётган Интернет сайтлар мазмуни, тузилмасини таҳлил қилиб, машғулот давомида олган назарий маълумотларини амалда текшириб кўрадилар – шу юзасидан ўз фикрларини билдирадилар.</p> <p>-Тест ечадилар, тест калити ёрдамида ўз ўзларини назорат қиладилар, хатолар устида ишлаш жараёнида қатнашадилар.</p>

	зарур ҳолатда ўзи қайтадан маълумотни тушунтиради.	
3 - босқич. Якуний (10 дақ.)	<p>3.1.Билимларни умумлаштириш ва мустаҳкамлаш мақсадида асосий муаммоли савол деб белгиланган “Яқин келажакда дунё таълим соҳаси тубдан ўзгаради ва унда мисли кўрилмаган ўзгаришлар рўй беради - бунга компьютер таълим технологиялари сабабчи бўлади”, деб таъкидлаш не чоғлиқ тўғри?” саволига жавобни шакллантиришга қаратилган баҳсли мунозарани ташкиллайди.</p> <p>3.2.Талабаларга мавзу бўйича мустақил таълим вазифасини бажариш бўйича услубий кўрсатмалар беради.</p>	<p>3.1.Асосий муаммо юзасидан ўз фикрларини билдирадилар, уларни машғулот давомида олган назарий маълумотлар, таҳлил қилинган Интернет сайтларидан мисоллар билан исботлашга ҳаракат қиладилар.</p> <p>3.2.Мустақил вазифани бажариш бўйича кўрсатмалар оладилар.</p>

2.7. Ўрта модулнинг мазмунини ифода этувчи матн сценарийси

Биринчи кичик модул

Ахборот таълим воситалари тараққиётини қуйидаги 5 босқичга ажратиш мумкин:

1. Китоб яратилишигача қадар қўлланилган ёзув;
2. Босма ахборот даври;
3. Таълимнинг техник воситалари;
4. Компьютер даври;
5. Глобал компьютер тармоқлари даври.

Китоблар чоп этила бошланган даврни (1455 й.) *биринчи ахборот инқилоби* деб аташади. XX аср эса техник ва ахборот воситалар ва уларнинг таълимда қўлланилиши билан боғлиқ бўлган буюк кашфиётлар асри бўлди. Фоторафия, кинематограф, радио, овозни магнитли ёзиш, телевидение, видеомагнитофон каби

воситаларнинг ихтиро қилиниши таълим жараёнига янгидан-янги имкониятларни олиб кирди.

XX асрнинг 50-60 йилларида таълимда тасвирни проекция қилиб беришга кодир аппаратлар, слайдлар, эпипроекторлар, ўқув кинофильмлари, ўқув телекўрсатувлар, автоматлаштирилган (электромеханик) назорат мосламалари (электромеханик), лингафон кабинетлар, видеомагнитофон каби ускуналар қўлланила бошлади.

Иккинчи ахборот инқилоби 1976 йилда персонал компьютернинг яратилиши билан боғлиқ. Компьютернинг ихтиро қилиниши маданий ривожланиш жараёнига китоб ихтиросидан сўнг вужудга келган ўзгаришлар билан тенг келадиган инқилобий ўзгаришларни келтириб чиқарди. Ахборот ҳажми ва узатилиш тезлиги минг маротаба кўтарилди. Исоният янги, ахборот даврига қадам босди. Компьютер жамият, ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларига жадал кириб келди.


Глобал тармоқлар ва Интернетнинг кашф қилиниши *учинчи ахборот инқилоби* бўлди. Олимлар фикри бўйича ҳозир инсоният жамиятнинг индустриал туридан ахборотли турига ўриш даврида турибди. Бугунги кунда бутун дунё алоқа тизимлари билан қуршаб олинган. Шу сабабли ёшларнинг ахборот технологияларни билиши, ахборот маданиятини эгаллаши муҳимдир. Ахборотга бўлган эҳтиёжнинг ўсиши янгидан янги ахборот технологияларнинг вужудга келишига сабаб бўлмоқда.

Компьютер коммуникациялари ўз ичига бир неча шаклларни олади:

- Электрон почта;
- Электрон конференция алоқаси (форум);
- Видео-конференция алоқаси;

Интернет.

Телекоммуникация воситалари талаба ва ўқитувчиларга катта имкониятларни яратади. Ҳар қандай ҳажмдаги ва турдаги ахборотни ҳар қайси жойга ўша заҳотиёқ юбориш ва қабул қилиш; интерфаоллик ва қайтувчан алоқа; турли ахборот манбаларига кириш имконияти; ҳамкорликда телекоммуникацион лойиҳаларни амалга ошириш; электрон конференциялар орқали ҳар қандай қизиқтирган саволни бериш.



АТТ ларнинг қўлланилиши натижасида:	
зурурий маълумотларни мусатқил излаб топа оладиган, уларни таҳлил қила оладиган, тахмин қила олдиган, моделлар ярата оладиган, тажриба ўтказа оладиган, хулоса чиқариш, мураккаб вазиятларда қарор қабул қила оладиган инсон шаклланади.	ўқув-тарбия жараёни жадаллашади- - таълим самарадорлиги ва сифати ошади; - тахсил олувчида таълимга бўлган интилишни кучайтирувчи ва унинг билиш фаолиятини фаоллаштирувчи рағбатлар (стимуллар)и таъминланади; - ахборотларни қайта ишлашда қўлланиладиган замонавий воситалар (шу жумладан аудиовизуал воситалар)ни қўллаш орқали фанлараро боғланишлар кучайтирилади.

Фанларни ўқитишда АТТдан қуйидаги даражаларда фойдаланилади:

- Ҳар хил тоифадаги тахсил олувчиларни ўқитишда компьютердан фойдаланиш;
- Барча фанларни ўқитишда компьютердан фойдаланиш;
- Реал амалий масалаларни ечишда компьютердан фойдаланиш;
- Таълим жараёнида компьютер ўқув дастурлари, мультимедиа материаллари, мустақил таълим, тренинг, назорат дастурларидан фойдаланиш.

Компьютер ўқув фаолияти бошқарувини такомиллаштиришга ёрдам беради. Бунда компьютернинг интерактивлик фаолияти қуйидагича намоён бўлади: **таҳсил олувчи ўзи** компьютерли ёрдам шаклини, яъни, маълумотларни тақдим этиш шакли, усулини - танлаши мумкин – таълим жараёнини ўзи бошқариши мумкин.

Сўнги тадқиқотларнинг таъкидлашича, инсон хотирасида эшитган маълумотларнинг $\frac{1}{4}$ қисми, кўриш орқали қабул қилган маълумотларнинг $\frac{1}{3}$ қисми, бир пайтнинг ўзида кўриш ва эшитиш орқали қабул қилинган маълумотларнинг $\frac{1}{2}$ қисми, юқорида санаб ўтилганлардан ташқари агарда таҳсил олувчи таълим жараёнига фаол киришган бўлса, $\frac{3}{4}$ қисми қолар экан. Демак таълим жараёнида компьютерни қўллаш ушбу жараён самарадорлигини оширади.

Ўқитувчининг бошқариш-ўқитиш фаолияти қуйидагилардан иборат:

- компьютер воситаларини қўллашнинг умумий стратегик режасини ишлаб чиқиш (узок муддатли педагогик жараённи мақсадлаш, режалаштириш). Бу босқичда ўқитувчи дидактик модуллар ва блокларни танлайди, тузади.

- мавзуй тактик режалаштириш;

- компьютерни алоҳида ўқув машғулотида қўллашни режалаштириш (назарий машғулоти, амалиёт ва ҳоказо);

- машғулоти вақтида таҳсил олувчиларнинг таълимий фаолиятини бошқариш, анъанавий ва компьютер воситаларини ўзаро боғлаб қўллашни амалга ошириш;

таҳсил олувчилар билан шахсий мулоқот (суҳбат, маслаҳат, тарбиявий таъсир).

Таълим жараёнини лойиҳалаштиришда ўқитувчи қуйидагиларни эътиборга олиши шарт:

➤ қўшимча ахборот компьютер воситалари аниқ услубий вазифани бажариши керак бўлсагина уларни қўллаш керак;

➤ ахборот технологияларни педагогик технологиялар билан биргаликда қўллаш;

➤ ахборот коммуникатив воситаларни қўллашда таҳсил олувчилар саломатлигини сақлашга эътибор бериш керак;

➤ таҳсил олувчига берилаётган маълумотларни чекламаслик – таҳсил олувчи қанча маълумотни ўзлаштира олса, барчасини унга тақдим этиш лозим;

компьютер одамнинг имкониятларини кўп маротаба кучайтириши мумкин бўлсада, унинг ўрнини боса олмайди.

Таълимнинг дастурий воситалари деб, ўзида маълум фан соҳасини ақс эттирган, маълум даражада уни ўрганиш технологияси амалга оширилган, ўқув фаолиятининг ҳар хил турларини амалга ошириш учун зарурий шартлар таъминланган компьютер маҳсулотларига айтилади.

Ўқув фанларининг дастурий таъминоти турлима-турлидир: *электрон дарсликлар, тренежёр-дастурлар, конструкторлар, лугатлар, маълумотномалар, энциклопедиялар, хрестоматиялар, ўқиш учун китоблар, музейлар, экскурсиялар, саёҳатлар, ўйинлар, ўқитувчи учун услубий материаллар, видеодарслар, электрон кўргазма қуроллар кутубхонаси* ва бошқалар.

Масалан, тил ва адабиёт фанлари учун тренежёр-дастурлар – диктант, машқ, баён, иншо (компьютер ҳатоларни текширади).

Математика. Формула ва ҳисоб-китоблар электрон жавалларда. Турли мавзулар бўйича ўқитадиган дастурлар - “Жонли геометрия”, дастурий-услубий мажмуалар.

Бундай дастурларда ўрганилаётган объектлар ҳақида фазовий тасаввур муҳим бўлган геометрия, химия, физика, биология фанларини ўқитиш янгича тамойилларга асосланган.

Чет тиллари. Чет тилини ўрганиш бўйича интерактив курслар, лексик ўйинлар, мультимедиа тренежёрлар, электрон дасрликлар.

Физика ва астрономия. Тажрибалар натижаларини электрон жадвалларда қайта ишлаш. Турли мавзулардан ўргатувчи ва моделлаштирувчи дастурлар (“Жонли физика”, “Физик эксперимент”, “Интерактив планетарий” ва бошқалар).

Иккинчи кичик модул

Компьютернинг таълим жараёнини индивидуалаштириш ва дифференциациялаштириш хусусиятлари асосида билим олиш технологиясининг ўзгариши педагогик жараёнда ўқитувчи ролини тубдан ўзгаришини келтириб чиқаради. Бунда ўқитувчи ёрдамчи, маслаҳатчи, навигатор (йўналтирувчи) вазифасини бажаради. “Билим бериш” шиори “Ўқишга ўргатиш” шиорига ўзгартирилади.

Компьютер воситаларини *интерактив* деб белгиланиши сабаби, улар таҳсил олувчи ёки ўқитувчи ҳаракатларига “жавоб беришлари”, улар билан “диалогга киришишлари” мумкин.

Таълимнинг гуруҳий шакллари. Индивидуал шаклларнинг ривожланишидан ташқари компьютер воситасида ҳамкорликда ўқиш шакллари ҳам таълимга кириб келмоқда. Келажакда махсус компьютер тармоқларининг яратилиши ҳар хил ўқув муассасалари,

ҳаттоки регионлари таҳсил олувчиларга ҳамкорликда ишлашга имконият яратади.

Ахборотни тақдим этиш. Компьютер ахборотни тақдим этиш имкониятларини кенгайтиради. Мультимедиадан фойдаланиш кўргазмаларни реалликка яқинлаштира олади.

Компьютерда моделлаштириш (тажриба ўтказиш) табиий боғланишларни чуқур англаш ва дунёнинг табиий-илмий тасвирини шакллантириш учун айниқса аҳамиятлидир. Компьютер дастури маълум бир тизимни ифодалаши, таҳсил олувчи эса ушбу тизимга турли таъсирларни амалга ошириб, улар келтириб чиқарган натижаларни ўрганиб чиқиши мумкин.

Мультимедиа. Замонавий дастурий таълим воситалари мультимедиалидир. У анимация, овоз, видеотасвир билан таъминланган дастурлар билан ишлашга имкон яратади. Мультимедиа қўланилганда инсоннинг бир неча хис органларига таъсир амалга оширилади. Анимация (лот. anima - рух) – расмларни машина графикаси ёрдамида “жонлантириш” маъносини англатади.

Мультимедиа воситалари ёрдамида ўтказиладиган интерфаол маърузаларни ташкиллаш услубиёти.

Ўқитувчининг изоҳлари билан биргаликда қабул қилинаётган видеоматериал ёки анимация талабалар диққатини фаоллаштиради. Таълим қизиқарли ва эмоционал бўлиб боради, талабаларда эстетик қониқиш пайдо бўлади. Ўқитувчи ўз ўрнида маърузанинг энг мураккаб жойларига кўпроқ тўхталиб, вақтдан оқилона фойдаланади.

Ўқитувчи маърузага тайёрланиш жараёнида «PowerPoint» ёрдамида зарурий миқдорда слайдлар тайёрлайди. Маъруза мазмунини етказиш жараёнида ўқитувчи слайдларни тасвир сифатида намоиш қилади. Бу ўқув материални ўзлаштириш сифатини оширади.

Компьютерли дарс – дарс жараёнида таълим воситаси сифатида компьютердан фойдаланилган ҳар қандай дарс.

Янги материални ўрганиш (тушунтириш). Ўқитувчи таълим жараёнини бошқаради, йўналтиради, ташкиллайди. Янги маълумотни ўқитувчи таҳсил олувчиларга компьютер ёрдамида етказиши ёки улар янги маълумотларни компьютердан мустақил оладилар. Бу босқичда гуруҳий (фронтал) ташкилланади (компьютерли ёки компьютерсиз).

Мустақамлаш. Таълим жараёнида компьютерни қўллаш мустақамлаш индивидуал ёки табақалаштирилган дастурни қўллашга имконият яратади. Бунда синф маълум жиҳатларига кўра

гуруҳларга ажаратилади ва ҳар бир гуруҳ ўз варианты бўйича иш олиб боради.

Такрорлашда билимларни умумлаштириш ва тизимлаштириш учун компьютернинг график имкониятлари, тренажёр-дастурлар қўлланилади.

Билимларни **назорат** қилиш. Компьютер назорати қатор афзалликларга эга:

-назоратнинг индивидуаллашуви (вақти, мураккаблик даражаси бўйича);

-баҳонинг объективлиги ошади;

-тахсил олувчи бажарган вазифаларда ўзи томонидан йўл қўйилган хато, камчиликларни аниқ кўра олади;

-баҳоланиш машғулот якунида эмас, балки ҳар бир босқичда, топшириқ бажарилганидан сўнг қўйилиб боради;

баҳолашга минимал вақт сарфланади.

Учинчи кичик модул

Масофавий таълим бу масофадан туриб ўқитиш бўлиб, бунда ўқитувчи ва талаба ўртасида масофа мавжуд. Масофавий таълимнинг асосий жиҳати бу талабаларга мустақил билим олиш имкониятини берилишидир.

Масофавий таълим (МТ) бу машғулотлар матни эмас, балки ўз ичига тизимлардан ахборот излаш, ўзаро хатлар ёзиш, маълумотлар базаларига, матбуотга мурожаат қилишни ўз ичига олган яхлит жараён дир. МТ моҳиятан индивидуал таълимга асосланган бўлишига қарамай, талабани ўқитувчи ва бошқа талабалар билан боғланишини, ҳамкорликда фаолият олиб боришини инкор қилмаслиги зарур.

Видео- ва телевизион маърузалар, “юмалоқ стол”лар, компьютерли видео- ва матнли конференцияларнинг ўтказилиши, ўқитувчидан тез-тез маслаҳатлар олиб туриш имконияти бўлганлиги ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги ҳамкорликни янада интенсивлаштиришга олиб келади. Бу ҳаттоки электрон семинар ва ишбилармон ўйинлари ўтказишни ҳам назарда тутди.

Интернетнинг қуйидаги жиҳатлари уни масофавий таълимда самарали қўлланилишини белгилаб беради:

► ахборот узатиш, ахборотларга ўзгартиришлар киритиш жиҳатлари;

► Интернетдан олинган ахборотни сақлаш, чоп этиш, унга ўзгартиришлар киритиш имконияти борлиги;

- ▶ мультимедиали ахборот ва тезкор қайтувчан алоқа ёрдамида интерфаоликнинг таъминланиши;
- ▶ турли маълумотлар банкига кириш мумкинлиги;
- ▶ электрон конференциялар, аудиоконференция ва видеоконференциялар ўтказиш имконияти;
- ▶ Интернетга уланган ҳар қандай бошқа инсон билан диалогга киришиш имконияти борлиги;
- ▶ электрон конференциялар орқали ҳар қандай саволга жавоб сўраш имконияти борлиги;
- ▶ олинган ахборотларни дискетага олиш ва керакли вақтда ва жойда ушбу ахборотларни ишлатиш мумкинлиги.

Интернет ахборотни оммалаштиришда вақт, масофа, пул билан боғлиқ бўлган тўсиқларни пасайтиришга олиб келди. Албатта, бу таълим учун катта аҳамият касб этади.

Тўртинчи кичик модул

МТнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан ўқув материални тўғри ташкилланганлигига боғлиқ. Ўқув материали ўқитувчи ва талабалар, ҳамда талабалараро ҳамкорлик қандай ташкилланишидан келиб чиқиб тузилади. Агар ўқув курси мустақил таълимга мўлжалланган бўлса, унда ўқув материали бир кўринишда, таълим ўқитувчи ва талаба ҳамкорлигида ташкилланишига асосланса, бошқа кўринишда бўлади.

Ҳамкорлик, биргаликдаги фаолият ҳақида сўз юритилганида бундай курслар қатор талабларга жавоб бериши керак, бу талаблар телекоммуникацион тизими шароитида ўқитувчи ва талабанинг ўзаро таъсирининг хусусиятларидан келиб чиқади:

- умумдидактик талаблар;
- ахборотни экрандан қабул қилишнинг психологик хусусиятлари;
- эргономика талаблари ва бошқалар.

Табиийки, биринчи ўринда дидактик ва билиш мақсадларидан келиб чиқилади. Иккинчидан, таълим оловчилар хусусиятлари инобатга олинishi даркор.

МТ самарадорлиги ўқув материаллари ва ушбу жараёнда қатнашаётган ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратига боғлиқдир.

Ҳар қандай масофавий ўқитишнинг самарадорлиги тўртта элементдан иборат:

- а) ўқитувчи ва талабанинг ўзаро ҳамкорлигининг самарали ташкилланиши (уларнинг ўртасида катта масофа бўлса ҳам);

- б) қўлланиладиган педагогик технологиялар;
- в) услубий материаллар ва уларнинг етказилиши самарали ташкилланганлиги;
- г) қайтувчан алоқанинг самарадорлиги.

Замонавий масофавий курсни ташкиллашда эътиборга олиши зарур бўлган педагогик талаблар:

1. Таълим жраёни марказида талабанинг мустақил ўқув фаолияти туради (ўқитиш эмас – ўқиш фаолияти).

2. Талаба турли ахборот манбаларидан фойдаланган ҳолда мустақил таълим олишни ўрганиши муҳим.

3. Мустақил таълим олиш пассив характерда бўлмасдан, аксинча, таҳсил олувчи жараённинг дастлабки босқичиданоқ фаол билиш жараёнига жалб қилинган бўлиши шарт.

4. Мустақил таълимнинг ташкилланиши таълимнинг ушбу шаклига мос келувчи замонавий педагогик технологияларни қўллашни талаб этади. Бунда айниқса самарали қўлланиладиган технологиялар деб ҳамкорликда ўқитиш, лойиҳавий таълим, муаммоли таълимларни кўрсатиш мумкин.

5. Назорат мунтазам равишда ўтказилиб туриши ва тезкор қайтувчан алоқага асосланиши даркор.

Лекин Интернетда маълумотларнинг ниҳоятда кўплиги, уларни умумий тузилмага эга эмаслиги, ахборот излашни қийинлаштиради. Бундан ташқари Интернетда талаба диққати бошқа қизиқарли нарсаларга тез чалғийди ва назоратсиз фаолият олиб бораётган талаба умуман ўқув курсига тааллуқли бўлмаган ахборотларга ўтиб кетади.

Бугунги кунда МТ курсининг қуйидаги тузилмаси кенг қўлланилади:

- **курс муаллифи** ва тьютор исмлари ва расмлар (бу аудио- ёки видео ролик ҳам бўлиши мумкин), уларнинг биографиялари ва асосий илмий ишлари рўйхати;

- **кириш** (курс ҳақида маълумот: кимлар учун мўлжалланган, ўзлаштириш учун зарурий шароитлар, жадвал, курс мақсад ва вазифалари, курс аннотацияси, курсни ташкилий жиҳатлари, зарурий адабиётлар, таълим тартиби, бошқа фанлар билан боғлиқлиги);

- калит сўзлар ажратиб ёзилган, тасвирли модуллар кўринишида бўлган **асосий матн**;

анкеталар пакети, маълумотномалар; мониторинг блоки; янгиликлар, эълонлар доскаси; алоқа учун манзиллар рўйхати; тестлар;

форум; электрон кутубхоналар; FAQ (кўп учрайдиган саволлар); назорат тизими.

МТнинг самарадорлигини аниқлаш учун қуйидаги мезонлар эътиборга олинади: таҳсил олувчиларнинг МТ ҳақидаги субъектив фикрлари; таҳсил олувчиларда шакллантирилган малакалар даражаси; таълим олиш учун сарфланадиган вақт; курсни ўқишни бошлаган таҳсил олувчилар ва уни якунлаган таҳсил олувчилар сони ва бошқалар.

Интернет орқали ўқишнинг камчиликларидан бири – Интернетга бир вақтда уланган одамлар сони қанчалик кўп бўлса, ундаги боғланиш сифати шунчалик ёмонлашади.

Ўз ечимини кутаётган яна бир масала бу МТни янада интерфаол бўлиши зарурлигидир. Ўқитувчи ва талаба, талабалараро боғланишнинг бир неча шакллари бўлсада, улардан фойдаланишнинг ўзига хос қийинчиликлари бор. Ҳозирги кунда МТни “виртуал (хаёлдаги) синфда ўқитишга” яқинлаштиришга эҳтиёж сезилмоқда.

ХУЛОСА

Педагогик технологиядан фойдаланаётган кўпгина ривожланган мамлакатлар таълим жараёнини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришга эришаётганлиги ҳаётда ўз тасдиғини топмоқда. Ушбу ўқув ва илмий-услубий қўлланмада баён этилган маълумотлар педагогик технологиянинг салоҳияти тўғрисида фикр юритишга асос бўлади. Унга амал қилган таълим берувчилар таълим олувчиларга билим беришда албатта самарали натижаларга эришади. Айниқса, бу таълим олувчиларнинг мустақил фикрлаш, касбий маҳорати, ижодий қобилиятларини ривожлантиришда ҳамда бошқа ташкилий-услубий ишларни амалга оширишда муҳим.

Педагогик технология доирасида яратилган турли хил ишланмалар таълим самарадорлигини оширишга оқилона ва ижодий ёндашишга, бунда таълим берувчи ўз эркинлигига эга бўлиши, дарсда қўлланилган турли усуллар, воситалар самарадорлигини ўзи баҳолашга имконият яратади.

Ушбу ўқув қўлланмани яратишда “Педагогик технология – замонавий ўзбек миллий модели” асос қилиб олиниб, ҳаммага маълум бўлган усулларнинг энг яхши томонлари ва ПТ тамойиллари бўйича ўқув машғулотлари лойиҳаси ишлаб чиқилди. Педагогик технологиянинг мазмун ва моҳияти янада ҳаммага аёнроқ бўлиши учун “Педагогик технология” фани ўқув машғулотларининг лойиҳалари тулик келтирилди.

Ушбу ўқув қўлланма магистр мутахассисликлари ва бакалавр йўналшдаги талабалар билан биргаликда, узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчилар, педагоглар жамоаси, илмий тадқиқотчилар учун зарур манба бўлиб, педагогик технологияни таълим жараёнига жорий этиш масаласида барча фанлар ўқув машғулотларининг лойиҳаларини ишлаб чиқишда **андоза** ҳамда таълим жараёнига татбиқ этиш бўйича услубий ёрдам бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Каримов И.А. Мамалакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фикоралик жамиятини ривожлантириш концепсияси. Ўзбекистон Республикаси президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. Халқ сўзи газетаси, 13.11.2010 йил.
3. «Баркамол авлод йили» давлат дастури тўғрисида Президент Қарори. 2010 йил, “Маърифат” 27 январь, 2010 й.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: “Маънавият”, 2008.
5. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: “Ўзбекистон”, 1992, 66-бет.
6. Каримов И.А. “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади”. Ўзбекистон Республикаси Ислам Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси, “Халқ сўзи” газетаси, 22.01.2011
7. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонун (1997 йил 29 августда қабул қилинган)/. Баркамол авлод –Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Т.:Ўзбекистон. 1997.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” /Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Т.:Ўзбекистон. 1997.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 1533-сонли Қарори.
10. "Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар".–Т.: "Ўзбекистон" нашриёти, 2000.
11. Абу Райхон Беруний. Танланган асарлар. – Т.: Фан, 1968. Б.151.
12. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. - Т.: Ўқитувчи, 1992. 17 б.

13. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технологиялар и педагогик маҳорат - Т.: ТДПУ, “Низомий”, 2003.
14. Авлиёқулов Н. Замонавий ўқитиш технологиялари. Тошкент, 2001.
15. Зиёмуҳаммадов Б., Тожиев М. Педагогик технология-замонавий ўзбек миллий модели.-Т.: “Лидер Пресс”, 2009.-104 бет.
16. Зиёмуҳаммадов Б. Педагогик маҳорат асослари. Т.: “TURON-IQBOL”, 2006.
17. Беспалько В.П. О возможностях системного подхода в педагогике. –Сов. педгогика, 1990, №7, с.59-60.
18. Боголюбов В.И. Эволюция педагогических технологий // Школьные технологии - 2004. - № 4.-С.12.
19. Бабанский Ю.К. Оптимизация процесса обучения. –М.:Педагогика, 1977.
20. Бекмуродов А.Ш, Голиш Л.В, Пулатов М.Э, Хажиева К.Н. Проектная технология обучения в вузе: Методическое пособие. - Т.: Тошкент давлат иқтисодиёт университети, 2009.
21. Голиш Л.В., Файзуллаева Д.М. Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш: Ўқув услубий кўлланма/ Таълимда инновацион технология серияси. – Т.: 2010.- 149 б.
22. Давлетшин М.Г.«Модульная технология обучения». - Т. 2000.
23. Данилов М.А. Есипов Б.П. Дидактика. – М., 1957
24. Жўраев Р., Саматов /., Қаршибоев Ҳ. Замонавий инфорацион ва педагогик технологиялар асосида табиий фанларни ўқитиш. –Ж.: Халқ таълими, 1-сон, 2002 й.
25. Йўлдошев Ж.Ғ., Усмонов С.А. Педагогик технология асослари, Т.: “Ўқитувчи”, 2004.
26. Ишмухаммедов Р. Инновацион технологиялар ёрдамида таълим самарадорлигини ошириш йўллари. – Т.: ТДПУ, 2005.
27. Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе, М.: Знание. 1989. С .75.
28. Лернер И.Я. Внимание о технологии обучения // Сов. Педагогика. 1990. №3. С. 139.
29. Руско-Узбекский словарь. Том II, Ташкент, 1984. С.420.
30. Маънавият асосий тушунчалар изоҳли луғати. Т.: “Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи”, 2009. -760 б.
31. Махмудов М. Таълимни дидактик лойиҳалаш (Рисола). – Т.: Абдулла Қодирий номидаги “Халқ мероси” нашриёти, 2002. - 79 б.

32. Монахов В.М. Аксиоматический подход к проектированию пед. технологии. – Педагогика. 1997, №6 С.26.
33. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. – Қарши. Насаф, 2000.
34. Пардаев М.Қ. Иқтисодиётга оид фанларни янги педагогик технология методларини қўллаб ўқитиш /Услубий кўрсатма. – Самарқанд, 2007.
35. Педагогик энциклопедия. 1965.
36. Педагогика / Акад. С.Р.Ражабовнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Ўқитувчи. 1981.
37. Педагогические технологии / Под. ред. Кукушина В. С. – М.: 2006.
38. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат – Т.: Фан, 2006.
39. Пирмухамедова М. Педагогик маҳорат асослари. Т.: 2001.
40. Питюков В.Ю. Основы педагогической технологии. - М.: Гном-Пресс, 2003 (ўқув қўлланмаси).
41. Тожиев М., Зиёмухаммадов Б. Миллий педагогик технологиянинг таълим-тарбия жараёнига татбиғи ва уни ёшлар интеллектуал салоҳиятини юксалтиришдаги ўрни. Монография /Т.: «MUMTOZ SO'Z», 2010. - 271 б.
42. Тожиев М., Толипов Ў.Қ., Сейтхалилов Э.А., Зиёмухаммадов Б. Педагогик технология – замонавий илмий-назарий асоси, //ОЎМКХТРМ. -Тошкент: “Ishonch M.S.”, 2008. -186 б.
43. Тожиев М., Алимов А.Я., Қўчқаров Д.У. Педагогик технология – таълим жараёнига татбиғи: ўқув машғулотларининг лойиҳаси, I қисм., “ТАҒАККУР”, 2010. -148.
44. Толипов Ў.Қ., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг татбиқий асослари.-Т.: “Фан”,2006.
45. Толипова Ж.О. Педагогик технологиялар - дўстона муҳит яратиш омили. – Тошкент: ЮНИСЕФ, 2005 (ўқув қўлланмаси).
46. Сайидахмедов Н. Янги педагогик технологиялар.-Т.: “Молия”,2003. –
47. Сейтхалилова Э.А., Қурбонов Ш. Управление качеством образования. Ташкент, Шарк, 2004 г.
48. Сластенин В.А., Подымова Л.С. Педагогика инновационная деятельность. –М., 1998 г.
49. Селевко Г.К. Современные образовательные технологии. - М.: Народное образование, 2004 (ўқув қўлланмаси).

50. Султанова Г.А. Педагогик маҳорат. Ўқув-методик қўлланма. ТДПУ.Т., 2005.
51. Ғаффорова Т. ва бошқалар. Таълимнинг илғор технологиялари. – Қарши.: Насаф. 2003. -112 б.
52. Ғуломов С. С., Перегудов Л. В.. Фан ва техникада системавий ёндашиш асослари. Т.: «Молия» нашриёти, 2002 йил. 112-бет.
53. Қурбонов Ш. Кадрлар тайёрлаш ва миллий истиқлол ғояси. Ж.: Халқ таълими, 1-сон, 2001. 4-13 б.
54. Форобий, Арасту фалсафаси. Фозил одамлар шахри. Т. “Халқ сўзи” 1993, Б.60
55. Фарберман Б.Л., Мусина Р.Г. и др. Инструменты развития критического мышления.- Т.: Минвуз, 2002.
56. Юзвяичене П.А. Теория и практика модульного обучения. Каунас, 1989. С – 126
57. Чошанов М.А. «Гибкая технология проблемно-модульного обучения». - М.: Народное образование, 1996.
58. Шаталов В.Ф. Эксперимент продолжается. М.:Педагогика, 1989.
59. Ходиев Б.Ю, Голиш Л.В, Рихсимбоев О.К. Кейс- стади - иқтисодий олий ўқув юртидаги замонавий таълим технологиялари: Илмий - услубий қўлланма. - Т.: Тошкент давлат иқтисодиёт университети, 2009.
60. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Учинчи жилд. Т., “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2010.
61. Ян Амос Коменский. Буюк дидактика Т.: “Ўқитувчи”, 1966.

МУНДАРИЖА

Т/р	Мавзулар	
	Кириш	4
1.	Миллий педагогик технология асосида “Педагогик технология” фани ўқув машғулотларининг лойиҳалари.....	7
2.	Ўқув мақсадларини белгилаш усуллари.....	7
3.	“Педагогик технология ва педагогик маҳорат” фанининг катта модуллари, улардан кўзланган мақсадлар ва таркибидаги ўрта модуллар сони.....	11
4.	Ўрта модуллар ва ўқув соатларининг умумий сони.....	14
5.	БИРИНЧИ КАТТА МОДУЛ – Педагогик технологияни назарий асослари: Кадрлар тайёрлаш миллий модели ва педагогик технологияни ривожланиш тарихи ҳамда унинг замонавий таснифи.....	15
6.	Биринчи катта модулнинг биринчи ўрта модул мавзуси: Таълимни модернизация қилиш масаласининг долзарблиги ва педагогик технология ғоясининг вужудга келиши ҳамда квантлар назарияси ва синергетика, мажмулар назарияси ва мажму ёндошув тамойили.....	15
7.	Биринчи катта модулнинг иккинчи ўрта модул мавзуси: Таълимга технологик ёндашув моҳияти, ўқитиш жараёнига технологик ёндашиш хусусиятлари ва “Технология” сўзининг маъноси ҳамда педагогик технология замонавий таърифи, педагогик технология моҳияти.....	40
8.	Биринчи катта модулнинг учинчи ўрта модул мавзуси: Педагогик технология тамойиллари ва уларнинг изоҳлари, педагогик мақсадларни белгилаш йўллари, педагогик мақсадлар таксономияси ва педагогик технология турлари ..	53
9.	Биринчи катта модулнинг тўртинчи ўрта модули мавзуси: Педагогик технология назарий асослари ва замонавий педагогик технология турлари.....	68
10.	ИККИНЧИ КАТТА МОДУЛНИНГ НОМИ – Талабалар фаолиятини фаоллаштириш ва жадаллаштириш (интенсивлаш)га асосланган таълим технологиялари.....	70
11.	Иккинчи катта модулнинг биринчи ўрта модул мавзуси: Талабалар фаоллиги, муаммоли таълим усули, лойиҳалар усули ва ўйинли технологиялар.....	70
12.	Иккинчи катта модулнинг иккинчи ўрта модул мавзуси:	90

	Талабалар фаолиятини фаоллаштириш ва интенсификациялашга асосланган таълим технологиялари...	
13.	УЧИНЧИ КАТТА МОДУЛНИНГ НОМИ – Таълим жараёнини замонавий педагогик технология асосида ташкил қилишда қўлланиладиган педагогик усуллар.....	93
14.	Учинчи катта модулнинг биринчи ўрта модули: Интерфаол усуллар ва уларнинг тавсифи ва таълим жараёнини замонавий педагогик технология асосида ташкил қилишда қўлланиладиган педагогик усуллар.....	93
15.	Учинчи катта модулнинг иккинчи ўрта модули: Таълим жараёнини замонавий педагогик технология асосида ташкил қилишда қўлланиладиган педагогик усуллар.....	111
16.	ТЎРТИНЧИ КАТТА МОДУЛНИНГ НОМИ – Ўқув материални дидактик такомиллаштириш ва реконструкциялаш асосидаги таълим технологиялари	114
17.	Тўртинчи катта модулнинг биринчи ўрта модул мавзуси: Интеграллашган таълим технологиялари ва модулли таълим технологияси	114
18.	Тўртинчи катта модулнинг иккинчи ўрта модул мавзуси: Ўқув материални дидактик такомиллаштириш ва реконструкциялаш асосидаги таълим технологиялари.....	127
19.	БЕШИНЧИ КАТТА МОДУЛНИНГ НОМИ – Ўқув машғулотларини лойиҳалаштириш.....	131
20.	Бешинчи катта модулнинг биринчи ўрта модул мавзуси: Ўқув машғулотларини лойиҳалаштириш.....	131
21.	Бешинчи катта модулнинг иккинчи ўрта модул мавзуси: Ўқув машғулотларини лойиҳалаштириш.....	152
22.	ОЛТИНЧИ КАТТА МОДУЛНИНГ НОМИ – Дастурлаштирилган ва ахборот-комунникация таълим технологияси.....	155
23.	Олтинчи катта модулнинг иккинчи ўрта модул мавзуси: Дастурлаштирилган таълим технологияси моҳияти, чизиқли дастур ва тармоқлашган дастур	155
24.	Олтинчи катта модулнинг иккинчи ўрта модул мавзуси: Ахборот таълим технологиялари ва масофавий таълим технологияси (МТТ).....	165
25.	Хулоса	187
26.	Фойдаланилган адабиётлар	188
27.	1-илова. Талабалар мустақил таълимнинг мазмуни ва ҳажми..	194

Талабалар мустақил таълимнинг мазмуни ва ҳажми

Ишчи ўқув дастурининг мустақил таълимга оид бўлим ва мавзулари	Мустақил таълимга оид топшириқ ва тавсиялар	Тавсия этилган адабиётлар	Ҳажми (соатда)
Педагогик технологиянинг психологик асослари	Мавзуга оид назарий маълумотларни ўрганиб чиқиш ва “Таълимга анъанавий ёндашувни тубдан ўзгаришини келтириб чиқарган асосий психологик ғоялар” мавзусида реферат тайёрлаш: - рефератга қўйиладиган талабларга риоя қилинг.		2
Педагогик технологиялар илмий асослари. Замонавий педагогик технологиялар таснифи. Педагогик технологияларга қўйиладиган асосий талаблар. Педагогик технология турлари.	Мавзуга доир адабиётларни таҳлил қилиш, шу асосда таянч конспект тайёрлаш: - таянч конспект тузганда мос график ташкилловчилардан фойдаланинг; - мавзу мазмунини тўлиқ ёритиб беришига алоҳида эътибор беринг.		2
Талабалар фаолиятини фаоллаштириш ва интенсификациялашга асосланган таълим технологиялари.	<ul style="list-style-type: none"> • Муаммоли савол ёки вазиятларни ишлаб чиқиш: - камида 10 та; • мутахассаслик фани бўйича ўқув лойиҳасини ишлаб чиқиш, бунда: -мавзу, -таълимий муаммо, -лойиҳанинг амалий 		2

	<p>аҳамияти асосномаси, -лойиҳани амалга ошириш босқичлари аниқ крсатилиши лозим; • таълимий ўйин сценарийсини ишлаб чиқиш, бунда: - мавзу, - ўйин қоидалари, - ўйин босқичлари, - воситалар, - талабалар фаолиятини баҳолаш мезонлари аниқ акс эттирилиши шарт.</p>		
<p>Аналитик тафаккурни ривожлантириш усулида таълим бериш асослари.</p>	<p>Аналитик тафаккурни ривожлантириш усуллари қўллашга мисоллар тузиш: – иш талабалар томонидан бажарилган топширик натижаси кўринишида бўлиши шарт; -усул танлашда муайян мавзунинг таълимий мақсади, униг мазмуни моҳиятидан келиб чиқинг.</p>		2
<p>Ўқув материални дидактик такомил- лаштириш ва реконструкциялаш асосидаги таълим технологиялари.</p>	<p>•Интегратив таълим ғояларига асосланиб, мутахассисликка оид ўқув дастури ёки битта ўқув машғулоти мазмуни (матни) ишланмасини яратиш: – машғулот таълим мазмуни фанлараро мантиқий боғланишларга асосланиши керак; -мазмун схема кўринишида берилди, бунда унинг</p>		2

	алоҳида қисмлари аро боғланишлар белгилар ёрдамида кўрсатилиши шарт; • модулли таълим бўйича дастур яратиш.		
Дастурлаштирилган таълим технологиялари.	Мутахассислигига оид битта мавзуни дастурлаш: - дастур электрон восита кўринишида бўлиши талаб қилинади.		2
Ахборот таълим технологиялари.	Мутахассислик фани бўйича битта ўқув машғулотининг тўлиқ ахборот таъминотини яратиш: - мутахассилигингизга оид муайян мавзу таълим мақсади, мазмунидан келиб чиқиб электрон таълим воситаси турини танланг; - вазифани бажаришда таълим воситаларига қўйиладиган дидактик талабларни инобатга олинг, - иш электрон маълумот ташувчиларда топширилади.		2
Ўқув машғулотларини лойиҳалаштириш	Мутахассислигига оид битта мавзуни тўла лойиҳалаш: - мустақил иш ўқув машғулоти модуль кўринишида ишлаб чиқилиши шарт; - ўқув машғулоти лойиҳасига қўйиладиган барча талабларга жавоб бериши лозим.		2
Жами:			16